

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎЛЁЗМА ҲУҚУҚИДА

УДК: 336:658(575.1)

ХАЛЕКЕЕВА ЗОЯ ПИРНИЯЗОВНА

**“АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ
МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун бажарилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Р.Х.Карлибаева

Тошкент – 2022

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I БОБ	АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10
1.1	Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш тушунчаси ва унинг моҳияти.....	10
1.2	Товар-моддий захираларнинг миқдорига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларни бошқаришнинг зарурлиги.....	29
1.3	Товар-моддий захираларни молиявий бошқаришни ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашдаги аҳамияти.....	39
	<i>Биринчи боб бўйича хулоса.....</i>	<i>48</i>
II БОБ	АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	50
2.1	Акциядорлик жамиятлари жорий активларини таркибида товар-моддий захираларни бошқариш тизимининг таҳлили.....	50
2.2	Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш моделлари таҳлили.....	61
2.3	Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларнинг айланувчанлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	79
	<i>Иккинчи боб бўйича хулоса.....</i>	<i>84</i>
III БОБ	АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	87
3.1	Товар-моддий захираларини молиявий бошқаришни такомиллаштириш.....	87
3.2	Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларни молиявий бошқариш самарадорлигини ошириш.....	102
	<i>Учинчи боб бўйича хулоса.....</i>	<i>116</i>
	ХУЛОСА.....	118
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	123

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда акциядорлик компаниялари молиявий барқарорлигига маҳсулот турларининг кенглиги, хизмат кўрсатиш даражаси, нарх сиёсати ва товар-моддий захираларнинг таркиби муҳим саналади. Акциядорлик жамиятлари маҳсулотнинг турли туманлиги ва товар-моддий захираларни самарали бошқариш орқали истъеъмолчилар талаблари қондирилади. Таъкидлаш жоизки, акциядорлик жамиятлари

Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захиралар катта молиявий ресурслар инвестиция қилинган акциядорлик жамиятларининг жорий активлари ҳисобланиб, уларнинг ортиқчалиги ва етишмовчиликни олдини олиш учун муайян ҳаракатларни талаб қилади. Натижада, товар-моддий захираларни бошқариш акциядорлик жамиятларининг энг муҳим функцияси бўлиб, у йирик корхоналари учун ҳам, кичик бизнес учун ҳам жуда долзарб ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш, айниқса кўп маҳсулот ишлаб чиқарадиган акциядорлик жамиятларида самарали усуллардан фойдаланган ва махсус дастурлар ёрдамида юқори даражада амалга ошириш керак. Маҳсулот турларининг ўсиши ва турли хил мол етказиб берувчилар сонининг кўпайиши билан товар-моддий захираларни оддий усуллар ёрдамида бошқариш тобора қийинлашмоқда.

Фойданинг ўсишига акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми, унинг турларининг хилма-хиллиги, акциядорлик жамиятларининг хизмат кўрсатиш даражаси, улар томонидан олиб борилаётган нарх сиёсати ва бошқа омиллар таъсир этади. Айрим ҳолатларда товар моддий захираларнинг даражасига мамлакатда олиб борилаётган солиқ, кредит ва инвестиция сиёсатлари ҳам ўз таъсирини кўрсатади ва ушбу мавзунинг долзарблигини англайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш муаммолари таниқли хорижлик

олимлар яни Шрайбфедер Дж Хедли Д Хэнссмен Ф. Ларсон П, Lau L.K, Martin A.J, Cooper J, Tomkins J.A, West A Rushton A. Ларнинг илмий ишларида ўрганилган¹.

Ушбу масала юзасидан россиялик олимлардан Алексеева, Н.И Бабурина Д.А Ермаков А.А. Винникова И.С. Григорян Р.А., Двас А.Г. Данилова, С. Ю Ряснянская Е. Д Савельева Л. А., Мамонов В.И Добронравин Е.Р. Поспеловская А.И. Довбищук А.В., Степанов В. Г, Магомедов, Ш. Ш Сазонова А.К, Храмова О.О. ларнинг ишларида ўрганилган². Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини Маликов Т.С., Жумаев Н.Х.,

¹ Шрайбфедер Дж. Эффективное управление запасами/Дж. Шрайбфедер; пер. с англ. Ю. Орлова. Изд-во Альпина Паблшер, 2019. 304 с. Хедли Д и др. Анализ систем управления запасами. Пер. с англ. М. 2005.¹ Хэнссмен Ф. Применение математических методов в управлении производством и запасами. Пер. с англ. М.: 2004. Larson, P.D. “The integration of inventory and quality decisions in logistics: an analytical approach”, Journal of Business Logistics, 1989, Vol. 10 No. 2, pp. 106–22. Lau, L.K. Managing business with SAP. Planning, implementation and evaluation. – IGP, 2005. Martin A.J. Distribution Resource Planning. Distribution Management’s Most Powerful Tool. — John Wiley&Sons, Inc., USA. — 1995. — 330 p. Cooper J., Bowr M., Peters N. Logistics Marketing Management and Strategy. - Blackwell Business. USA, 1992. — 331 p. The Distribution Management Handbook. Editors Tomkins J.A — McGraw Hill. USA, 1994. West A. Managing Distribution Concept. — John Wiley&Sons. UK, 1989. — 266 p. Rushton A. Handbook of Logistics and Distribution Management. — Kogan Page. UK, 1991. — 339 p.

² Алексеева, Н.И и др. Управление товарными запасами предприятия на основе анализа системы показателей / Н.И. Алексеева, Ю.В. Алёхина // Стратегия предприятия в контексте повышения его конкурентоспособности. 2019. Т. 1. № 5 (5). С. 56-59. Бабурина, Д.А. Необходимость новых подходов к управлению товарными запасами торгового предприятия // Научный альманах. 2018. № 7-1 (21). С. 32-36. Ермаков А.А. Разработка модели прогнозирования спроса при управлении товарными запасами в розничной торговле. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва. 2014. Винникова И.С. Эффективное управление товарными запасами организации. Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования, №3 (37), 2019.1406. Григорян Р.А. Положительные и отрицательные последствия наличия товарных запасов на предприятии / Р.А. Григорян // Научные Исследования. – 2017. – №3. С. 18. Двас А.Г. Трансформация стратегий управления запасами: от альтернативности к комплементарности / А. Г. Двас // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. – 2015. – №8 (80). С. 34. Данилова, С. Ю. Оптимизация уровня запасов производства с целью повышения конкурентоспособности предприятия с непрерывным циклом производства // Вестник Волжского университета имени В. Н. Татищева. — Тольятти, 2019. — № 2 (28). — С. 47–52. Ряснянская Е. Д Управление запасами организации // Современные научные исследования и инновации. 2020. № 8 [Электронный ресурс]. URL: <https://web.snauka.ru/issues/2020/08/92306> (дата обращения: 02.06.2022). Савельева Л. А Управление товарными запасами в потребительской кооперации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук Новосибирск – 2012. Мамонов В.И и др. Проблемы применения детерминированных моделей управления запасами // Российское предпринимательство. – 2017. – Том 18. – № 11. – с. 1741. Добронравин Е.Р. Теория управления запасами при построении логистических систем // Российское предпринимательство. – 2011. – Том 12. – № 11. – с. 97-100. – url: <https://creativeconomy.ru/lib/7129>. Поспеловская А.И. Логистические тренды в управлении производственными запасами предприятий водоснабжения и водоотведения // Российское предпринимательство. – 2009. – Том 10. – № 7. – с. 149-154. – url: <https://creativeconomy.ru/lib/5352>. Довбищук А.В. и др. Концепция выбора оптимальной стратегии управления запасами в условиях нестационарного спроса // Российское предпринимательство. – 2002. – Том 3. – № 6. – с. 60-67. – url: <https://creativeconomy.ru/lib/663>. Степанов В. Г и др Критерии и модели оптимального управления товарными запасами // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2017. – Т. 3. – С. 153–161. – URL: <http://e-koncept.ru/2017/770259.htm>. Магомедов, Ш. Ш. Управление товарным ассортиментом и запасами: Учебник для бакалавров/Ш.Ш. Магомедов — М.: Дашков и К, 2019. — 176 с. Сазонова, А.К и др. Управление запасами предприятия и их оптимизация / А.К. Сазонова, Л.Н. Матвийчук // Современные тенденции развития науки и технологий. 2019. Т. 8. № 5. С. 124-127. Храмова, О.О. Анализ товарных запасов системе управления товарооборотом кооперативной организации / О.О. Храмова, Т.Г. Храмова // Современные тенденции развития науки и технологий. – 2019. – № 6-8. – С. 130-134.

Хамидуллин М.Б, Мустафакулов Ш.И, Карлибаева Р.Х., Элмирзаев С.Э, Худойкулов Х.Х, Хайитбоев М.И³ лар ўз илмий ишларида тадқиқ қилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш тушунчаси ва унинг моҳияти;
- товар-моддий захираларнинг миқдорида таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларни бошқаришнинг зарурлиги;
- товар-моддий захираларни молиявий бошқаришни ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашдаги аҳамияти;
- акциядорлик жамиятлари жорий активларини таркибида товар-моддий захираларни бошқариш тизимининг таҳлили;
- акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш моделлари таҳлили;

³ Маликов Т.С Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2009, — Б. 93. Жумаев Н.Х., Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор жиҳатлари.// Молия ва Банк иши.№3.2020й 249б. Хамидуллин М.Б ва бошқалар. К вопросу об эффективном собственнике в системе корпоративного управления // Иннов: электронный научный журнал, 2018. №3. URL: <http://www.innov.ru/science/economy/k-voprosu-ob-effektivnom-sobstvenni/>, Мустафакулов Ш.И Иқтисодиётнинг бақарорлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг инновацион истиқболлари, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 2, ноябрь, 2011 йил. Карлибаева Р.Х. Молия тизими тараққиёти ва молиявий менежмент назарияси шаклланишининг фундаментал асослари, “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журналы. № 4, август, 2017 йил. 16. Элмирзаев С.Э Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журналы. № 3, июнь, 2019 йил, Худойкулов Х.Х Акциядорлик жамиятларининг қарз капитал қийматини баҳолашнинг замонавий усули. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журналы. №2, апрель, 2021 йил. ISSN: 2181-1016. Хайитбоев М.И. Товар-моддий захираларни баҳолаш ва уларга доир ахборотларни молиявий ҳисоботда очиб бериш хусусиятлари. / Иқтисод ва Молия. 2019, №10 .226.

- акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларини бошқаришни такомиллаштириш;

- акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларни молиявий бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «NO‘KIS VINOZAVODI» ва «Махам-Чирчиқ» акциядорлик жамиятларининг товар-моддий захираларини бошқариш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда абстракция, таҳлил ва синтез, тизимли ёндашув, мантиқий тафаккур, таққослаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, қиёсий таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

-акциядорлик жамиятлари самарали ишлаб чиқаришини ва уларнинг ижобий молиявий кўрсаткичларга эришишни таъминлайдиган товар-моддий захираларни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича муаллифлик ёндашувлари ишлаб чиқилган;

-акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларини туркумлаш натижасида уларнинг хусусиятларига кўра умумий қоида асосида режалаштириш ва тартибга солиб бошқаришнинг логистик моделларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

-инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш шартларини инобатга олиб акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш модели ва алгоритминини ишлаб чиқилган.

-акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни сотиб олишни бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган замонавий ташкилий бошқарув тузилмаси таклиф этилади;

-акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни харид қилиш тизимини бошқаришини такомиллаштириш механизми ишлаб чиқилди;

Тадқиқотнинг илмий натижалари қуйидагилардан иборат:

- акциядорлик жамиятларининг товар-моддий захиралари хусусиятлари бўйича тавсифланиши берилган;

-акциядорлик жамиятларида шакллантирилган товар-моддий захиралар ҳажмига таъсир этувчи муҳим ташқи омиллар аниқланади;

Товар-моддий захираларга бўлган талабларни тайёрлашни башорат қилиш усули таклиф этилади;

- акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш замонавий тузилмаси таклиф этилади;

-акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларини бошқариш билан боғлиқ муаммолар ўрганилади ва уларнинг айланма маблағлар таркибидаги ҳолати аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон давлат активларини бошқариш агентлиги, «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти расмий маълумотларининг таҳлилларига таянган, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг ишончлилиги ундаги маълумотларнинг расмий манбалардан, яъни Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари нашр ва ҳисоботларидан олинганлиги ва уларни акциядорлик жамиятлари амалиётига жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларининг назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган тадқиқот ишларида фойдаланилиши мумкин. Диссертацияда олинган таклиф ва тавсиялардан акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларини бошқаришда шакллантирилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва молиявий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан акциядорлик жамиятларининг товар-моддий захираларини самарали бошқариш жараёнини мустаҳкамлашда унинг турли хил усулларни тизимлаштириш, акциядорлик жамиятларини ривожлантириш, корхона меъёрий ҳужжатларини, давлатимиз қонун ва қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқишда, акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларини самарали бошқаришга қаратилган турли доирадаги дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

-Жорий активларнинг навбатдаги муҳим мақсади корxonанинг ликвидлигини таъминлашдан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида айланма маблағларнинг нақд пулга айланиш қобилияти билан изоҳланади. Чунки, товар моддий захираларнинг айланиш тезлиги паст бўлса, жорий активларнинг ҳам самарадорлиги ҳам паст бўлади. Махам-Chirchiq» акциядорлик жамиятида жами активлар таркибида узоқ муддатли активлар 2015 йилда 34,3 %ни, жорий активлар эса 65,7 %ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич мос равишда 41,7 % ва 58,3 % ни ташкил қилган. корхонада ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши ва натижада ушбу даврда (2016 йил) операцион фаолият учун зарурий меҳнат предметларига реал эҳтиёжининг пасайиши кузатилиши ҳисобига олинган.

-«NO‘KIS VINOZAVODI» акциядорлик жамиятида эса жами активлар 2015 йилда 23926,8 млн. сўмни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич таҳлил қилинаётган даврда барқарор ўсиш суръатида бўлиб, 2021 йилда 111136,1 млн. сўмни ташкил қилган. 2015 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўсиш суръати 464,5 %ни ташкил қилган. Ушбу юқори ўсиш суръатида узоқ муддатли активларнинг таҳлил қилинаётган даврдаги 472,4 %лик ўсиши (2015 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўсиш) муҳим аҳамият касб этган.

-«NO‘KIS VINOZAVODI» акциядорлик жамиятида эса узоқ муддатли активлар жами активлар таркибида 2015 йилда 62,4 %ни ташкил қилиб, ушбу

кўрсаткич 2021 йилда 63,% %га етган. Жорий активлар 2021 йилга келиб 36,5 %ни ташкил қилган. Товар- моддий захираларнинг айланиш тезлигини ҳаддан зиёд юқори кўрсаткичини таъминлаш ҳисобига, улардан фойдаланиш самарадорлигини кескин ортиши ҳисобига кузатишган.

-«Маҳам-Chirchiq» акциядорлик жамияти жами товар-моддий захираларнинг 2015-2021 йиллардаги ўсиш суръати 258,4 %ни ташкил қилган бўлса ушбу ўсиш асосан ишлаб чиқариш захираларига тўғри келган (327,1 %). Ишлаб чиқариш захираларида ресурсларнинг юқори даражадаги тўпланиши 2021 йилга келиб 253085,6 млн. сўмга етган. Сотиш бозордаги конъюктуранинг кескин ўзгариши натижасида ишлаб чиқариш фаолияти қувватларидан фойдаланиш даражасининг кескин ўзгарувчанлиги билан ҳам боғлиқ бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан 6 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, шундан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 132 бетни ташкил этади.

1.БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш тушунчаси ва унинг моҳияти

Иқтисодий ривожланишнинг замонавий шароитида товар-моддий захираларининг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларининг ишлаб чиқариш салоҳияти товар-моддий захиралардан фойдаланиш самарадорлиги билан боғлиқдир. Товар-моддий захираларнинг етишмаслиги иш вақтининг йўқолишига, корхоналарда асосий воситаларни тўғри фойдаланилмаслигига олиб келади, натижада эса корхона маҳсулот сотишдан олинadиган фойдани олиш имконияти чекланади. Товар моддий захираларнинг ортиқчалиги молиявий ва меҳнат ресурслари харажатларининг кўпайишида ифодаланган ижтимоий меҳнатнинг мантиқсиз харажатларидан далолат беради. Иқтисодиётни бошқариш ва корхоналардаги тўлиқ молиявий мустақиллиги молиявий ресурслар ва меҳнат натижаларини тасарруф этиш, корхона фаолиятининг турли соҳаларидаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ.

Корхоналарнинг товар моддий захираларини бошқаришнинг асосий вазифалари:

1) акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқаришнинг назарий жиҳатларини ўрганиш, товар-моддий захираларни шакллантириш босқичлари, уларнинг ишлаб чиқишдаги зарурлигини аниқлаш;

2) корхоналарда товар-моддий захираларни дифференциаллашни амалга ошириш;

Товар-моддий захиралар ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятининг муҳим қисми ҳисобланиб, улар нафақат иш фаолияти учун, балки мижозлар эҳтиёжини қондириш учун ҳам муҳимдир. Товар-моддий захираларнинг аҳамиятини англаш учун қуйидагиларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

хар хил акциядорлик жамиятларидаги захираларнинг ҳажми ва пул қийматига боғлиқ бўлса-да, ўртача корхона захираларга жорий маблағларнинг қарийб 30 фоизигача сармоя киритади. Корхонани бошқаришнинг кенг тарқалган кўрсаткичларидан бири бу инвестицияларнинг рентабеллиги ҳисобланиб, у солиқлардан кейинги фойда умумий активга бўлиниши орқали топилади. Товар-моддий захиралар аксарият ҳолларда акциядорлик жамиятларининг умумий активларининг муҳим қисми бўлганлиги сабабли, захираларни камайтириш корхона даромадини сезиларли даражада ошириши мумкин.

Товар-моддий захиралар турли хил, шу жумладан қуйидагича шаклда бўлади:

- хом ашё ва сотиб олинган қисмлар ва бутловчи қисмлар,
- тугалланмаган ишлаб чиқариш ёки қисман тайёр маҳсулотлар;
- эҳтиёт қисмлар, асбоблар, материаллар;
- акциядорлик жамиятларида сақланаётган ёки истеъмолчиларга етказиб бериш учун товарлар бўлиши мумкин.

Хизмат кўрсатувчи корхоналар ушбу турдаги товар-захираларидан фойдаланмайди, лекин улар ҳам товар-моддий захираларига эга бўлади.

Товар-моддий захиралар турли функцияларга эга бўлиб, унга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1. Истеъмолчилар кутаётган талабини қондириш. Яъни истеъмолчилар турли хил ҳолатда яъни ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатиш соҳасида турли хил талабларни қуйиши мумкин ва акциядорлик жамиятлари имконият даражасида уларни таъминлашни амалга ошириш лозим.

2. Ишлаб чиқаришга бўлган талабларни таъминлаш. Харидорлар талабларининг мавсумий тебранишлари билан тўқнашаётган акциядорлик жамиятлар, таназзул даврида юқори даражадаги талабни қондириш имкониятига эга бўлиши учун захиралар ҳажмини кўпайтиради. Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланадиган акциядорлик жамиятлар мавсумий таъминотни амалга оширади.

3. Операцион ишларни амалга ошириш. Яқин вақтгача ишлаб чиқарувчи акциядорлик жамиятлар товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш циклидаги бошқа операциялар ўртасида боғловчи сифатида ишлар эди, бу жараённинг узлуксизлигини таъминлаш учун, бу ускуналар бузилиши, авариялар ва ишларнинг вақтинча тўхтаб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари истъеомолчиларга маҳсулотларни етказиб беришда узилишлар бўлган тақдирда ишлаб чиқаришни ҳимоя қилиш учун турли хил ишлаб чиқариш ва товар-моддий захираларни сақлаш омборини шакллантиради ва ишлаб чиқаришдаги узилишлар сотувга таъсир қилмаслиги ҳисобини олган ҳолда тайёр маҳсулотлар захирасини ушлаб туришга ҳаракат қилади. Сўнгги пайтларда акциядорлик жамиятлар товар-моддий захираларни сақлашга бўлган муносабатларини корхонани ривожлантириш нуқтаи назардан қайта кўриб чиқмоқда. Улар бундай захираларни сақлаш учун зарур бўлган харажатлар ҳажмини ва омборхоналарни замонавий сақлаш йўллари қидириб, маҳсулот сифатининг бузилиш сабабларини ўз вақтида аниқлаш ва уни бартараф қилиш жараёнларини ўрганиб, товар-моддий захиралар ҳажмини камайтириши мумкинлиги бўйича фикрлар билдирмоқда.

4. Акциядорлик жамиятларида молиявий ресурсларни иқтисод қилиш. Ишлаб чиқариш жараёнида товар-моддий захираларнинг шу вақтида етказиб берилмаслиги маҳсулотга бўлган талабларнинг кўпайишига олиб келади, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнини тўхтаб қолиш хавфини тўғдиради. Хом ашёларни етказиб беришдаги кечикишлари, мол етказиб берувчилар билан боғлиқ муаммолари яъни акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёларнинг тугаб қолиши туфайли юзага келган ҳолатлар, режадан ташқари маҳсулотларга буюртманинг келиб тушиши ҳолатларида корхона фойда олиш имкониятини бой бериши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларнинг юзага келиши одатда акциядорлик жамиятларининг фойда олишига ўз салбий таъсирини кўрсатади.

5. Буюртма шаклларида фойдаланиб, харидлар ва товар-моддий захиралар харажатларини камайтириш учун акциядорлик жамиятлар кўпинча ишлаб чиқариш талабларидан ортиқча сотиб олишади. Бу келажакда фойдаланиш учун сотиб олинган товарларнинг маълум қисмини сақлаш зарурлигини келтириб чиқаради. Шунини айтиш жоизки, катта ҳажмли товар-моддий захира қолдиргандан кўра кўп миқдорда товар ишлаб чиқариш самарали ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларида режадан ортиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар агарда уларга талаб бўлмаса корхона ишлаб чиқарилган сақлаб туришга мажбур бўлади, бу эса ўз навбатида маълум бир харажатларни талаб этади.

Шундай қилиб, товар-моддий захираларни сақлаш акциядорлик жамиятларга сотиб олиш ёки ишлаб чиқаришни қисқа муддатли талаб билан тўғридан-тўғри боғлашга уринмасдан, иқтисодий жиҳатдан самарали ҳажмларни сотиб олиш ва ишлаб чиқариш имконини беради. Бу даврий буюртмалар ёки қўшимча жараёнларга олиб келади. Буюртма жараёнлари ҳар доим ҳам ишлаб чиқариш ҳажмининг иқтисодий томони билан бевосита боғлиқ эмас. Баъзи ҳолларда буюртмаларни ликвидлиги бўйича гуруҳлаш ёки маълум белгиланган вақт оралиғида буюртмалар бўйича ишлаб чиқариш фойдали бўлиши мумкин.

6. Акциядорлик жамиятлари маҳсулотлари нархларнинг пасайишидан сақланиш. Одатда акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг нархи кўтарилиши мумкин деган башоратни қилиб кўп ҳажмдаги хом-ашёларни сотиб олиши мумкин. Шунингдек, хом-ашёларни сотиб олишда акциядорлик жамиятларига катта миқдордаги захираларни сотиб олаётганда корхонада белгиланган миқдорий чегирмалардан чиқиб кетмаслиги лозим.

7. Акциядорлик жамиятларида одатий ишлаб чиқаришни таъминлаш. Акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқариш жараёни маълум бир вақт доирасида амалга оширилади, тугалланмаган ишлаб чиқариш жараёнида захиралар иштироки одатий ҳолат ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларида

захираларнинг тугалланмаган ишлаб чиқариш жараёнидаги иштироки, шунингдек омборларда товарларни сақлаш муддатлари, ишлаб чиқаришни амалга ошириш ва маҳсулотларни тарқатиш, шу тариқада товар-моддий захираларнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Хорижлик олим Шрайбфедер Дж⁴ фикрига асосан, корхоналарда товар-моддий захираларни самарали бошқариш корхонага соф фойдани максимал даражада ошириш, керакли даражада захираларини яратиш ва корхона томонидан чиқарилган маҳсулотнинг истеъмолчилари талабларини ўрганиш ва қондириш имконини бериши мумкин. Яна бир хорижлик олим Ларсон П.нинг фикрича⁵ корхоналарда товар-моддий захираларни бошқариш-бу корхонанинг узлуксиз ишлашини таъминлайдиган керакли ҳажмдаги товар-моддий захираларни сақлаш омборларига эга бўлиши ва шу билан бир қаторда корхона фаолиятида самара берадиган бошқа захираларининг таркибини оптималлаштириш имкони беради.

Рус олимларидан Винникова И.С.⁶ товар-моддий қийматликлар — бу захираларнинг оптимал ҳажмини аниқлаш ва уларни молиялаштиришни таъминлаш жараёнидир деб таъриф бериб ўтган бўлса, кейинги олим Ряснянская Е. Д. нинг фикрича⁷ товар-моддий захираларни бошқариш-бу корхонанинг хизмат кўрсатиш даражаси ва узлуксиз ишлашини таъминлаш билан бирга уларни сақлаш харажатларини камайтириш мақсадида корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хом ашё ва бошқа фаолият объектлари захираларини рационал даражада ишлаб чиқариш ва сақлаш тушунилади. Степанов В. Г.⁸ ўз илмий ишларида товар-моддий

⁴ Шрайбфедер Дж. Эффективное управление запасами/Дж. Шрайбфедер; пер. с англ. Ю. Орлова. Изд-во Альпина Паблишер, 2019. 304 с.

⁵ Larson, P.D. “The integration of inventory and quality decisions in logistics: an analytical approach”, *Journal of Business Logistics*, 1989, Vol. 10 No. 2, pp. 106–22.

⁶ Винникова И.С. Эффективное управление товарными запасами организации. *Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования*, №3 (37), 2019. 1406.

⁷ Ряснянская Е. Д. Управление запасами организации // *Современные научные исследования и инновации*. 2020. № 8 [Электронный ресурс]. URL: <https://web.snauka.ru/issues/2020/08/92306> (дата обращения: 02.06.2022).

⁸ Степанов В. Г и др Критерии и модели оптимального управления товарными запасами // *Научно-методический электронный журнал «Концепт»*. –2017. – Т. 3. – С. 153–161. – URL: <http://e-koncept.ru/2017/770259.htm>.

захиралар корхонанинг жорий активлари таркибида бўлиб, уларнинг даражаси корхонанинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигига бевосита таъсир қилишини қайд этиб ўтган. Храмцова, О.О.⁹ эса товар-моддий захиралари истъёмолчиларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг элементларидан бири бўлиб, маҳсулотнинг икки томонлама табиатга эга бўлганлиги туфайли икки томонлама характерга эга деб ҳисоблайди. Биринчидан, бу аҳолининг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган маълум бир истъёмол товарлари массаси, бошқа томондан эса, у товар шаклидаги маълум бир қиймат эга бўлган айланма маблағдир. Ўзбекистонлик олимлардан Маликов Т.С нинг фикрича,¹⁰ товар- моддий захирадаги маблағлар – ишлаб чиқариш соҳасидаги айланма активларининг пассив элементи бўлиб, уларни омборда сақлаш капитал сифатида айланишдан вақтинча четлаштиради ва сақлаш бўйича қўшимча харажатларни вужудга келтиради. Карлибаева Р.Хнинг илмий ишларида¹¹ товар-моддий захираларни LIFO усулида баҳолаш соф активлар қийматини пасайтиради, FIFO усулида эса аксинча жорий бозор қийматига яқинлаштиради. Тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини (умумхўжалик харажатларидан ташқари) қисқартирилган таннархда баҳолаш соф активлар қийматини пасайтириш билан боғлиқлиги кўриб ўтилган.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни носамарасиз бошқариш захиралар таркибининг нотўғри танланганлиги, унинг етишмаслиги ёки ортиқча бўлишига таъсир этади. Товар-моддий захираларнинг етарли эмаслиги, корхона стратегиясида кўрсатилган вақтдан сотилиши ўтиб кетган маҳсулотларнинг сақланишига ёки сотишдаги йўқотишларга, истъёмолчиларнинг норозилигига ва ишлаб чиқаришда узилишларга олиб келади. Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнида кераксиз

⁹ Храмцова, О.О. Анализ товарных запасов системе управления товарооборотом кооперативной организации // Современные тенденции развития науки и технологий. – 2019. – № 6-8. – С. 130-134

¹⁰ Маликов Т.С Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009, — Б. 93.

¹¹ Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари. И. ф. д.(DSc) илмий дар. учун дисс. автореферати. 2018й.

захираларни сақлаб, одатда ёки корхонага фойда келтирадиган шароитни яратади ёки корхона фойда олиши мумкин бўлган имкониятни йўқотади. Товар-моддий захираларнинг ортиқча ҳажмда сақланиши акциядорлар ва инвесторлар учун қимматга тушиши мумкин.

Кўпинча молиявий менежерлар акциядорлик жамиятнинг баъзи маҳсулотларнинг 10 йиллик захираси борлигини аниқлайди. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқаришни икки томонидан кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ. Биринчиси корхона истъеъмолчиларига хизмат кўрсатиш даражасига, мижозлар учун керакли маҳсулотни етарли миқдорда, белгиланган вақтида ва керакли ҳудудда, бозорда ишлаб чиқариш қобилиятига ишора қилади. Иккинчи жиҳати акциядорлик жамиятлари томонидан товар-моддий захираларнинг ҳажмини ва турли хили бўйича буюртма қилиш ва сақлаш харажатлари билан ифодаланади.

Товар-моддий захираларини самарали бошқаришнинг асосий мақсади уларни сақлаш харажатларини корхона бизнес режасида келтирилган даражада ушлаб туришдан иборат. Шу билан бирга маҳсулот истъеъмолчиларига сифат ва ҳажм нуқтаи назаридан ўз фаолиятини амалга оширишда юқори кўрсаткичларга эришиш ҳисобланади. Шунинг учун бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш ҳажмига аниқлик киритган ҳолда сотиб олинадиган хом-ашёлар массаси ўртасидаги мувозанатга риоя қилиш мақсадга мувофиқ. Шунинг билан бирга акциядорлик жамияти иккита йирик масала ечимини ҳам амалга ошириши лозим. Молиявий менежерлар хом-ашёларга белгиланган чегирмалар асосида ва белгиланган ҳажмда буюртма бериши ва уларни жиддий назоратини олиб бориши лозим.

Бизнинг фикримизча акциядорлик жамиятлари бир маромдаги ишлаб чиқаришни амалга оширишда товар-моддий захираларни бошқаришда муҳим иккита вазифага эътиборни қаратиш лозим. Биринчи вазифа корхонага қанча ҳажмда хом ашё маҳсулотлари учун эҳтиёж борлигини аниқлаш, иккинчиси ишлаб чиқаришнинг қайси даврида қанча миқдорда буюртма беришлигини билиш мақсадга мувофиқдир.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни назорат қилиш ва уларни сотиш олиш даврларини олдиндан белгилаш лозим. Товар-моддий захираларнинг сифатини текшириш ва уларнинг таркибида материалларнинг ҳар бири ҳисобга олиниши лозим. Сабаби товар-моддий захираларнинг ҳар бири бўйича тўловлар турли хил даврларда амалга оширилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларида молиявий менежерлар белгиланган вақтда ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган, сотишга чиқарилган ёки омборда сақланаётган захираларни назоратга олиши, шу билан бир қаторда корхонадаги хом ашёларнинг ҳолатини, ҳажми ва сифатини куздан кечирини мақсадга мувофиқ. Сабаби ушбу жараёни муваффақиятли олиб бориш акциядорлик жамиятлари учун ишлаб чиқаришда ишлатилиши лозим бўлган маҳсулотлар ҳажми ва ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган буюртмаларнинг сонига аниқлик киритишда муҳим ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларида бундай механизмни жорий этиш товар-моддий захираларга бўлган эҳтиёжлар ҳажминини аниқлик киритиш билан бирга уларни харид қилиш учун қанча молиявий ресурслар харажат қилинишига ҳам аниқлик киритилади. Молиявий менежерлар буюртмаларни бир вақтда беришга ва харажатларни оптималлаштиришга ҳаракат қилади. Шунини айтиш жоизки, ушбу механизмни йўлга қўйиш осон кечмайди, сабаби товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётганлиги ёки корхонанинг бошқа бўлимларида ишлатилаётганлиги, маълум бир қисми эса омборхонада ҳам сақланаётган бўлиши мумкин. Лекин ушбу механизм йўлга қўйилса унинг афзаллиги шундан иборат бўладики, товар-моддий захираларининг турли қисмлари бўйича бир вақтнинг ўзида буюртма берилиши таъминланади. Қолаверса товар-моддий захиралар устидан назоратни амалга ошириш уларнинг тўлиқ ҳажмда корхонада мавжудлигидан далолат беради. Акциядорлик жамиятларида хом ашёларнинг етишмаслигини ёки уни ортиқча харид қилишдан сақлайди. Натижада корхонанинг товар-моддий захиралар билан боғлиқ турли муаммоларнинг бартараф этилишига олиб келади.

Ҳар қандай вақтда товар-моддий захираларнинг доимий равишда ҳисоб-китобини олиб бориш молиявий менежерлар учун муҳим ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришдаги товар-моддий захиралар олдиндан белгиланган минимал даражага етганда, белгиланган режага мувофиқ керакли миқдоридаги товар-моддий захиралар билан тўлдирилади.

Ушбу тизимнинг шубҳасиз афзаллиги — бу товар-моддий захиралардан фойдаланишни доимий мониторинг қилиш билан таъминланган захиралар даражаси устидан назоратни узлуксиз олиб боришдан иборат бўлади. Яна бир афзаллиги шундан иборатки, товар-моддий захиралар буюртмасини янгилашнинг белгиланган ҳажмини корхона раҳбарияти унга бўлган буюртмани иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини аниқлаши лозим бўлади. Ушбу ёндашувнинг камчиликларидан бири эса ёзувларни юритишнинг кўшимча харажатлар билан боғлиқлигидир. Шунингдек, акциядорлик жамиятларидаги турли хил ўғирликларнинг содир бўлиши, молиявий менежерлар томонидан амалга ошириладиган хатоликлар, хом-ашёлар даражасига таъсир этувчи салбий ва ижобий омилларнинг салмоғи ҳисобга олиниб борилади. Шунингдек ушбу имкониятлар корxonанинг ҳисоб-китобини амалга оширишда ва товар-моддий захиралар даражасидаги ўзгаришларни кузатиб боришда ёрдам беради. Корхонада бухгалтерия ишларини юритиш ва акциядорлар олдида ўз вақтида ҳисоботларни тақдим этиш масъулиятини олган ҳолда молиявий менежерлар доимо товар-моддий захиралари ҳаракати устидан назоратни олиб бориши зарурдир.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни сақлашнинг ҳам турли усуллари мавжуд. Биринчиси улар махсус омборхоналарда, иккинчиси махсус идишларда сақланиши мумкин. Ушбу усуллар уларнинг бир жойдан иккинчи жойга етказилишида қулайликлар яратиши билан назорат қилишни ҳам осонлаштиради.

Ушбу усулларнинг салбий жиҳатлари буюртма берилгандан сўнг корхона рўйхатидан ўтказилади, лекин у ўз вақтида айрим сабабларга кўра

фаоллаштирилмаслиги ҳам мумкин. Унинг натижасида эса маҳсулот ўз буюртмачисига етиб бормади.

Молиявий ҳисоботларга акциядорлик жамиятларининг товар-моддий захиралари тўғрисида маълумот оралиқ ҳисоботларда ўз аксини топади ва корхона инвесторлари, аудиторлари томонидан назорат қилиб борилади. Улар томонидан товар-моддий захираларнинг ҳолати таҳлили амалга оширилади, булаётган тебранишлар ўрганилади. Бундай текширувлар даврида товарларнинг нарх ёзилган маълумоти ёки уларнинг қадокларида босилган штрих-кодларни ўқийдиган сканерлаш асосида уларнинг ҳажми ҳисобга олиб борилади.

Товар-моддий захиралар саноат ва савдо корхоналари фаолиятининг барча жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб, бу уларга мураккаб муаммо сифатида ёндашишни ва тегишли бошқарув сиёсатини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Товар-моддий захираларни бошқаришнинг асосий мақсади у билан боғлиқ харажатларини оқилона чегараларда ушлаб туриш билан мижозларга хизмат кўрсатишнинг қониқарли даражасига эришишдир. Шу сабабли акциядорлик жамиятларидаги товар-моддий захиралар таркибидаги материаллар оптималлаштириши лозим.

Одатда акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларни етарли эмаслигини ёки унинг ортиқчалигини аниқлайди. Бу эса ўз навбатида истъеъмолчиларнинг норозилигига сабаб бўлади. Натижада эса акциядорлик жамиятлари ўз мижозларини йўқотишига сабаб бўлади. Аксарият корхоналар товар-моддий захираларини ортиғи билан сотиб олади, унинг таркибига эътибор қаратилмайди, шунинг учун ҳам корхона маҳсулотларни сотишда муаммоларга учрайди ёки ишлаб чиқаришнинг белгиланган режалаштирган ишларидан четга чиқиб кетиши кузатилади.

Товар айланишининг узлуксиз жараёнини амалга ошириш учун маълум бошқариш механизми зарур. Товар-моддий захиралари — бу ҳар бир соҳада

бўлган ва сотиш учун мўлжалланган товар массасининг йиғиндиси бўлиб, аксарият ҳолларда қуйидаги функцияларни бажаради:

- акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- акциядорлик жамиятларига мижозларнинг талабини қондириш орқали фойда максимал ошириш;
- акциядорлик жамиятларида товарларга талаб ва таклиф ҳажмини мувозанатини сақлаган ҳолда амалга ошириш;
- истеъмол маҳсулотлари товар-моддий захираларини шакллантириш зарурати амалга ошириш;
- товар айланиш жараёнларининг узлуксизлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг мавсумийлигини эътиборга олиш;
- ишлаб чиқариш ва истеъмол майдонларининг нотекис тақсимланишига аҳамият бериш;
 - талаб ва ишлаб чиқариш давомийлигининг кутилмаган тебранишларини тартибга солиш;
 - ишлаб чиқариш турларини савдога айланттириш зарурати;
 - суғурта захираларини шакллантириш зарурлигидан иборат.

Одатда акциядорлик жамиятларида хом ашёлар турлари белгиланган мезонлар асосида баҳоланади. Корхонада товар-моддий захираларнинг хусусиятларига қараб, улар қуйидагиларга бўлинади: аҳоли учун товарларни узлуксиз сотишда савдо-сотикнинг кунлик эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган жорий омборлар захиралари, шунингдек мавсумий йиғиладиган товар-моддий захиралари бўлиб, уларни мамлакатнинг айрим ҳудудларига етказиш шартлари билан боғлиқ бўлади.

Ҳисоб-китоб ва товар-моддий захираларни режалаштиришда мутлақ ва нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Товар-моддий захираларнинг мутлақ қиймати пул бирликларида ифодаланади. Захираларнинг мутлақ қиймати доимий эмас, у ўз навбатида товарларни қабул қилиш ва сотишга қараб ҳар доим ўзгариб туради. Шунинг учун таҳлил қилиш ва

режалаштиришда товар-моддий захираларни товар айланмаси билан таққослаш катта аҳамиятга эга.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захиралари самарадорлиги катъий белгиланган кўрсаткичлар орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткичлар акциядорлар ва инвесторларга товар-моддий захираларнинг қанча кунда айланиши, уларнинг ҳажми тўғрисида маълумот беради. Товар-моддий захираларнинг айланиш тезлигига корхонанинг оладиган фойдаси бевосита боғлиқдир. Агарда товар-моддий захираларнинг тезлиги жадал бўлса демак корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилиши аъло даражадалигидан далолат беради. Маҳсулотларнинг тез кунларида сотилиши товар-моддий захираларнинг ҳажмининг кўпайишига ва ишлаб чиқариш жараёнининг тезлашига олиб келади. Корхонада нима учун товар-моддий захираларнинг тезлашиши муҳим аҳамиятга эга, сабаби корхонанинг рентабеллиги ошиши, тўлов қобилияти кўрсаткичлари корхонага жалб қилинадиган молиявий ресурслар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Товар-моддий захираларнинг айланиши тезлашгани сайин акциядорлик жамиятларининг бозор қиймати ҳам ошиб боради.

Акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини оширишда хом-ашёларнинг роли юқори бўлиб, у корхонанинг инвестицион фаоллигига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Инвестицион ресурслар ҳажмининг кўпайиши корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келади. Яъни товар-моддий захиралари ҳажмининг ортиши бир нечта вазиятлар билан боғлиқ бўлади. Биз унга қўйидаги омилларнинг таъсирини кўрамыз:

-Акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талаблар ва таклифлар боғлиқлиги муҳим аҳамият касб этади. Айрим ҳолатларда истъемолчиларнинг талаби товарлар таклифидан ошиб кетади ва товар-моддий захираларнинг айланиши тезлашади. Маҳсулотга бўлган таклифлар ошгани сайин, бозор тўйина бошлайди, натижада товар айланмаси тезлиги пасаяди. Буюртмачилардан келиб тушган талаблар ўрганилади ва

корхонада мавжуд бўлган товар-моддий захираларининг бир маромда айланиши таъминланади;

- акциядорлик жамиятлари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг турли хиллигини таъминлаш. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг айланиш даврийлиги бир хилда чиқарилган маҳсулотларга нисбатан юқори даражада бўлиши таъминланади;

- акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларни етказиб бериш механизми. Корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларини истъемолчиларга қанча тез кунларда етказиб берса, савдо ҳажми шунча юқори бўлади. Лекин маҳсулотларни етказиб беришда уни сотиш объектларининг қайси ерда жойлашганлиги, қандай транспортларда етказилиши билан боғлиқ бўлади.

- ҳар ойда ёки кварталда маҳсулотларни ишлаб чиқариш қанчалик товар-моддий захираларининг етказилишига бевосита боғлиқ бўлади. Яъни корхонада оддий тартиб интизом тизими мавжуд бўлиши лозим.


Товар-моддий захиралар айланмасига кўплаб бошқа омиллар таъсир қилади: реклама ва товарларни сотишни ташкил этиш, транспорт шароитлари, моддий-техник базанинг ҳолати, айниқса товарларнинг қадоқланиши ва бошқалар. Шунингдек ходимларнинг малакаси ва мураккаб савдо жараёнини бошқариш даражаси, ишни ташкил этиш ва бошқалар товар-моддий захиралари самарадорлигини оширишда муҳим ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларида яна бир иқтисодий категория саналган товар-моддий захиралар ишлаб чиқаришда ва корхонада муомала фондларини шакллантиришда муҳим сегмент ҳисобланади. Молиявий менежерлар захираларни шакллантиришдан олдин қатъий белгиланган меъёрларга эга бўлиши талаб қилинади. Корхоналарда товар-моддий захираларнинг ортиқча ҳажми ишлаб чиқариш ресурсларининг тўпланишига имкон беради ва шу билан иқтисодий жараённинг ишончсизлигини келтириб чиқаради.

Товар-моддий захираларининг сифати корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнида тайёрланадиган маҳсулотларнинг сифати билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Товар-моддий захираларнинг хилма-хиллиги ишлаб чиқарилаётган

маҳсулот турларининг диверсификациясини таъминлайди. Уларнинг таркибига хом ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар, контейнерлар, қайтариб бериладиган чиқиндилар киритилади.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни шакллантириш ишлаб чиқариш стратегияси билан боғлиқ бўлиб, унинг қанчалик тўғри ташкил этилгани билан ифодаланади. Товар-моддий захираларни самарали молиявий бошқариш молиявий ресурслар, ишлаб чиқариш ҳажми ва истеъмолчилар талаби билан бевосита боғланади. (1-расм).




Расм 1. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларнинг бошқариш сабаблари¹²

Ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида узлуksизлигини таъминлаш зарурати, маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномаларни бажариш жараёнида ва уларни ташиш пайтида етказиб бериш томонларининг

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

режалаштирилган муддатлари ва ўлчамларидан четга чиқишлари мумкин. Шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мунтазам равишда амалга оширилиши керак. Шунинг учун корxonанинг доимий режалаштирилган иши захираларнинг мавжудлиги ва ҳолатига боғлиқ. Товар-моддий захиралар шаклланишининг сабаблари ҳам бўлиши мумкин: товарларнинг катта қисмини сотиб олиш учун чегирмалар, талабнинг ўзгариши эҳтимолиги, инфляция, чайқовчилик ҳам бўлиши мумкин.

Товар-моддий захиралар тушунчаси акциядорлик жамиятидаги ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келади, Унинг асосий манбасини ишлаб чиқариш жараёнидан бошлаб маҳсулотларни сотиш жараёнигача кузатиш мақсадга мувофиқдир. Товар-моддий захираларининг ҳар бир элементини бошқариш уларнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Товар-моддий захираларни тайёр маҳсулотга айлантириш муҳим жараён ҳисобланиб, тайёр маҳсулотни кейинги истеъмолчига ўтказишда турли хил захиралар шакллантирилади, уни кўйидаги 2-расмда кўришимиз мумкин.



Расм 2. Товар моддий-захираларнинг хусусиятлари бўйича турлари¹³

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Юқоридаги расмда келтирилган захираларнинг ҳар бир турини кўриб чиқамиз. Ишлаб чиқариш захиралари — бу акциядорлик жамиятлари шакллантирилган махсус омборларида сақланади. Товар-моддий захираларни самарали молиявий бошқариш одатда ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлайди. Ишлаб чиқариш захиралари тез айланиш қобилиятига эга бўлмаслиги акциядорлик жамиятларида молиявий ресурсларнинг ҳаракатсизлигига олиб келади. Ишлаб чиқариш захиралари ҳаракатсиз бўлган тақдирда ҳам ўз ликвидлигини сақлаб қолиш хусусиятларига эгадир.

Бироқ, акциядорлик жамиятларида моддий ресурсларни ўз ишлаб чиқариш фондидан сотишга мажбур бўлган ҳолатлар мавжуд. Унда акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқариш учун ортиқча харид қилинган хом ашёларни сотиш орқали амалга оширилади. Сабаби бундай жараён амалга оширилмаса корxonанинг ишлаб чиқариш салоҳияти пасаяди. Корxonалар ўз молиявий ресурсларини кўпайтиришни корxонада турли хил инқирозлар юзага келганида амалга оширади ва ушбу ҳолат корxonанинг “қарз давридан” чиқиб кетишини ва тўлов ликвидлигини таъминлайди.

Акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш захиралари ортиқчалиги туфайли инқирозга учрашиши мумкин, сабаби ортиқча хом ашёларда корxonанинг молиявий ресурслари банд бўлади. Шунинг учун корxonалар ортиқча хом ашёларни паст нархларда ҳам сотишга мажбур бўлади. Ишлаб чиқариш захирасининг ушбу мақсади ишлаб чиқариш цикли ва ишлаб чиқаришнинг моддий истеъмол интенсивлиги билан белгиланадиган моддий ресурсларни нисбатан узоқроқ сақлашини олдиндан белгилаб беради.

Акциядорлик жамиятларидаги товар-моддий захиралар унинг махсус омборларида ёки ишлаб чиқариши тугаллангандан сўнг маҳсулот сақловчи омборларида жойлашини ўзида акс эттиради. Товар-моддий захираларнинг турларини қуйидаги 3- расмда кўришимиз мумкин.

Ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятида ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларида тайёр бўлган ва тайёр маҳсулот бўлмаган моддий ресурслар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш захиралари алоҳида ўрин тутди.



Расм 3. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларининг ҳаракати¹⁴

Товар захиралари — ишлаб чиқариш захираларидан фарқли ўлароқ — жуда ҳаракатчан, шунинг учун уларнинг ҳажмининг ошиши тижорат фаолиятида ижобий ҳодиса ҳисобланади. Товар-моддий захираларининг ҳаракатчанлиги, бу захираларни харидорни кутиб туриши, яъни доимий равишда айланиши билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ишончлилик назарияси нуқтаи назаридан товар захираси ишлаб чиқариш ёки шахсий истеъмол учун мўлжалланган маҳсулотларнинг "захираси" сифатида талқин қилиниши мумкин.

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Товар-моддий захиралар ликвид ҳисобланиб, улар дастлаб бозорда сотиш учун мўлжалланган. Бироқ, муайян товар турлари учун уларнинг ликвидлиги турлича бўлади. Товар-моддий захиралар юқори ликвидли, ўрта ва паст ликвидли бўлиши мумкин.

Товар захираларининг ликвидлиги захирадаги товарларга бўлган талаб билан белгиланади. Юқори ликвидликни таъминлаш учун товарларнинг истъёмол хусусиятлари ва талаб ўртасидаги максимал даражада мос келишига эришиш керак. Ушбу талабни қондириш учун тегишли маркетинг тадқиқотлари олиб борилади. Товар захираларининг ликвидлиги тўғридан-тўғри корхонанинг маркетинг фаолияти — ишлаб чиқариш ёки улгуржи савдо фаолияти самарадорлигига боғлиқ. Захираларни шакллантириш ва бошқариш маркетинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ишлаб чиқариш ва товар захиралари ҳам жорий, фавқулодда ва мавсумий бўлинади.

Акциядорлик жамиятларидаги товар-моддий захиралар – корхона молиявий ресурслари эвазига шаклланади. Шунинг учун ҳар бир корхона ўз молиявий маблағлари даражасининг пасайишини хоҳламайди, натижада эса амалиётда мавжуд бўлган барча усуллардан фойдаланишга ҳаракат қилади ва корхонада белгиланган чегаралардан чиқмасликни таъминлайди.

Товар-моддий захираларнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, ишлаб чиқариш жараёнидан истъёмол жараёнига ўтади. Товар-моддий захираларнинг жами суммаси жорий йилдаги йўлда корхоналар ишлаб чиқариши учун олиб келинаётган ёки уларнинг махсус сотиш омборхоналарида сақланиб турган массасини ўз ичига қамраб олади.

Расмда кўриб турганимиздек, акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни шакллантириш товарларни етказиб беришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларида хом ашёсиз ишлаб чиқаришни амалга оширишнинг иложи мавжуд эмас, чунки товарларни ишлаб чиқаришни амалга оширишнинг иложи мавжуд эмас. Маҳсулотларни хом ашё асносида ишлаб чиқариш ва уларнинг истъемоли ўртасида маълум равишда фарқ

бўлиши табиий ҳолат ҳисобланади. Ушбу ҳолатни биз қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.



Расм 4. Товар-моддий захираларнинг предметли мазмуни, функционал белгилари ва фаолияти бўйича гуруҳланиши¹⁵

Шунинг учун савдо корхоналари маҳсулотни омборга жойлаштириш ва сақлаш орқали маҳсулот захираларини яратишга мажбур бўлади.

Акциядорлик жамиятлари омборхоналари қуйидаги ўзига хос функцияларни бажарадилар:

- савдо жараёнини бир маромда ва давомли ўтказиш учун товар захираларини жойлаштириш ва сақлаш;
- товарларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сақлаш даражасини меъёрида таъминлаш;
- савдо турларига оид ва унинг таркибига киритиладиган товарларни танлаш ва йиғиш;
- товарларни тайёрлаш ва омбордан чиқариш билан боғлиқ турли хил операцияларни бажариш.

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Товарларнинг омбордан ўтиши давомийлиги ва моддий меҳнат харажатларини олдиндан белгилаб беради. Захираларни сотиб олиш ва сақлаш учун капиталдан фойдаланиш натижасида омборлар катта харажатларга олиб келади.

Товар захираларини таснифлаш белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкин.:

- жойлашган жойи бўйича: улгуржи савдо корхоналари; чакана савдо корхоналари; саноат корхоналари; йўллардаги маҳсулотлар;

- шартлари бўйича: белгиланган санада ҳисобот бериш; киритиш ёки бошланғич кўрсаткичлар билан таъминлаш; ҳафта боши ёки охири маълумотлари билан таъминлаш.

- кўрсаткичлари бўйича: натурал ва қиймат жиҳатидан товар айланмаси кунларида ҳисобланишини таъминлаш.

- мақсади бўйича: жорий омборлар захираси – ишлаб чиқаришнинг кунлик эҳтиёжларини қондириш учун; мавсумий захиралар — талаб ёки таклифнинг мавсумий ўзгаришида ишлаб чиқариш тўхтаб қолмаслиги учун; захираларнинг корхоналарга белгиланган даврдан олдин етказиб берилиши айрим минтақаларда фаолият кўрсатаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг узликсизлигини таъминлаш учун; одатда маълум бир мақсадли тадбирларни амалга ошириш негизида товар-моддий захиралар етказиб берилиши мумкин.

1.2 Товар-моддий захиралар ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларни бошқаришнинг зарурлиги

Акциядорлик жамиятларида яратилган товар-моддий захиралар бир қатор кўрсаткичлар билан яъни товар-моддий захиралар миқдори; захиралар миқдори натурал қиймати; товар айланмаси кунларидаги товар-моддий захираларнинг ҳажми билан баҳоланади.

Назарий қарашлардан келиб чиқадиган бўлсак, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилганга қалар товар-моддий захираларнинг бир қисми ҳисобланади. Уларни биз корхонанинг жорий активлари таркибида

кўришимиз мумкин булади. Товар-моддий захираларининг ҳажмини аниқлаш учун қайси бизнес шаклида ишлашнинг кўриб ўтиш лозим бўлади.

Товар-моддий захираларнинг мутлақ ҳажмини ишлаб чиқаришда қўлланилаётган ва омборларда сақланаётган массасини ҳисоблаш орқали аниқлаш мумкин бўлади. Корхоналарда товар-моддий захиралар айланмаси кўрсаткичи кунларда ифодаланади. Товар-моддий захиралар айланмасини аниқлаш бу аниқ кўрсаткич ҳисобланмайди. У маълум бир санада акциядорлик жамиятларидаги товар-моддий захиралар ҳажмини тавсифлайди ва ушбу захираларнинг неча кунларда муомалада бўлишини кўрсатади. Товар айирбошлаш кунларидаги захираларнинг мутлақ қийматини маълум бир сана бўйича тегишли даврнинг бир кунлик айланмасига бўлиш йўли билан ҳисобланади:

$$TMЗ_{ка} = TMЗ_{м} / 1CA_{х} \quad (1)$$

бу ерда, $TMЗ_{ка}$ – товар-моддий захираси даражаси, кунларда айланиши; $TMЗ_{м}$ — маълум бир санадаги захираларнинг миқдори, сўм; $1CA_{х}$ — бир кунлик савдо айланмаси ҳажми, сўм.

Товар-моддий захиралар натурал кўрсаткич бўйича (дона, метр, тонна ва бошқалар) ва қиймат кўрсаткичи бўйича (сўмда) ифодаланиши мумкин.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларнинг ҳажми кўпайиши корхонада ишлаб чиқаришининг ошишига боғлиқдир. Товар айланмасининг доимий ошиши товар -моддий захираларининг кўпайишига, товар моддий-захираларининг доимий кўпайиши эса унинг айланиши секинлашувига олиб келади.

Товар айланиши и сони ёки битта айланиш учун зарур бўлган кунлар сони билан ифодаланади.

Товар-моддий захираларнинг муомалада бўлган вақтни, яъни ўртача захиралар айланидиган кунлар сонини кўрсатади. Яъни ўртача товар-моддий захираларнинг айланиши кунларда аниқланади.

Ўртача товар-моддий захиралар ўртача айланмаси хронологик формула ёрдамида ҳисобланади.

$$TMЗ \ddot{y}p = (1/2 TM29 + TM30 + TM31 + \dots + 1/2 TM3n) / (n - 1) \quad (2)$$

бу ерда $TMЗ \ddot{y}p$ — ўртача товар захиралари, сўмда; $TM29, TM30, TM31 \dots TM3n$ — аниқ саналар учун товар-моддий захиралар, сўмда; n — даврлар сони.

Ёки оддий ўртача арифметик формуладан фойдаланамиз:

$$TMЗ \ddot{y}p = (TMЗб + TMЗo) \quad (3)$$

бу ерда $TMЗб$ — давр бошидаги товар -моддий захиралари, сўмда; $TMЗo$ — давр охиридаги товар захиралари, сўмда.

Товарларни кунларда ҳисоблаш учун маълум бир даврдаги ўртача захираларни шу даврдаги бир кунлик айланишга тақсимлаш керак:

$$TMЗай = TMЗ \ddot{y}p / 1Kca, \quad (4)$$

бу ерда $TMЗ ай$ – товар айланмаси ёки муомала вақти, кунларда; $TMЗ \ddot{y}p$ — ўртача захиралар, сўмда; $1Kca$ — бир кунлик савдо айланмаси ҳажми, сўмда.

Товарларнинг айланмаси неча маротаба айланганлиги билан ҳам ифодаланиши мумкин:

$$TMЗ ак = ЧСА / TMЗ \ddot{y}p, \quad (5)$$


Бу ерда, $TMЗ ак$ – товар-моддий захираларнинг айланиш коэффициенти, унинг неча маротаба айланганлигини кўрсатади. ЧСА-чакана савдо айланмаси, $TMЗ \ddot{y}p$ -товар-моддий захираларининг ўртача ҳажми.

Товар айланмасининг вақти ва тезлигининг кўрсаткичлари ўзаро боғлиқ ва тескари пропорционал ҳисобланади. Товар айланмасининг тезлигини ошириш ва вақтини қисқартириш, товар захираларини камайтиришга, товар йўқотишларини камайтиришга ва ҳоказоларга таъсир кўрсатадиган товар захираларининг кичиклиги билан товар айланмасининг катта ҳажмини яратишга имкон беради. Қуйидаги расмда акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларининг хусусиятлари бўйича тавсифланишини кўриб ўтамиз.

Расмдан шуни кўриш мумкинки, акциядорлик жамиятлари товар-моддий захиралари мақсадлари бўйича жорий, етказиб бергунга қадар мавсумий сақлаш, мақсадли етказиб бериш бўғинларини ўз ичига қамраб

олади. Муддатлари бўйича ҳисоботларни тақдим этиш эса одатда белгиланган саналарда, оралик ва якуний саналарда амалга оширилади. Товар-моддий захиралар ҳажми бўйича максимал, минимал ва ўртача ҳажмларга бўлинади. Кўрсаткичлари нуқтаи назардан, натурал, қиймат элементларига бўлиниб, унинг айланувчанлиги кунларда белгиланади.

Агарда акциядорлик жамиятларида товар-моддий захиралари айланмаси кам кунларда ифодаланса унда ушбу ҳолат корхонанинг самарали ишлашига олиб келади. Корхонада товар-моддий захиралари кўрсаткичлари пасайиб борса, унда корхонанинг иқтисодий самарадорлиги пасайиб боришидан далолат беради.



Расм 5. Товар-моддий захиралар мақсади, муддати, ҳажми ва кўрсаткичлари бўйича тавсифланиши¹⁶

Товарлар айланмасини аксарият акциядорлик жамиятлари ўз ишлаб чиқариш стратегиясида инновацион усулларни жорий этиш орқали жадаллаштириши мумкин. Лекин ушбу стратегияда қайси усуллардан фойдаланиш тактикасига ҳам аниқлик киритиши маъқул бўлади.

Юқорида қайд этганимиздек, товар-моддий захиралари ҳажми ва унинг айланишига турли хил ҳолатлар ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Ушбу

¹⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

омилларининг молиявий менежерлар томонидан тўғри баҳоланиши унинг айланишини таъминлайди ва акциядорлик жамиятлари ўзлари учун керакли миқдордаги захираларни жалб қилишни амалга ошириш лозим бўлади. Унинг негизида корхоналар захираларнинг таркибини ва миқдорини тартибга солиш имкониятига эга бўлади. Акциядорлик жамиятлари захиралардан самарали фойдаланиш мақсадида истеъмолчиларни сифатли маҳсулотлар билан таъминланиши зарур бўлади. Унинг натижасида эса товар-моддий захираларни сақлаш харажатларини ҳам камайтириш имконияти пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларининг фаолияти давомида турли хил молиявий муносабатларни турли хил субъектлар билан амалга оширишга тўғри келади. Акциядорлик жамиятлари томонидан шакллантирилган товар-моддий захираларнинг таркибига турли хил омиллар таъсир этади.


Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захиралар айланмасининг тезлашувига ва унинг ҳажмига таъсир қиладиган омиллар қуйидагилардан иборат бўлади:

- истеъмолчилар томонидан акциядорлик жамиятлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга талабнинг ошиши. Айрим ҳолатларда истеъмолчилар талаби ошиш натижасида корхонада товар-моддий захиралари айланиши таъйий ҳолат ҳисобланади. Лекин бозорлар маҳсулотлар билан тўйиниши оқибатида корхоналарда товар-моддий захираларнинг айланиши секинлашади. Шундай шароитда молиявий менежерлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хилма-хиллигига ва маҳсулотлар нархини пасайишига уларни турли хил бонуслар асосида сотишга эътибор қаратиши орқали товар-моддий захираларнинг айланишини бир маромга тушириш лозим;

- корхоналарда савдо операцияларини жадаллаштириш. Товар -моддий захиралар айланма тезлашиши корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ҳам боғлиқ бўлади. Сабаби йирик савдо айланмасига эга бўлган корхоналар товар-моддий захираларни шакллантиришда аниқ стратегияга эга

бўлиши билан ифодаланади. Қатъий белгиланган меъёрлар асосида уларни шакллантириш тавсия этилади. Меъёридан ошиқ хом-ашёларни харид қилиш товар-моддий захиралари таркибининг нотўғри бошқаришга олиб келади.

-акциядорлик жамиятларида товарлар турли хиллиги уни бошқаришнинг мураккаблиги билан боғлиқдир. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажми ва унинг хил-хиллиги ижобий ҳолат деб баҳоланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот турларининг турли хиллиги одатда товар-моддий захираларининг ҳажмига ҳам боғлиқ бўлади. Корхоналарда маҳсулотларнинг турли туманлиги харидорларни ҳам жалб этади, натижада корxonанинг истеъмолчилари ҳам кўпаяди. Истеъмолчилар маҳсулотларнинг рангига, унинг сифатига, танлов имконияти мавжудлигига эътибор беради. Бу эса ўз навбатида товар-моддий захираларнинг ҳам турли хил бўлишини талаб этади. Шунингдек истеъмолчиларнинг талабини қондириш учун товар-моддий захираларининг корхонада мавжудлиги ҳам муҳим ҳисобланади. Қўйидаги расмда корхоналарда товар-моддий захиралар ҳажмига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларини кўриб ўтамыз.



Расм 6. Товар-моддий захиралари ҳажмига таъсир этувчи омиллари¹⁷

¹⁷ Муаллиф томонидан шакллантирилди.

Расмда кўриб турганимиздек, акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни ҳажмини белгиловчи барча омиллар ташқи ва ички бўлиб кўриб ўтамин: Акциядорлик жамиятларининг товар-моддий захиралар ҳажмини белгиловчи энг муҳим ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги ўзгаришлар истъемолчиларнинг маҳсулотга товарларни сотиб олиш хоҳиши, қолаверса ушбу эҳтиёжни қондириш мақсадида товар-моддий захираларни етарлича харид қилиш лозимдир;

2) акциядорлик жамиятлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш доимий бир маромдалигини сақлаш: ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг барқарор сотилиши ва унинг барқарор истъемоли корхоналарда доимий равишда хом ашёларнинг бўлишини талаб қилади;

3) акциядорлик жамиятларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг бир даражада ушлаб турилишини таъминлаш: Корхоналарнинг самарали ишлаб чиқариш мавсумий ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарида амалга оширилади. Ушбу ҳолатда корхоналар ишлаб чиқариш фаолияти мавсумий бўлганлиги учун энг паст нархларда хом-ашёни сотиб олишга ҳаракат қилади. Бу эса корхоналарнинг иқтисодий манфаатларидан келиб чиқади;

4) акциядорлик жамиятларининг рақобатбардошлиги таъминлаш: корхонанинг бозоридаги рақобатбардошлиги юқори бўлса, демак корхонанинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари сифатли ва ҳамёнбоп ҳисобланади. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларини истъемолчиларга ҳеч қандай хавфсиз етказиб бериш механизмини шакллантирган бўлиб, турли шароитларда ҳам уни етказиш усулларини самарали бошқараётганлигидан далолат беради.

5) Корхоналардаги молиявий интизомининг ҳолати: акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқилган маҳсулотларни етказиб беришда турли мулкчилик субъектлари билан ишлашга тўғри келади. Улар билан пул муносабатларини амалга оширишда молиявий мажбуриятларни ҳисоб-китоб қилиш лозим бўлади. Олдиндан тузилган шартнома шартларини бажариш

унда кўрсатилган тартибга риоя қилиш, шунингдек банк ёки суғурта компанияларининг шартларини бажариш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу муносабатларни ижобий амалга ошириш акциядорлик жамиятларининг товар-моддий захираларини самарали молиявий бошқариш тизимиغا эга эканлигини билдиради;

б) инфляция юқори бўлган шароитда акциядорлик жамиятларини “қутқариш” позициясини амалга ошириш. Бундай шароитларда акциядорлик жамиятлари айланма маблағларни бошқаришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Яъни корхоналар айланмадан ташқари ва айланма маблағлари мувозанатини сақлаш муҳим ҳисобланади. Корхонадаги пул фондларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш муҳим молиявий натижаларга олиб келиши мумкин. Айрим акциядорлик жамиятлари пул маблағларини инфляциядан сақлаш учун турли хил хом ашёларни сотиб олади ва товар-моддий захираларнинг ҳажмини кўпайишига олиб келади.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларнинг ҳажмини ва унинг тезкор айланувчанлиги таъминлаш унга бевосита таъсир этувчи корхона томонидан белгиланган стратегиясидан келиб чиқади. Акциядорлик жамиятлари ўзининг фаолияти туридан келиб чиққан ҳолда турли омиллар таъсирида бўлади. Уларни қўйидаги изоҳлашга ҳаракат қиламиз;

Акциядорлик жамиятларининг жорий активларини қийматини оширишдаги ички омилларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

1) акциядорлик жамиятларининг инфратузилма объектларидан қанчалик узоқда фаолият кўрсатиши: корхонанинг ушбу жиҳати мол сотиб олувчиларнинг, истъемолчиларнинг ушбу корхона билан тезкор молиявий муносабатларини амалга оширишда қулай келади. Бу эса корхонада маҳсулотларнинг сотилиши тезлаштириш билан бирга товар-моддий захираларининг тезлашишига ҳам олиб келади. Корхонага келиб тушадиган пул оқимларини жадаллаштиради ва корхонанинг бозор қийматининг ошишига сабаб бўлади;

2) акциядорлик жамиятларининг бозор қийматининг ошиши фақатгина корхонанинг инфратузилма объектларига яқин жойлашувига боғлиқ бўлмасдан корхоналарнинг улгурди савдо билан шуғулланишини ҳам ижобий томонга ўзгартиради. Натижада акциядорлик жамиятлари фойдаси ошиб, инвестицион фаолиятини самарали оширишга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади;

3) акциядорлик жамиятлари ҳам иқтисодийнинг турли тармоқларида шаклланади ва уларнинг активлари таркиби ҳам турлича бўлади. Айрим корхоналарда жорий активларнинг таркиби бир хил тақсимотга эга бўлмасдан айрим йилларда пул маблағлари устунлиги кузатилса, келаси йили дебиторлик қарздорлиги кўпроқни ташкил этади, яъни бундай ҳолатда товар-моддий захираларининг ҳажми ўз-ўзидан пасайиши юзага келади;

4) акциядорлик жамиятлари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар албатта олдиндан товар етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Маҳсулотларнинг белгиланган вақтдан кечиктирмасдан сотиш операцияларини амалга оширадиган кичик пунктларга олиб борилиши жараёни ҳам мураккаб ҳисобланиб, ушбу ҳолат ҳам товар-моддий захираларнинг айланишига бевосита ўз таъсирини кўрсатиши мумкин;

5) маҳсулот ишлаб чиқарувчи акциядорлик жамиятлари билан шартнома тузган савдо объектлари қанчалик йирик бозорларда жойлашган бўлса, маҳсулотни реализация қилиш имконияти шунча юқори бўлади ва корхоналарда катта ҳажмда товар-моддий захираларнинг айланишига асос бўлади. Яъни акциядорлик жамиятлари йирик ҳажмдаги товар-моддий захираларнинг харидини амалга ошириб уларни махсус омборхоналарда сақлаш имкониятини қидириши лозим.

б) акциядорлик жамиятлари омборхонасини ишлатиш жараёни: ушбу омилнинг таъсири товар-моддий захираларни сақлаш учун муҳим ҳисобланиб, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатига катта таъсир кўрсатади. Лекин айрим ҳолатларда маҳсулот реализацияси ошиши кузатилса корхонага қўшимча махсус омборхоналар керак бўлади. Корхонада қўшимча товар-

моддий захиралар учун жой бўлмаса уни арендага олиш имконияти мавжуд бўлиб, захираларни сақлаш харажатларининг ошишига олиб келиши мумкин;

7) акциядорлик жамиятларида ўз фаолиятини амалга ошираётган ишчиларнинг салоҳиятини ошириш. Акциядорлик жамиятларининг ходимлари товар-моддий захираларини қандай ҳолатда қанча муддатда сақлаш имкониятларини баҳолашни билиши керак. Агарда товар-моддий захиралар сақланиш муддати яқин бўлса, уларни ликвид маблағларга айлантириш имкониятларини қидириш мақсадга мувофиқ бўлади. Тез орада ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом-ашёнинг ўрнини босувчи бошқа материалларни топиб ишлаб чиқариш жараёнининг узликсизлигини таъминлаш керак;

8) Корхоналарнинг молиявий кўрсаткичларини аниқлашда товар-моддий захиралари муҳим аҳамият касб этади. Жорий активларни таркибида товар-моддий захираларнинг салмоғи юқори бўлиши ҳам доимо ижобий ҳолат деб баҳоланмайди. Сабаби ушбу ҳолат қуйидагиларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин:

- акциядорлик жамиятларида ликвид маблағларга нисбатан товар-моддий захираларининг ортиқча шаклланиши корхона фойда олиш даражасини пасайтириш мумкин;

- корхона молиявий ресурслари товар-моддий захираларда банд бўлиб қолса, ишлаб чиқариш учун қарз маблағларини жалб этишга тўғри келади, бу эса ўз навбатида корхонага молиявий ресурслар учун тўлов мажбуриятини юклайди;

Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларни шакллантиришда унинг ижобий ва салбий томонларини кўриб чиқиши лозим. Иқтисодий усуллардан фойдаланишда хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва омборда сақланаётган маҳсулотлар ўртасидаги нисбатга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Унинг натижасида акциядорлик жамиятлари ўз молиявий барқарорлигини, ликвид маблағлар

ҳажмини кўпайтиришга, корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаши мумкин бўлади.

Юқорида келтирилган назарий таҳлил ва фикрларимиздан келиб чиққан ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, мавжуд омилларнинг ҳар бир жиҳатига алоҳида назар ташлаб, акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларнинг ҳажмини оптималлаштириб бориш зарурлигини кўрамиз.

1.3. Товар-моддий захираларни молиявий бошқаришни ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашдаги аҳамияти

Акциядорлик жамиятларининг жорий активларини таркибида товар-моддий захиралар ҳам мавжуд бўлиб, уларни бошқариш учун самарали механизмини танлаш лозим бўлади. Ўз навбатида уларни таркибини мувозанатлаштириб бориш корхонанинг фойда олиш стратегиясига тўғри келади. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишда жорий активларнинг таркибини мувозанатлашган ҳолда шакллантириш тавсия этилади. Акциядорлик жамиятлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми тўғри режалаштирилиб, жорий активларнинг захираси тақсимоти самарали бошқарилса корхонанинг иқтисодий самарадорлиги таъминланади. Товар-моддий захираларнинг таркибини аниқ стратегия асосида бошқариш уларнинг даражасини самарали тартибга солишни ўз ичига олади. Товар-моддий захиралар даражаси бўйича тўғри сиёсатни олиб бориш маҳсулотларни сотувидаги йўқотишларга ёки ортиқча товар-моддий захираларни сақлаш харажатларига олиб келиши мумкин.

Товар-моддий захираларни шакллантириш жараёнини босқичма-босқич олиб бориш мақсадга мувофиқ, режа асосида ишлаб чиқариш жараёнини олиб бориш акциядорлик жамиятларида унинг узлуксизлигини таъминлайди. Корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш объектларига етказиб бериш бўйича шартномаларни бажариш вақтида ва уни ташиш

вақтида етказиб беришга аниблик киритиб, белгиланган кунлардан тебранишлар бўлиши аниқ.

Товар-моддий захираларининг режаси доимо режалаштирилганидек амалга ошавермайди. Унга бозор конъюктураси, истеъмолчиларнинг ҳам талаблари, молиявий барқарорлиги ҳам таъсир кўрсатади. Қолаверса корхонадаги мавжуд молиявий ресурсларнинг мақсадли ишлатилиши ва самарали тақсимланиши ҳам шу жараёнга ўз таъсирини кўрсатади. Товар-моддий захираларнинг яратиш бу ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга эҳтиёж мавжудлигидан далолат беради. Бу борасида корхонанинг молиявий муаммоларини ўрганиш бўйича алоҳида бўлимлари ўз иш фаолиятини олиб боради. Корхона маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун захираларга эга бўлмаса буюртма олиш имкониятига эга бўлмайди акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлмаса, истеъмолчиларнинг талабларини қондиришнинг иложи бўлмайди. Унинг натижасида истеъмолчиларнинг харид учун нақд пуллари етарли бўлса ҳам маҳсулот мавжуд бўлмаслиги сабабли уни харид қила олмаслиги мумкин.

Юқори ҳажмдаги маҳсулотлар катта қисмини сотиб олиш учун чегирмалар товар-моддий захираларни шакллантиришга олиб келиши мумкин. Мамлакатимиздаги замонавий иқтисодий шароитда акциядорлик жамиятлар молиявий-иқтисодий фаолиятининг асосий муаммоларидан бири нарх ўсиши муаммоси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган моддий ресурслар харажатларининг сезиларли даражада ошиши акциядорлик жамиятлари фаолиятига салбий таъсир қилади, ишлаб чиқариш жараёнининг тўхташига ёки унинг узилишларга олиб келади.

Натижада, мавжуд маблағларни ишлаб чиқариш захираларига инвестиция қилиш учун корхонанинг молиявий барқарорлигини бир маромда ушлаб туриш лозим, шундай ҳолатда эса акциядор ва инвесторларнинг, шериклар мол етказиб берувчиларнинг ишончини қозониш мумкин.

Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот буюртмаси ва унинг ҳажми йилдан-йилга ошиш тенденцияга эга бўлиши корхонанинг

инвестицион салоҳиятининг ошишига олиб келади. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш механизмини инновацион усуллар билан бойитиб бориш тавсия этилади. Уларни кўйидагича гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир:

-Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом-ашёларни сотиб олиш харажатларини камайтириш;

-Истеъмолчилар томонидан берилган буюртмаларни бажаришда юзага келадиган харажатлар қисқартириш;

-Ишлаб чиқилган маҳсулотларни махсус омборхоналарда сақлаш харажатлари камайтириш;

-турли хил фаолият туридан кўриладиган ҳодисалар бўйича кўрилган зарарларни ўз вақтида қоплаш.

Акциядорлик жамиятларига ишлаб чиқариш учун таклиф қилинган буюртманинг нархи албатта унинг ҳажмига нисбатан аниқланади. Одатда корхонанинг узоқ муддатда молиявий муносабатларни амалга ошириб келаётган ҳамкорлари бўлса буюртмалар бўйича нархни пасайиши нуқтаи назардан бонуслар тизими мавжуд бўлади.

Буюртмани ўз мажбуриятлари зиммасига олишда транспорт, цех ва омборларда сақлаш харажатлари уни манзилга етказиб бериш билан боғлиқ харажатларга киради.

Агарда корхоналар буюртмаларни ўз вақтида, келишилган нархларда ва шароитларда етказиб берилса, келажакда истеъмолчиларнинг ишончи ошиб боради ва буюртма ҳажми кўпаяди. Акс ҳолат мавжуд бўлса, корхона буюртмачиларини ва бозордаги ўз ўрнини йўқотади.

Омборда сақланаётган товар-моддий захираларни шакллантириш бўйича харажатлар яъни акциядорлик жамиятларига қарз капиталини жалб қилишда тўланадиган унинг фоизлари, маҳсулотлари тайёр ҳолатга келишидаги ва ишлаб чиқаришни суғурталаш харажатлари ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятлардаги молиявий йўқотишлари унинг зарур даражада товар-моддий захираларнинг шакллантирмаганлиги, тайёр

маҳсулотларнинг вақтида белгиланган манзилларга юборилмаганлиги ҳолатларида юзага келади. Келгусида эса ҳамкорлар билан молиявий муносабатларнинг заифлашишига олиб келади. Корхоналарнинг бозордаги мавқени мустаҳкамлашда салбий таъсири бўлиши кузатилади.

Акциядорлик жамиятларда ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлашда товар-моддий захираларни тақсимлаш лозим бўлиб, уни қўйидагича амалга ошириш тавсия этилади:

- корхонада товарлар сотиш рентабелли коэффиенти ҳар бир чоракда аниқланиб кузатилиб боради бу ўз навбатида олдиндан тузилган стратегиялар бўйича ривожлантириш тенденциясига эга бўлиши керак. Товар-моддий захираларни сотиб олиш, тайёр маҳсулотга айлантириш ва сотиш белгиланган графикдаги кунларда амалга оширилса акциядорлик жамиятлари учун иқтисодий томондан хавфсиз бўлади. Товар-моддий захиралари ҳажми ортиб бориши молиявий ресурсларининг банд бўлишида ва корхона учун фойда олиш имкониятини қўлдан бой беришига олиб келиши мумкин.

-акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқаришнинг амалга оширилишида ҳар бир тайёр маҳсулотнинг мавжудлиги, корхонада қанча сақланиши, қанча даврда ишлатилиши ва пулга айланиши кўрсаткичлари ҳисоби юритилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот турига ва ҳажмига қараб товар-моддий захираларни хариди режалаштирилади.

Техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар усулида акциядорлик жамиятларида товар-моддий захиралари ҳажмларини оқилона белгилаш мумкин. Бундай ҳисоб-китобларни амалга ошириш жорий активларнинг таркибий қисми бўлган пул маблағларининг, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, дебиторлик қарзлар ҳажми билан аниқланади.

Товар-моддий захиралар ҳажмини аниқлаш унинг режалаштирилаётган ҳажми билан изоҳланади. Бу ўз навбатида акциядорлик жамиятлари билан пул муносабатларини амалга оширадиган савдо дўконлари фаолияти билан ҳам боғлиқ бўлади. Товарларни қабул қилишни режалаштириш ва ушбу режага мувофиқ товарлар сотиб олишни ташкил этишнинг асосий мақсади савдо

компаниясига керакли ҳажмларда товарларни бир меъёрда етказиб беришдан иборат. Товар-моддий захираларни хариди учун молиявий маблағлар йўналтирилгандан сўнг акциядорлар, инвесторлар ва бошқа шериклар маблағларнинг қанчалик фойда олиб келиши билан қизиқиши табиий. Товар-моддий захиралардан бўшаган молиявий ресурсларни қайта инвестициялашга сарфлаш имконияти яратилади.

Шунингдек акциядорлик жамиятларида товар моддий захираларни молиявий бошқаришда корхонанинг бошқарув тизими ва уларнинг бўғинларининг иш фаолияти ҳам катта аҳамият касб этади. Уларнинг фаолиятини назорат қилиш талаб қилинади ва улардаги тебранишларни кузатиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айрим ҳолатларда акциядорлик жамиятларига буюртмалар берган хўжалик юритувчи субъектларнинг режалари ўзгариши корхонанинг бутун ишлаб чиқариш фаолиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шунинг учун улар билан шартномалар тузилганида маҳсулотни қайтариб бериш, уларни юклаш ёки сотиш жараёнларига батафсил қатъий чекловлар ёки меъёрлари киритилиши шарт.

Ҳар қандай корхонанинг харажат қилинаётган молиявий маблағлари бўйича корхона тўловларни амалга оширади. Шунинг учун харид қилинаётган хом ашёнинг акциядорлик жамиятларида сақланиб қолиши молиявий ресурсларнинг таркибида ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин. Акциядорлик жамиятларига маблағларни жалб қилишда ҳам ўз талаблари мавжуд бўлади ва маълум бир тамойиллар асносида корхонага жалб этилади.

Биринчидан, товар-моддий захираларни харид қилинишида ўз маблағдан сарфланиши мумкин, бу ҳолатда акциядорлар ўзининг дивиденд миқдорининг кўпайишини хоҳлайди, агарда товар-моддий захираларда беҳуда сарфланишлар юзага келса акциядорлар бу ҳолатдан норози бўлиши мумкин. Иккинчидан, кузатув кенгаш аъзолари, ёлланма менежерлар ўзлари олиши мумкин бўлган бонусларга эга бўлмаслиги мумкин. Сабаби улар ўз фаолиятида самарали кўрсаткичларни таъминлаб бера олмаган ҳисобланади.

Корхонада ўз маблағлари ва қарз маблағлари ўртасида ҳам мувозанатни сақлаш мақсадга мувофиқ. Учинчидан, акциядорлик жамиятлари ўз маблағларини узоқ муддатли активларни харид қилади. Қарз маблағлари эса қисқа муддатли активларни шакллантириш учун сафарбар қилинади. Корхона маҳсулотларининг истеъмолчилари ва буюртмачилар томонидан маҳсулот ҳажмига нисбатан турли хил оғишлар эҳтимоллиги мавжуд бўлади. Бу ҳолатлар корхонанинг молиявий ҳисоботларида ўз аксини топади. Товар-моддий захираларнинг йил бошидаги ва йил охиридаги ҳолатлари давлат органлари, инвесторлар ва акциядорлар, кредиторлар ва бошқа шахслар учун маълумот сифатида ёритилиб боради. Унда товар-моддий захиралар ҳажми ошиши, камайиши ва бошқа тебранишлари ҳолати кўриниб туради. Ҳақиқатда содир бўлган айрим тебранишлар мавсумий бўлиши эҳтимоли мавжуд. Лекин молиявий ҳисоботда келтирилган ўзгаришлар истеъмолчининг талаби ва таклифига, мол етказиб беришни кечиктириш ҳолатларига, белгиланган ҳажмда шартнома асосида етказилиб берилиши лозим бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариб улгурмаганда ҳам содир бўлиши мумкин.

Акциядорлик жамиятларида жорий активларни бошқаришда барқарор тизим мавжуд бўлиб, ушбу тизим бўғунларида ҳам айрим ҳолатларда узилишлар сезилади. Акциядорлик жамиятларига хом ашёларни етказиб беришда логистик тизимлар орқали амалга оширилиб, одатда ушбу тизимдаги юк ташувчиларнинг фаолияти суғурталаб қўйилиши талаб қилинади. Юкларнинг етиб келишини суғурталаш буюртмачиларга молиявий хотиржамлик бағишлайди, чунки юк ташувчи компанияларнинг жавобгарлиги ошади ва хом-ашёларни олиб ишлаб чиқарувчи акциядорлик жамиятларга тарқатиш жараёни тезлашади. Хом ашёни етказиб беришда иштирок этувчилар компаниялар томонидан кечикишлар корхоналарга вақтни йўқотишга олиб келади ва иқтисодий самара олиш имкониятини бой беради.

Буюртмалар ўртасида белгиланган вақт оралиғи бўлган тизим етказиб бериш кечикишининг таъсирини ҳам ҳисобга олади. Белгиланган буюртма ҳажмига эга бўлган тизимда бўлгани каби, ушбу ҳолат суғурта фонди ҳисобига

копланади. Кафолатланган товар-моддий захираларни режалаштирилган ҳажмда амалга ошириш буюртма ҳажмини қайта ҳисоблаш орқали кейинги етказиб бериш пайтида ҳисобга олинади, шунда етказиб бериш товар-моддий захирани меъёрдаги керакли ҳажми белгиланади. Хом ашёни етказиб бериш вақти корхона режасидан анча фарқ қилса, ишлаб чиқариш билан истеъмолчига мол етказиб бериш жараёнида узилишлар юзага келади.



Расм.7. Товар-моддий захираларни бошқариш сиёсати¹⁸

"Минимал-максимал" тизим омборда товар-моддий захираларни ҳисобга олиш харажатлари ва буюртма бериш харажатлари товар-моддий захиралари етишмаслигидан келиб чиқадиган зарарлар билан мос келадиган

¹⁸ Муаллиф томонидан шакллантирилган.

вазиятга қаратилган. Ушбу тизим иқтисодий сабабларга кўра захиралар етишмаслигини аниқлашга имкон беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, кўриб чиқилган асосий ва минимал-максимали товар-моддий захираларни бошқариш тизимлари фақат жуда чекланган иш шароитлари ва етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Акциядорлик жамиятларнинг ишлаб чиқариш ёки савдо-сотик учун товар-моддий ҳажмини меъёрда таъминлаш ва шу билан бирга ортиқча захираларни шакллантирмасликни тартибга солиш, айланма маблағларининг ўсишига олиб келади. Ишлаб чиқариш захираларининг ҳажми таъминотчилар ва транспорт хизматларини кўрсатувчи корхоналар билан муносабатларни ташкил этишга боғлиқ. Хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар, агрегатларни етказиб беришда акциядорлик жамиятларида омборлар курмасдан "ғилдиракдан" фойдаланишга ундайди. Савдода товар-моддий захиралар ҳажми товарлар сотилишининг тизимли ҳисоби ва унинг истиқболларини тўғри баҳолашга боғлиқ. Замоनावий шароитда товар-моддий захираларнинг меъёрини яратиш нафақат акцияларнинг сарф-харажатларини доимий қайд этишни эмас, балки зарур номенклатурада янги келган товарларни етказиб берувчиларга буюртма беришга имкон берувчи замоनावий инфорацион технологиялардан фойдаланишни ҳам йўлга қуйишни кўзда тутади.

Товар-моддий захираларни бошқариш маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини бир маромда амалга оширишни таъминлаш ва акциядорлик жамиятларда уларга хизмат кўрсатишнинг жорий харажатларини минималлаштиришга қаратилади. Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан жорий активлар молиявий бошқариш ишлаб чиқаришни ўз муддатида яқунлаш имконини беради. Унинг натижасида акциядорлик жамиятлари операцион цикли белгиланган вақтда бажариб, товар-моддий захираларнинг сақлаш учун ўз харажатларини режалаштиради, уларнинг ҳажмини ишлаб чиқарилган маҳсулот тан нархига кўшилади.

Товар-моддий захираларни сақлаш харажатларини камайтириш, корхонада мавжуд ва товарларда ўз аксини топган молиявий ресурсларни қисман бўшаши ва бўшаган маблағларни корхонанинг бошқа фаолияти учун қайта инвестициялаши мумкин бўлади. Яъни жорий актилар таркибида хом-ашё ҳажмининг ошиши омборда хом ашё захираларининг кўпайишига олиб келади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишини таъминлайди, лекин тайёр маҳсулот захираларининг етишмаслиги эса корхоналар мижозларининг барқарорлигига олиб келади.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни самарали бошқариш (ТМЗ) қуйидагиларга олиб келади:

-материаллар етишмаслиги туфайли ишлаб чиқариш йўқотишларини камайтириш;

-айланма маблағларнинг айланишини тезлашишига;

-товар-моддий захираларни минимум даражасига етказиш орқали корхонада амалга ошириладиган операциялар қийматини пасайтириш ва ликвид маблағларни музлатилишини камайтириш;

-товарларнинг эскириши ва бузилиши хавфини камайтириш;

-акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни сақлаш харажатларини камайтириш.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш амалиётида ресурсларни қониқарсиз назорат қилиш қуйидаги ҳолатларга

-захираларни сақлаш муддатининг доимий ўсишига;

-доимий товар-моддий захиралар ҳажми ўсиши, савдо ҳажмининг пасайишига;

-асосий воситаларнинг товар-моддий захираларнинг мавжуд эмаслигидан тўхтаб қолиши;

-омборхоналарнинг тўлиб кетишига;

-молиявий маблағларнинг ноликвид товарларда бандлиги сабабли шошилиш буюртмаларни доимий равишда рад этишга;

-товар-моддий захираларининг эскириши ёки уғирликлар содир бўлиши оқибатида кўп ҳажмдаги захираларни ҳисобдан чиқари ташлашга олиб келади.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқаришни оптималлаштириш ишлаб чиқаришнинг жадаллашишига яъни қуйидагиларга

-тўлов қобилиятининг барқарорлигига ва жорий ликвидлилик даражасининг ошишига;

-товар-моддий захираларнинг таркиби яхшиланишига, ортиқча захираларни камайтириш эвазига ноликвид захираларининг ҳажми пасаяди;

-айланма активларнинг таркиби ҳам ликвид даражага етишига;

-молиялаштириш манбаларига эҳтиёжни пасайтиради, захиралар билан боғлиқ ноликвид ҳолат бўлишига олиб келади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш ва уларни оптималлаштириш бевосита қайта ишлаш ва харид қилиш ва сотиш хизматлари билан товарларни рўйхатга олиш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ, омборлар ва уларнинг жойлашган жойи бўйича сарфланадиган харажатларни ҳам ни ҳисоблаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

I боб бўйича хулоса

Товар-моддий захиралар тушунчаси акциядорлик жамиятидаги ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келади, Унинг асосий манбасини ишлаб чиқариш жараёнидан бошлаб маҳсулотларни сотиш жараёнигача кузатиш мақсадга мувофиқдир. Товар-моддий захираларининг ҳар бир элементини бошқариш уларнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Товар-моддий захираларни тайёр маҳсулотга айлантириш муҳим жараён ҳисобланиб, тайёр маҳсулотни кейинги истеъмолчига ўтказишда турли хил захиралар шакллантирилади.

Товар-моддий захираларни шакллантиришнинг ҳар бир усулидан фойдаланиш ва улар ўртасидаги нисбат акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлигига, унинг тўлов қобилиятига, молиявий ҳолатига ва унга бўлган ишонч даражасига бевосита боғлиқ.

Товар-моддий захираларнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, ишлаб чиқариш жараёнидан истъемол жараёнига ўтади. Товар-моддий захираларнинг жами суммаси жорий йилдаги йўлда корхоналар ишлаб чиқариши учун олиб келинаётган ёки уларнинг махсус сотиш омборхоналарида сақланиб турган массасини ўз ичига қамраб олади.

Иқтисодий усуллардан фойдаланишда хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва омборда сақланаётган маҳсулотлар ўртасидаги нисбатга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Унинг натижасида акциядорлик жамиятлари ўз молиявий барқарорлигини, ликвид маблағлар ҳажмини кўпайтиришга, корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаши мумкин бўлади.

Акциядорлик жамиятларнинг ишлаб чиқариш ёки савдо-сотиқ учун товар-моддий ҳажмини меъёрида таъминлаш ва шу билан бирга ортиқча захираларни шакллантирмасликни тартибга солиш, айланма маблағларининг ўсишига олиб келади. Ишлаб чиқариш захираларининг ҳажми таъминотчилар ва транспорт хизматларини кўрсатувчи корхоналар билан муносабатларни ташкил этишга боғлиқ. Хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар, агрегатларни етказиб беришда акциядорлик жамиятларида омборлар курмасдан "ғилдиракдан" фойдаланишга ундайди. Савдода товар-моддий захиралар ҳажми товарлар сотилишининг тизимли ҳисоби ва унинг истиқболларини тўғри баҳолашга боғлиқ. Замонавий шароитда товар-моддий захираларнинг меъёрини яратиш нафақат акцияларнинг сарф-харажатларини доимий қайд этишни эмас, балки зарур номенклатурада янги келган товарларни етказиб берувчиларга буюртма беришга имкон берувчи замонавий инфор­мацион технологиялардан фойдаланишни ҳам йўлга қуйишни кўзда тутади.

2.БОБ.АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Акциядорлик жамиятлари жорий активларини таркибида товар-моддий захираларни бошқариш тизимининг таҳлили.

Бозор иқтисодиёти шароитида акциядорлик жамиятлари барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтирилган молиявий менежмент тизимида жорий активлар ва уларнинг алоҳида элементларини бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Жорий активлар операцион молиявий менежментнинг объекти ҳисобланиб, уларни самарали бошқариш орқали бир қатор оралиқ ва пировард мақсадларни ижросини таъминлаш имкониятлари яратилади.


Жорий активларни молиявий бошқариш учун унинг таркибига аниқлик киритиш лозим:

1. Пул маблағлари;
2. Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар;
3. Товар-моддий захиралар;.
4. Дебиторлик қарздорлик.

Ушбу жорий активлар объектларини бошқаришга нисбатан умумий тавсифдаги ёндашувлар билан бирга хусусий тавсифдаги ёндашувлар ва инструментлардан фойдаланилади.

Хусусан, жорий активлар таркибидаги товар-моддий захираларни бошқариш операцион молиявий менежментнинг кенг инструментлари орқали амалга оширилиб, уларни бошқариш корхоналар молиявий менежмент тизимининг стратегик мақсадига асосланган ҳолдаги бир қатор пировард натижаларга эришишга имконият яратади.

Активларнинг ушбу элементи такрор ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этувчи меҳнат предметларини ўзида мужассамлаштириб, уларни самарали бошқариш қуйидаги расм орқали ифодаланган жорий активларни бошқариш самарадорлиги кўрсаткичи сифатидаги натижалар олишга шарт шароит яратади (8-расм).



8-расм. Товар-моддий захираларни бошқаришнинг пировард ижобий натижалари чизмаси¹⁹

Юқоридаги расм асосида таъкидлаш мумкинки, товар моддий захираларни молиявий бошқариш:

биринчидан, такрор ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини таъминлаш учун зарурий хом ашё ресурсларини таъминлашга шарт-шароит яратади;

иккинчидан, такрор ишлаб чиқариш жараёни натижасидаги яратилган қўшилган қийматни максималлаштиришни назарда тутиладиган операцион харажатларни минималлаштиришга шарт шароит яратади;

учинчидан, корхоналар фаолияти молиявий барқарорлигига таъсир этувчи жорий активлар таркибидаги ишлаб чиқариш фондларини оптимал даражасини таъминлаш орқали реализациядан тушумга нисбатан корхонанинг молиявий эксплуатацион эҳтиёжларини максимал иқтисод қилиш имкониятларини яратади.

тўртинчидан, товар моддий захираларни бошқариш орқали жорий активлар рентабеллигини ошириш имкониятларини яратади.

¹⁹ Муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

Ҳар қандай акциядорлик жамиятларида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятли жиҳати улардаги активлар таркибида жорий активлар ва хусусан, товар моддий захираларга бўлган эҳтиёжга таъсир этади. Натижада, жами активларда жорий активлар ва товар моддий захиралар турли улушни ташкил қилади.

2.1-жадвал

Акциядорлик жамиятларида активлари номинал қиймати тўғрисида маълумот²⁰, млн. сўм

Кўрсаткичлар // йиллар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2015 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўсиш, % да
«Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти								
Узоқ муддатли активлар	298643,4	299942,5	190341,9	316623,9	360363,7	375947,1	431167,9	144,4
Жорий активлар	571188,6	781044,2	505690,9	553796,5	316039,4	508202,7	602930,9	105,6
Жами активлар	869832	1080986,7	696032,8	870420,4	676403,1	884149,8	1034098,8	118,9
«NO·KIS VINOZAVODI» акциядорлик жамияти								
Узоқ муддатли активлар	14938,5	17844,4	26116,6	30768,4	43844,9	51444,9	70573,3	472,4
Жорий активлар	8988,3	13602,4	10318,1	15715,5	24289,5	34897,3	40562,8	451,3
Жами активлар	23926,8	31446,8	36434,7	46483,9	68134,4	86342,2	111136,1	464,5

2.1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, инвестиция сиғими бўйича турлича бўлган ҳар иккала акциядорлик жамиятларида такрор ишлаб чиқариш жараёни учун зарурий активлар ва уларни таркибида узоқ муддатли ва жорий активлар элементлари номинал қиймати таҳлил қилинаётган даврда турли ўзгариш тенденциясини намоён қилмоқда. Хусусан, «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамиятида жами активлар 2015 йилда 869832 млн. сўмни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 1034098,8 млн. сўмни ташкил қилган. 2015-2021 йилларда активларнинг ўсиш суръати 118,9 %ни ташкил қилиб, ушбу

²⁰ Акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилди.

Ўсишга узоқ муддатли активларнинг 2015 йилга нисбатан 2021 йилги 144,4 %лик ўсиши ижобий таъсир этган. Хусусан, узоқ муддатли активлар 2015 йилда 298643,4 млн. сўмни, 2021 йилга келиб таҳлил қилинаётган даврлардаги барқарор номинал ўсиш қийматида 431167,9 млн. сўмга етган. Жорий активларнинг ўсиш суръати эса таҳлил қилинаётган даврда 105,6 %ни ташкил қилмоқда.

«NO‘KIS VINOZAVODI» акциядорлик жамиятида эса жами активлар 2015 йилда 23926,8 млн. сўмни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич таҳлил қилинаётган даврда барқарор ўсиш суръатида бўлиб, 2021 йилда 111136,1 млн. сўмни ташкил қилган. 2015 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўсиш суръати 464,5 %ни ташкил қилган. Ушбу юқори ўсиш суръатида узоқ муддатли активларнинг таҳлил қилинаётган даврдаги 472,4 %лик ўсиши (2015 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўсиш) муҳим аҳамият касб этган. Таҳлил қилинаётган даврдаги активлардаги юқори динамик ўзгариш «NO‘KIS VINOZAVODI» акциядорлик жамиятида кузатилмоқда. Қарийб активлар 4,6 мартага ўсганлиги ушбу корхона фаолиятининг ривожланишига катта таъсир этган ишбилармон фаоллик кўрсаткичи ҳисобланади.

Демак, таҳлил қилинаётган даврда ҳар иккала корхонада активларнинг номинал қиймати нуқтаи назардан ўсиш кузатилаётган бўлса-да, ушбу ўсиш тенденцияси параллел равишда узоқ муддатли активлардаги ресурсларнинг юқори тўпланиши кузатилмоқда. Чунки ҳар иккала корхонада ҳам жами активларнинг ўсиш суръатидан узоқ муддатли активларнинг юқори ўсиш суръати кузатилмоқда.

Ушбу ҳолат ҳар иккала корхонада ҳам ички ва ташқи молиявий ресурсларни ишлаб чиқариш жараёнига мобилизация қилишда технологик қайта қуролланиш орқали асосий ишлаб чиқариш фондларини модернизациялашга қўйилмаларнинг ўсиб бораётганлигини тасдиқлайди. Буни активларнинг таркиби улуш орқали таҳлил қилиш орқали яққол кўриш мумкин бўлади.

2.2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамиятида жами активлар таркибида узоқ муддатли активлар 2015 йилда 34,3 %ни, жорий активлар эса 65,7 %ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич мос равишда 41,7 % ва 58,3 % ни ташкил қилган. Таҳлил қилинаётган даврда узоқ муддатли активларни энг юқори улуши 2019 йилда кузатилиб 53,3 %ни ташкил қилган ва кейинги даврларда пасайиш тенденциясига эга бўлган.

2.2-жадвал

Акциядорлик жамиятларида активлар таркиби тўғрисида маълумот²¹

млн. сўмда

Кўрсаткичлар/ йиллар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
«Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти							
Узоқ муддатли активлар	34,3	27,7	27,3	36,4	53,3	42,5	41,7
Жорий активлар	65,7	72,3	72,7	63,6	46,7	57,5	58,3
Жами активлар	100	100	100	100	100	100	100
«NO‘KIS VINOZAVODI» акциядорлик жамияти							
Узоқ муддатли активлар	62,4	56,7	71,7	66,2	64,4	59,6	63,5
Жорий активлар	37,6	43,3	28,3	33,8	35,6	40,4	36,5
Жами активлар	100	100	100	100	100	100	100

«NO‘KIS VINOZAVODI» акциядорлик жамиятида эса узоқ муддатли активлар жами активлар таркибида 2015 йилда 62,4 %ни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 63 %га етган. Жорий активлар эса 2015 йилда 37,5 %ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 36,5 %ни ташкил қилган. Демак, хулоса қилиш мумкинки,

биринчидан, ҳар иккала акциядорлик жамиятида активлар таркибидаги узоқ муддатли ва жорий активларда ўсиш тенденцияси кузатилган бўлса-да, юқори суръатда ўсиб борган активларнинг таркиби кесимидаги тўланишида узоқ муддатли активлар юқори аҳамият касб этмоқда;

²¹ Акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилди.

иккинчидан, «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамиятида активларнинг юқори улуши жорий активларга тўри келмоқда. Ушбу ҳолат жорий операцион фаолият учун зарурий меҳнат предметларига эҳтиёж юқорилигини тасдиқлайди.

Ҳар қандай товар ишлаб чиқариш маълум моддий базага боғлиқ. Буни хомашё, асбоб-ускуналар, ҳар қандай бино, транспорт ва алоқа воситаларисиз амалга ошириш мумкин эмаслиги табиий ҳолдир. Лекин ушбу эҳтиёжнинг қай даражадалиги операцион фаолиятнинг табиатига боғлиқдир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, жорий активлар- бу корхона томонидан операцион (ишлаб чиқариш) циклининг ҳар бир даврида янгидан киритилган капитал. Бошқача қилиб айтганда, бу айланма активларга қўйилган маблағлардир. Таърифи ва функциясидан келиб чиққан ҳолда, жорий активларнинг мақсадларидан бири пул айланишида янги қиймат яратишдир. Бундай ҳолда, фойда миқдори компаниянинг асосий ва айланма маблағлари нисбати билан белгиланади. Жорий активлар нисбати қанчалик юқори бўлса, яратиладиган қўшилган қиймат миқдори шунчалик кўп бўлади. Бу корхоналарнинг рентабеллик даражасини юқори эканлигини англатади.

Жорий активларнинг навбатдаги муҳим мақсади корхонанинг ликвидлигини таъминлашдир. Бу ишлаб чиқариш жараёнида айланма маблағларнинг нақд пулга айланиш қобилияти билан изоҳланади. Айланма маблағлар қанчалик тез пулга айланса, корхонанинг ликвидлик даражаси шунчалик юқори бўлади.

Жорий активлар яхлит ва органик мажмуани ўзида ифодалаши билан уларнинг кейинги мақсади ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашдир. Шунингдек, бутун хўжалик мажмуасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш зарур бўлиб, акс ҳолда, ушбу ҳолат бутун иқтисодий тизимда номутаносиблик ҳолатларини юзага келтириш мумкин.

2.3-жадвал маълумотлари тасдиқлайдики, «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти жорий активлари 2015 йилда 571188,6 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич

602930,9 млн. сўмга етган бўлиб, 105,6 %га ўсган. Ушбу ўсиш асосан товар моддий захираларнинг номинал мазмундаги ўсишига таъсир этган.

2.3-жадвал

«Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти жорий активлари тўғрисида

маълумот²², млн. сўм

Жорий активлар элементлари номи	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2015 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўсиш, %да
Товар-моддий захиралар	161018,2	142373,7	133282,9	147797,2	199969,6	347380,9	416136,3	258,4
Келгуси давр харажатлари ва кечиктирилган харажатлар	4357,5	1856,7	1740,1	2363,2	6164,6	8668,1	3867,9	88,8
Дебиторлик қарзлари	370231,2	626858,8	361930,9	373299,2	87147	112817,2	159825,6	43,2
Пул маблағлари	31972,6	6380,2	5220,7	29855,7	21248,9	38747,7	23074	72,2
Қисқа муддатли инвестициялар	3609,1	3574,8	3516,2	481,2	1509,2	588,8	27	0,7
Жами жорий активлар	571188,6	781044,2	505690,8	553796,5	316039,4	508202,7	602930,9	105,6

Хусусан, товар моддий захираларнинг 2015 йилда 2021 йилга таққосласак унинг ўсиши 258,4 %ни ташкил қилган бўлиб, номинал мазмунда 2021 йилда 416136,3 млн. сўмга етган. Агар таҳлил қилинаётган даврда жорий активларнинг номинал қиймати энг юқори даврни кўрадиган бўлсак ушбу кўрсаткич 2016 йилга тўғри келганлигини ва айнан ушбу даврда 781044,2 млн. сўмни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. Лекин ушбу жорий активларнинг юқори ўсиш суръати дебиторлик қарздорлигининг 2015 йилдаги 370231,2 млн. сўмдан 2016 йилга келиб 626858,8 млн. сўмга кескин ошганлиги ҳисобига кузатилган. Товар моддий захираларнинг номинал қийматида эса ушбу даврда пасайиш кузатилган. Натижада, жорий активлар динамик ўзгариши унинг таркибий элементлари улушининг ўзгариши билан боғлиқ

²² Акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилди.

ҳолда кузатилган. Ушбу таркибий ўзгариш жорий активлар алоҳида элементлари кесимида уни акциядорлик жамияти молиявий натижалари ва молиявий барқарорлигига турлича таъсир этиш тавсифига эга бўлган.

2.4-жадвал

«Махам-Ширчиқ» акциядорлик жамияти жорий активлари таркиби тўғрисида маълумот²³, жамига нисбатан %да

Жорий активлар элементлари номи	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Товар-моддий захиралар	28,2	18,2	26,4	26,7	63,3	68,4	69,0
Келгуси давр харажатлари ва кечиктирилган харажатлар	0,8	0,2	0,3	0,4	2,0	1,7	0,6
Дебиторлик қарзлари	64,8	80,3	71,6	67,4	27,6	22,2	26,5
Пул маблағлари	5,6	0,8	1,0	5,4	6,7	7,6	3,8
Қисқа муддатли инвестициялар	0,6	0,5	0,7	0,1	0,5	0,1	0,0
Жами жорий активлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

2.4-жадвалга мувофиқ товар моддий захираларнинг жами жорий активлардаги улуши 2015 йилда 28,2 %ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич таҳлил қилинаётган даврдаги энг юқори улушни яъни 69,0 %ни ташкил қилмоқда. Демак, жорий активларга инвестицияларда унинг элементлари кесимидаги тўпланиш даражаси товар моддий захиралар ҳисобига тўғри келаётганлигини тасдиқлайди. Юқоридаги таҳлилларни тасдиғи сифатида айтишимиз мумкинки, товар моддий захираларнинг таҳлил қилинаётган даврдаги энг паст улуши 2016 йилга тўғри келиб, жами жорий активларда атиги 18,2 %ни ташкил қилмоқда.


Фикримизча, ушбу ҳолатни икки вазият орқали изоҳлаш мумкин:

биринчидан, корхонада ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши ва натижада ушбу даврда (2016 йил) операцион фаолият учун зарурий меҳнат

²³ Акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилди.

предметларига реал эҳтиёжнинг пасайиши кузатилиши ҳисобига бўлиши мумкин;

иккинчидан, товар-моддий захираларнинг айланиш тезлигини ҳаддан зиёд юқори кўрсаткичини таъминлаш ҳисобига, улардан фойдаланиш самарадорлигини кескин ортиши ҳисобига кузатилади. Ушбу ҳар иккала вазиятни кейинги параграфларимизда кўриб ўтамиз.



2.5-расм. «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти жорий активлари элементларининг йиллик ўсиш(100 дан паст бўлса пасайиш) динамикаси²⁴

Жорий активлар таркибий элементларнинг 2015-2021 йиллардаги динамик ўзгариш тенденциясини 2.2-расмдан кўришимиз мумкинки, юқори йиллик ўсиш 2020 йилда кузатилган бўлиб (160,8 %) ушбу ўсиш товар моддий захираларнинг юқори йиллик ўсиши (173,7 %) асосий таъсир этувчи омиллардан бири бўлган.

Товар моддий захираларнинг йиллик барқарор ўсиш суръати 2018 йилдан (110,9 %) бошлаб кузатилмоқда.

Моддий ҳисобни ташкил этиш бухгалтерия ҳисоби ишининг энг қийин йўналишларидан биридир. Саноат корхонасида моддий бойликлар ассортименти ўн минглаб объектларни ташкил этади ва товар-моддий

²⁴ «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

бойликларни ҳисобга олиш бўйича маълумотлар ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича барча салкам учдан бирини ташкил қилади.

Акциядорлик жамиятлари жорий активларининг ҳаракатини, товар-моддий захираларнинг сақланиши ва мақсадлилигини доимий назорат қилишни ташкил мақсадга мувофиқ. Бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштиришдан тортиб зарур ҳисоботларни тайёрлашгача бўлган барча бухгалтерия ишларини автоматлаштириш катта аҳамиятга эга.

Корхоналар товар-моддий захираларни сотиб олиш жараёнида молиявий ҳисоб-китобнинг ва уни шакллантиришнинг турли усулларини танлаш имкониятини қўллайди. Шундай ҳолатлар бўладики, ойлаб ҳаттоки йиллаб омборда товар-моддий захиралар сақланиб келади. Корхонада ҳам ашёлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва та ёр маҳсулотлар ўртасида ҳам мувозанат бўлиб, уларнинг ҳар бирининг сақлаш харажатлари ҳажми ҳисобга олиниб боради. Ушбу жиҳатлар акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларида ўз аксини топади. Маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ҳам ашёлар ва уларнинг сақланаётган қолдиқларини ишлатиш; омборда сақланаётган тайёр маҳсулотларнинг тан нархи ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқдир.

Акциядорлик жамиятларини бошқарувчи органлари кузатув кенгаши, ижроия органлари корпоратив кодексда келтирилган меъёрий кўрсатмаларга ва халқаро стандартларга кўрсатилган қоидаларга риоя қилишлари шарт. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳар йили корхона томонидан олиб борилаётган ишлар, корхонанинг фаолият турлари бўйича киримлари, шунингдек, харажатлари доимий равишда ҳисобот бериб борилади ва умумий харажатлар салмоғи юқори бўлса, корхона маълум бир харажатлар қисқартириш бўйича молиявий қарорлар қабул қилади. Шунинг натижасида, турли хил ресурсларни тежаш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкони юзага келади. Агарда акциядорлик жамиятларда товар-моддий захиралар бўйича олиб бориладиган назорат олиб борилмаса, махсус

омборлардаги захиралар ошиб борса, келиб тушаётган даромадлар пасайиши ва харажатлар ошиши ҳисобига иқтисодий самарани таъминлаб бўлмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, таннархини пасайтириш, маҳсулот рентабелликни оширишни таъминлайдиган аниқ дастурларни қабул қилиш ва корхонанинг ишлаб чиқариши узлуксизлигини таъминлаш режасига қатъий риоя қилиш талаб қилинади.

Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари излаш доимо корхоналарнинг асосий долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Улар ўз иқтисодий самарасини кўрсатадиган барча башоратларни юқори даражага чиқаришга ҳаракат қилади, акциядорлик жамиятлари маблағларини мақсадсиз сарфланиши устидан назоратни доимий амалга ошириш лозим. Диссертациянинг ушбу саволида товар-моддий захираларини бошқаришни тўғри ва оптимал йўллари шакллантиришга ёрдам берувчи дастакларни ўрганамиз.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларини бошқаришнинг салбий омилларини минималлаштириш ва ижобий омилларни максимал даражада ошириш хорижий ва маҳаллий бошқарув амалиёти товар-моддий захиралар ҳажмининг катталиги, захира ҳолатини назорат қилиш йўллари ишлаб чиқилди. Товар-моддий захираларини назорат қилиш тизимлари иккита асосий сегментдан иборат. Яъни акциядорлик жамиятлари қанча хом-ашёларга буюртма бериши лозимлигига ва қачон уларни етказиш кераклигига аниқлик киритиши муҳим ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқаришнинг одатий назорат қилиш усулларида фойдаланиш мумкин.

Уларга қуйидагилар киради:

- қатъий белгиланган ҳажмда буюртма беришни назорат қилиш;
- акциядорлик жамиятларида товар-моддий захиралар билан тўлдиришнинг даврий назоратини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захиралар компонентларини самарали бошқариш модели ўз ичига қўйидагиларни олади:

- сотиб олинаётган хом ашёнинг оптимал ҳажми;
- етказиб беришлар ўртасидаги даврлар;
- буюртма бериш манзили;
- максимал даражадаги буюртма ҳажми.

Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларини молиявий бошқариш амалиётида бир нечта жиҳатлари бўлиши мумкин. Уларга қўйидагилар киради:

-Битта буюртмани амалга ошириш харажатларини ҳисоблаш;

Албатта кенг турдаги товар-моддий захираларига эга бўлган акциядорлик жамиятларида буюртма харажатлари корхона менежери ойлик иш ҳақидан сотиб олиш, интернет ёки бошқа алоқа тизимидан олиб борган суҳбатлари учун тўловлари бўйича ҳам боғлиқлик бўлади.

-Аксарият акциядорлик жамиятлари ўз товар-моддий захираларини сақлаш учун омборларни ижара олади ва улар бўйича тўловларни амалга оширади.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни учун сарфланадиган харажатлари қанчалик кам бўлса, корхона ишчиларига тўланадиган иш ҳақи ёки бошқа моддий маблағлар ҳажми ошиб боради. Унинг натижасида одатда акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариши ортади, турли харажатларга сарфлар камайтиради ва ходимлар турли бонуслар олиши учун имконият яратилади.

2.2. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш моделлари таҳлили

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни самарали бошқариш бугунги кунда долзарб муаммоларга айланмоқда. Товар-моддий захираларнинг ортиқча ҳажми нафақат айланма маблағларни музлатиб қўяди, балки акциядорлик жамиятлари айланма маблағлари билан боғлиқ самарасиз

харажатларни ҳам юзага келтиради. Акциядорлик жамиятларида муайян вақтда маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини бажармаслик вазиятлари ҳам товар-моддий захиралар билан боғлиқ муаммоларни юзага келтиради. Натижада эса корхонага келиб тушиши эҳтимоли мавжуд даромадлардан воз кечишга тўғри келади ёки қўшимча харажатлар сарфланишига олиб келади.

Агарда корхоналар фаолияти давомида мақсадсиз молиявий ресурслар сарфланса, кераксиз активлар жамланиб қолса, уларнинг рентабеллиги паст даражада бўлса, корхонанинг даромадлиги пасайиши кузатилади. Шунинг учун уларни бошқариш учун алоҳида эътибор берган ҳолда самарали бошқарув моделларини ишлаб чиқиш лозим.

Диссертацияда қуйилган вазифаларни бажариш мақсадида акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларини молиявий бошқариш жараёнларини батафсил ўрганишга ҳаракат қиламиз. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқаришнинг ва уларнинг самарадорлигини баҳолашнинг моделларини кўриб ўтаемиз.

Россиялик олим Ю.С. Чуйков²⁵ томонидан корхоналарда товар-моддий захираларни шакллантириш жараёнини суғурталаш модели таклиф этилган. Олимларнинг бундай ёндашуви эътирозларга сабаб бўлиб, айрим олимлар эса ушбу жараённи тўғри деб баҳолаган. Шунини айтиш жоизки маҳсулот ҳажмининг ўсиши билан суғурта коэффициенти камаяди, яъни амалиётда буни тескариси кузатилади.

Россиялик олим Бадокин О.В.²⁶ томонидан Уилсон моделига суянган ҳолда товар-моддий захиралар буюртмасини амалга ошириш ва сақлаш харажатларини пул бирлигида изоҳлаган. Труфанова Н.А нинг таъкидлашича²⁷, корхоналарда товар-моддий захираларни сақлаш

²⁵ Чуйкова Ю.С. Оптимизация материального потока в задаче управления запасами предприятия // Управление организационно-экономическими системами: моделирование взаимодействий, принятие решений: сб. научных статей. Вып. 6. Самара: ИПУ РАН, СГАУ, 2009. С. 90–96.

²⁶ Бадокин, О. В. Определение параметров запасов в цепи поставок с учетом координации [Текст] / О. В. Бадокин, В. В. Лукинский // Интегрированная логистика. — 2010. - № 5. — С. 17-18.

²⁷ Труфанова Н.А. Методический подход к выбору логистического посредника с учетом региональных особенностей построения цепей поставок // Вестник ИНЖЭКОНа. Сер. Экономика. 2010. Вып. 3. С. 346–350.

харажатлари ҳисобланиб, уни ташиш учун ҳам турли даражадаги харажатлар юзага келади.

Корхоналарда ҳам товар-моддий захираларни сақлаш учун тегишли инфратузилма яратиш лозим у эса одатда қўшимча харажатлар билан боғлиқ бўлади. Харажатлар эса маҳсулот таннархига қўшилади ва унинг нархига ўз таъсирини кўрсатади. Акциядорлик жамиятларида фаолият кўрсатаётган молиявий менежерлар учун ушбу харажатларни иложи борича қисқартириш вазифаси юкланади.

Аксарият ҳолатда товар-моддий захираларни назарий ўрганадиган бўлсак молиявий қарорларни қабул қилишда аналитик маълумотларга суянишга тўғри келади. Молиявий қарорлар эса занжирсимон бўлиб, унинг натижаси иқтисодий самарадорликка олиб келиши лозим. Молиявий менежерлар молиявий қарорлар қабул қилишда унинг ҳисоб-китобини амалга ошириш натижасида амалга оширади.

Шу билан бирга, маълумки, бир хил маҳсулотдан кўп маҳсулот етказиб беришга ўтиш таъминот занжири самарадорлигини оширишнинг корхона учун янги сиёсатни олиб боришга ундайди. Амалиётда акциядорлик жамиятларда захиралар таркибини бошқаришнинг молиявий моделларни қўллаш орқали амалга оширилади. корхоналарда товар-моддий захиралар бўйича мавжуд харажатларни йилдан-йилга камайтириб бориш лозим. Шунинг билан унинг қисқартириш меъёри 25-45% ни ташкил этиш лозим. Агарда корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бир хилдаги маҳсулот бўлса, унда харажатларни 30-50% га қисқартириш маъқул ҳисобланади.

Товар-моддий захираларни бошқаришда корхоналар ўзига қулай бўлган моделлардан фойдаланади. Айрим ҳолатларда эса бир нечта моделларнинг комбинациясидан фойдаланилади. Ушбу моделларни амалиётда қўллаш корхонанинг жорий активларини тўғри бошқаришга ундайди.

Разгуляев В. Н турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни бошқаришда бир моделдан эмас, балки бир нечта ҳолатда турли хил моделлардан фойдаланишни тавсия этади.

Товар-моддий захираларни шакллантириш ва турли жараёнларда уни тайёр маҳсулотларга айлантиришда нафақат молиявий моделлардан балки математик моделларнинг ҳам таъсири кучли бўлади. Охирги йилларда ушбу жараённи тартибга солишда рақамли автоматлаштирилган усуллардан ҳам фойдаланилмоқда.

Юқоридаги айтилган усуллардан фойдаланишда ҳам ўзига яраша камчиликларини кўриш мумкин. Биз олдинги параграфларда айтиб ўтганимиздек, корхоналарда товар-моддий захираларнинг ҳисоби юритилишини амалга оширишда уни ҳар куни назоратга олишга тўғри келади.

Моделларни қўллашда акциядорлик жамиятлари камида 500дан ошиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши лозим, ўз навбатида улардаги ўзгаришларга, харажатларга тайёр бўлиши керак.

Диссертация ишимизда Соколова Г.А ва Чистяковалар Н.А²⁸. нинг савдо соҳасида фаолият юритадиган корхоналарда товар-моддий захираларига тасодифий талаб билан товар-моддий захираларни бошқариш модели қўлланилади. Аммо, ушбу объектлардаги товар-моддий захиралари учун ушбу моделни қўллаш тавсия этилмайди, сабаби якуний тайёр маҳсулотнинг қийматини аниқлаш имконияти мавжуд эмас.

Кўпчилик олимларининг фикрини ўрганган ҳолда шундай хулоса қилишимиз мумкинки, акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш корхона учун зарур механизм ҳисобланиб, бугунги қадар ушбу жараён атрофида бир қанча муаммолар мавжудлигини кўриб ўтдик.

Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларини бошқариш бугунги кунда ўз ечими топмади ва ҳанузгача таҳлилий материаллар мавжуд бўлиб бирор бир якуний илмий қарор қабул қилинмади.

²⁸ Соколов Г.А., Чистякова Н.А. «Теория вероятностей. Управляемые цепи Маркова в экономике» Издательство-Физматлит. 2005. 248б

Амалиётда кўп қўлланиладиган моделларни таққослашда Марков занжирлари назариясининг математик аппарати ёрдамида товар-моддий захираларни бошқариш жараёнини аниқ келтирилган деган фикрлар мавжуд бўлиб, унинг асоси шундан иборатки, товар-моддий захиралар билан тасодифий бўлиб ўтадиган ходисаларни кетма-кетлиги тартиб солиш қобилиятига эгадир. Ушбу моделда ўтган ўтмишдаги камчиликларни ва келажакдаги жараёнларни баланслаштириш имконияти мавжуд.

Қулай математик аппаратдан фойдаланиш акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларнинг ҳаракатланишини тўғри тақсимлашга ёрдам беради. Марков занжирлари назариясини қўллаш акциядорлик жамиятларида узликсизлигини таъминлаш жараёнида товар-моддий захиралар ҳаракатини моделлаштириш асосида тартибга солиб борилади.

Умуман таҳлиллар натижасида хулоса қилиш мумкинки, таҳлил қилинаётган даврда жорий активлар ва унинг элементларини динамик ўсишида маълум изчиллик кузатилмайди. Ушбу ҳолат, жорий активларни операцион молиявий бошқариш тизимида изчиллик мавжуд эмаслиги билан ҳам изоҳланади. Лекин, ушбу ҳолат бошқа омиллар таъсирида бўлиши ҳам мумкин.

2.6-жадвал.

«Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти жорий активлари таркибида товар-моддий захиралари элементлари динамикаси²⁹

	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	млн. сўм 2021 йилда 2015 йилга нисбатан ўсиш, %да
Жами товар моддий захиралар	161018,2	142373,7	133282,9	147797,2	199969,6	347380,9	416136,3	258,4
Ишлаб чиқариш захиралари	77382,2	92537,3	96305,7	105075,6	135580,6	199365,6	253085,6	327,1
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	5594,9	6002,2	5569,9	6527,5	14025,3	8332,2	9790,8	175,0

²⁹ «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.


Тайёр маҳсулот	78041,1	43834,1	31407,4	36194,1	50363,6	139683,1	153259,9	196,4
----------------	---------	---------	---------	---------	---------	----------	----------	-------

2.5-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, жами товар-моддий захираларнинг 2015-2021 йиллардаги ўсиш суръати 258,4 %ни ташкил қилган бўлса ушбу ўсиш асосан ишлаб чиқариш захираларига тўғри келган (327,1 %). Таҳлил натижалари тасдиқлайдики, ишлаб чиқариш захираларида ресурсларнинг юқори даражадаги тўпланиши (2021 йилга келиб 253085,6 млн. сўм) сотиш бозордаги конъюктуранининг кескин ўзгариши натижасида ишлаб чиқариш фаолияти қувватларидан фойдаланиш даражасининг кескин ўзгарувчанлиги билан ҳам боғлиқ бўлган.

Хусусан, ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулот сотиш сиёсатининг бозор муҳити шароитидаги ўзгарувчанлиги ҳам ушбу тенденцияга таъсир этиши мумкин.

Бунинг учун умумий тарздаги жорий активлар элементарининг ички таркибий тузилмаси бўйича таҳлилларни амалга ошириш тақозо қилинади.

Расмда кўришиб турганидек, тайёр маҳсулот ҳажмининг 2015 йилга нисбатан 2021 йилда 196,4 %га ўсиши ва 153259,9 млн. сўмга етган.




Расм 7. «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти товар-моддий захиралари таркиби ва динамикаси,³⁰ жамига нисбатан фоизда

³⁰ «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Юқоридаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, ишлаб чиқариш захираларини жами товар моддий захиралардаги улушини тебраниш амплитудаси 2015-2021 йилларда \min 48,06 % дан \max 72,26 % гача бўлган. 2021 йилга келиб товар моддий захираларнинг қарийб 60,82 %ни ташкил қилмоқда. Шу билан бирга тайёр маҳсулотнинг улуши 2015 йилда 48,47 %ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 36,83 % ни ташкил қилмоқда.

Акциядорлик жамиятларида товр-моддий захираларнинг ҳолати бевосита жорий активларнинг ҳолатига таъсир қилади. Лекин айрим ҳолатларда жорий активларнинг таркибида дебиторлик қарздорлигининг салмоғи 30-51%ни ташкил этмоқда.

«Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти товар-моддий захиралари элементларининг йиллик ўсиш суръати қўйидаги расмда кўришимиз мумкин. Товар моддий захиралардаги улушининг ўзагириш даврий тавсифга эга бўлган. Буни қуйидаги расмда исботлаш мумкин.



Расм 8. «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти товар-моддий захиралари элементларининг йиллик ўсиш суръати, фоизда³¹

Расм-8дан кўриниб турибдики, товар моддий захираларнинг таҳлил қилинаётган даврлардаги йиллик ўзгариши ишлаб чиқариш захираларининг

³¹ «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ўзгариши билан 2018 йилдан кейинги тенденцияда мутаносиб равишда бўлган. Хусусан, 2018 йилда жами товар моддий захираларнинг йиллик ўсиш тенденциясини намоён қилиб, 110,9 % ни ташкил қилган бўлса, ишлаб чиқариш захиралари 109,1 %га етган. 2016 йилдаги йиллик пасайиш 88,4 % ни ташкил қилган бўлса товар моддий захиралар таркибидаги юқори вазнга эга бўлган тайёр маҳсулотнинг 56,2 % га пасайиши бунга асосий таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилган.

Демак, ҳозирги вақтда бозор иқтисодиёти шароитида товар-моддий захираларни харид қилиш ва сотиб олиш хариднинг дастлабки босқичида катта аҳамиятга эга. Товар-моддий захираларни тўғри сотиб олиш ва истеъмол қилиш мақсадига эришиш учун ундан оқилона фойдаланиш учун бухгалтерия хизмати тўлиқ, шаффоф маълумотларни ўз ичига олиши керак, бу ҳар ой товар-моддий захираларни харид қилиш ва сотиб олишни таҳлил қилиш имконини беради.

Товар моддий захираларнинг ушбу хусусияти асосан ишлаб чиқариш захиралари ва тайёр маҳсулотларга хосдир. Тугалланмаган ишлаб чиқариш эса бу ишлаб чиқариш жараёнининг технологик тузилмаси ва модернизациялашувига боғлиқдир.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларнинг ҳолати ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини ўзгаришига олиб келади.

Акциядорлик жамиятлари акциядорлар ва инвесторларнинг маблағларини ишлатишда уларни мақсадли сарфланиши таъминлаш лозим. Корхонанинг йиллик ҳисоботларида унинг йилдан йилга ошиши даражаси таҳлил қилиниб боради. Маълумотлар асосида товар-моддий захираларни сотилиши ёки уларнинг сақланиши, уларга сарфланадиган маблағлар, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини камайтириш учун ҳаракатлари кўриниб туради.

Корхоналарда товар-моддий захираларни молиявий бошқаришда занжир характериға эға вектор устуни орқали амалға оширилади. Маълум бир даврни T_i вектор белгилаб оламиз. Ишлаб чиқаришдан маълум бир

диапазондан сўнг Δt дан, тайёр маҳсулотга айлантирилиб, мижозлар, савдони амалга оширадиган компаниялар товар-моддий захираларни маҳсулотга айлантирилганидан сўнг ўз буюртмаларини сотиб олади. Товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқаришга ўтказиш қисми ўзгаради ва натижада K_{a+1} га айланади.

K_{a+1} нинг ўзгариши унинг бутун сонга айланишига олиб келади: давр бўйича i , бутун қиймати билан аниқланади ва координата j , т.е. $K_j = K(i, j)$ га айлантирилади.

Товар-моддий захиралардан тайёр маҳсулотга айланиши даври Δt деб белгиланади ва маълум вақтни ўз ичига қамрайди, унинг товар-моддий захираларга ўтиш даврида фақат маҳсулотга айланади ва ишлаб чиқариш муддати бир биридан узоқ бўлмайди.

$$S = \begin{matrix} K_1 \dots \\ K_{j-1} \\ K \\ K_{j+1} \\ \dots \\ K_m \end{matrix}$$

Кейинги босқичда K_i и K_{i+1} билан боғлиқ бўлиб, қайта матрица билан боғланган занжирнинг бўғинлари орқали товар-моддий захиралар ошишини кўрсаткичига эга бўлиб қўйидаги тенглама юзага келади.

$$K_{i+1} = P \cdot K_i, (6)$$

Бу ерда, K_{i+1} — олдинги ҳолати вектори;

K_i — жорий ҳолатининг вектори;

i - Дастлабки ҳисоблаш босқичи.

$$K_0 = \begin{matrix} 0 \\ 1 \\ 0 \\ 0 \end{matrix}$$

бу ерда $K_0 = 1$ ҳисобот йилининг бошида жами товар- моддий захираларнинг мавжудлигини англатади. Корхонада товар-моддий захираларнинг сақланиши билан боғлиқ.

Бошланғичдан матрицаси P қуйидагича баён этилади:

$$F = \begin{pmatrix} F_s & F_b & 0 & 0 & \dots \\ F_f & F_s & F_b & 0 & \dots \\ 0 & F_f & F_s & F_b & \dots \\ 0 & 0 & F_f & F_s & F_b & \dots \\ 0 & 0 & 0 & F_f & F_s & \dots \end{pmatrix}$$

Бу ерда, F_f , F_b и F_s — ўтиш давридаги Δt , товар-моддий захираларида, бирламчи ва келгусидаги натижани кўрсатади.


Марковнинг қонуни ³² бўйича математик жиҳатларини ва таҳлиллари бўйича товар-моддий захираларини молиявий бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган. Акциядорлик жамиятларига кирадиган маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён қуйидагиларни ўз ичига олади: хом ашё — ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот.

Товар-моддий захира ҳолатини доимий назорат қилишда, унинг буюртма ҳажми ва миқдорида асосланиб, янги товар-моддий захираларни узликсиз равишда етказиб берилишини таъминланиши керак. Товар-моддий захиралар ҳолатини доимий мониторинг қилишда, унинг буюртма ҳажми белгиланган тугаш нуқтасига етганида, товар-моддий захиранинг керакли миқдорида янги буюртма бериш лозим бўлади. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захиралар ҳажми энг кам харажатларни ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

Одатда корхоналарда товар-моддий захираларини бошқаришда барча харажатлар ҳисобга олинмайди. Улардан бири ушбу жараёнда иштирок этмаслиги ёки ҳисобга олинмаслиги мумкин. Сабаби, айрим ҳолатларда барча турдаги харажатларни ҳисобга олиш ҳаддан ташқари мураккаблашади.

³² Майзлиш А.В., Волынский В.Ю. Разработка одно номенклатурной модели управления запасами сырья и комплектующих изделий при изменяющемся спросе на готовую продукцию // Научно-технические ведомости СПбГПУ. Сер. Экономические науки. 2012. № 3. С. 170–176.

Ишимизда оддий моделлардан бирини кўрадиган бўлсак, акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқаришда барча ноаниқлик жараёнлари башорат қилинади. Омбордаги захиралар вақти-вақти билан бир хил маромда етказиб беришлар билан тўлдирилади. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқаришнинг асосий Уилсон модели мисолида товар-моддий захираларни бошқариш самарадорлигини ҳисоблаб чиқамиз.



Расм 9. Уилсон модели асосида товар-моддий захираларнинг ўзгариши³³

Корхоналарда ўзов муддатда кўп ҳажмда сақлаб туриши $Q K s * = 2 v$ (2) $L K Q s Q = \cdot + \cdot v 2$ га тенг бўлиши мумкин. Лекин акциядорлик жамиятлари учун товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқариш учун оптимал ҳажмини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Уилсон модели бўйича қисқа даврларда кам миқдорда товар-моддий захираларни етказиб беришда харажатлар сезиларли даражада бўлади. Товар-моддий захираларни омборга етказиб бериш маълум вақтни талаб қилади. Уларни етказиб бериш вақтини T_d билан белгилаймиз. Буюртма қилинган партия тўлиқ керакли даврда келиши учун буюртма олдиндан T_d белгиланган вақтда топширилиши керак. Қабул қилиш вақтида

³³ Уилсон модели асосида товар-моддий

товар-моддий захиралар ҳажми 0 га яъни $h_0: h_0 = vT_d$ (4) $\tau = Q v$ тенг бўлиши керак. Шунинг учун, буюртма беришда акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларнинг оптимал ҳажмига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш учун товар-моддий захираларни тўлдиришни тўғри ташкил этиш зарур. Моддий-техник таъминотнинг ҳар бир моддаси учун ушбу захиралар максимал қийматидан минималгача ўзгариши мумкин бўлган меъёрларда белгиланиши керак.

Товар-моддий захираларнинг максимал ставкаси санаб ўтилган барча таркибий қисмларни ўз ичига олади ва у кейинги материаллар партиясини олиш пайтидаги захираларнинг ҳолатини акс эттиради.

Минимал меъёрга жорий захиралар киритилмаган. Ушбу меъёр жорий товар-моддий захираларининг тўлиқ ишлатилганлиги ва етказиб беришнинг навбатдаги қисмини келиши кутилаётган даврдаги захираларнинг ҳолатини акс эттиради.


Товар-моддий захиралари сегментлари ҳар бир мустақил моддаси учун моддий-техник таъминот буюмларининг ҳақиқий мавжудлиги ишлаб чиқариш учун истеъмол қилинган кунларда ифодаланган максимал ва минимал меъёрлари билан таққосланади.

Корхоналарда товар-моддий захираларининг мавжудлигини баҳолаш учун материаллар қайси манзилдан етказилганлигини яъни унинг масофа, ташиш давомийлиги ва транспорт турлари, етказиб бериладиган маҳсулотнинг қиймати ва олиб келиш орасидаги интервал, корхона қандай суғурта захирасига эгаллиги кабиларни ўрганиш керак. Ушбу шартларнинг барчаси товар-моддий захиралар стандартларини ўрнатишда ҳисобга олинади. Нафақат барча ишлаб чиқариш захираларининг умумий стандартга мувофиқлигини, балки моддий активлар турлари бўйича захиралар тўғрисидаги маълумотларни ҳам таҳлил қилинади.

Қўйида товар-моддий захираларга талабни прогнозлаш бўйича замонавий модели қўллашни таклиф этамиз. Товарларни сотиш жараёнининг

турли товар-моддий захираларни баҳолаш мезонлари мавжуд. Иқтисодийнинг мутлақ ликвидлилик коэффиценти, маҳсулот харажатлари рентабеллиги, капиталнинг ўртача қийматидан фойдаланиш; статистик гуруҳлаш, абстракцион таҳлиллардан иборат.

Айланма маблағларнинг таркибидаги товар-моддий захираларнинг бир маромда айланиши уларнинг айланиши тезлигини оширади. Товар-моддий захиралар турли таркибдан ташкил этилган. Уни қўйидаги расмда кўриб ўтамиз.



Расм 11. Товар-моддий захираларни корреляцион таҳлил асосида гуруҳлаштириш³⁵

³⁵ Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Яъни расмда кўриниб турганидек, кореляцион таҳлил асосида товар-моддий сотиш, гуруҳлашга таъсир этувчи омиллари ўрганилган ва уларнинг ўз-аро боғлиқлиги аниқланган.

Бизнинг фикримизча товар-моддий захиралари харажатларни учта типга бўлинди; қўшимча харажатлар, тўғри моддий харажатлар ва тўғри меҳнат билан боғлиқ харажатлар.

Корхонага товар-моддий захираларни қабул қилиш жараёнида ишлаб чиқариш учун унинг зарурлигини аниқлашда технологлар иштирок этади. Уларнинг зиммасига корхона ишлаб чиқариши учун қанча захиралар ҳажми кераклигини аниқлаш ва улар бўйича қанча қолдиқ ёки ишлаб чиқаришга яроқсиз қисми тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаш юклатилади.

Шунингдек товар-моддий товарлар билан ишни олиб бориш одатда таъминот бўлими ходимлари ишлайди. Улар томонидан маҳсулотларнинг ўртача нархини башорат қилиш, қолаверса қийматида тебранишлар мавжуд бўладиган бўлса, қанча яроқсиз захиралар мавжуд, унинг нархи қанчани ташкил этади, уларнинг меъёрларини аниқлаб бориши амалга оширилиши лозим.

Корхона қайси тармоқ таркибига ишлашига қараб тармоқ бўйича унинг ҳисоби олиб борилади, чунки ушбу операциядан кўриладиган зарарлар ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Ишлаб чиқариш қоидаларига асосан маҳсулотлар ишлаб чиқилгандан сўнг иқтисодий кўрсаткичлар орқали таҳлил қилинади, корхонанинг бюджетига аниқлик киритиб борилади.

Корреляцион муносабатни тасвирловчи тўғри чизик боғланиш тенгламаси мавжуд бўлиб, тўғри чизикнинг ўзи эса регрессия чизиги ҳисобланиб, тўғри чизик тенгламасининг параметрлари муҳим элементлар тизимини ҳисобга олган ҳолда топилади.

$$\begin{cases} a_0 n + a_1 \sum x = \sum y \\ a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 = \sum xy \end{cases},$$

n – жамаи бирликлар сони.

Ушбу тенгламадан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларга эга бўламиз:

$$a_0 = \frac{\sum y \sum x^2 - \sum xy \sum x}{n \sum x^2 - \sum x \sum x} \quad (7)$$

$$a_1 = \frac{n \sum xy - \sum x \sum y}{n \sum x^2 - \sum x \sum x} \quad (8)$$

Чизиқли муносабатнинг яқинлигини ўлчаш учун чизиқли корреляция коэффициентлари деб аталувчи нисбий кўрсаткичдан фойдаланилади. r_{xy} . У қуйидагича ифодаланади;


$$r_{xy} = \frac{\sum xy - \frac{\sum x \sum y}{n}}{\sqrt{\left[\sum x^2 - \frac{(\sum x)^2}{n} \right] \left[\sum y^2 - \frac{(\sum y)^2}{n} \right]}} \quad (9)$$

Чизиқли корреляцион коэффициент r_{xy} ўзида x ва y ўртасидаги тўғри боғлиқликни ифодалаб -1 до $+1$ доирасидаги ўзгаришга эга бўлади.

Самарасиз транспорт харажатларини, бўш автомобил юришини бартараф этиш ва товар-моддий захиралар айланмасини тезлаштириш учун етказиб берувчилардан омбор орқали мижозларга товарлар ҳаракати логистикасини олиб борилади. Охириги йилларда тайёр бўлган маҳсулотларни ташиш учун транспорт харажатларини тежаш мақсадида тузилган логистик тизим орқали уларни етказиб беришини таъминлаш, шунингдек юкларни етказиб бериш масофавий бошқариб туриш тизими йўлга қўйилган.

Ички бозорда ўзини ижобий томондан исботлаган маҳаллий ишлаб чиқарувчилари билан тўғридан-тўғри алоқаларни тиклаш. Корхонада товар-моддий захираларини самарали молиявий бошқаришда роботлар ёрдамида автоматик тарзда бошқариш йўлга қўйилган бўлиб, хом-ашё ва материалларни махсус тайёрланган омборига етказиб беришдаги фавқулодда вазиятларга дарҳол жавоб бериш имконияти мавжуд.

Логистика хизматлари тугаганидан кейин омбор текширилгандан сўнг, захираларнинг қиймати аниқлангандан кейин логистик тизимидан фойдаланган харажатлар ҳам маҳсулотнинг тан нархига ўз таъсири кўрсатади. Буни биз кейинги расмда кўриб ўтаемиз.



Расм 12. Товар-моддий захираларга бўлган талабларни башорат қилиш³⁶

³⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Корхонада маркетинг бўлими товар-моддий захираларнинг шаклланиши ва бошқариши бўйича бозорлардаги талабларни, нархларни, хавфларни ва рақобат даражасини ва уларга таъсир қилувчи омилларни ўрганиб акциядорлик жамиятларига таҳлилий ахборотларни таҳлил қилади.

Агарда корхоналар янги турдаги хом ашёларга буюртма берган бўлса унинг стратегиясида янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш масаласи қўйилган бўлади. Бундай ҳолатда молиявий менежерлар оморда шаклланган ва сақланаётган захиралардан қутулиш йўлини кидиради. Анча вақтлардан бери сақланаётган хом ашёлар захирасини сотиб уларни айланма маблағларга айлантиради. Бу ҳолат эса ижобий баҳоланиб, корхонанинг молиявий ҳолатини юксалтиради. Бундай жараён корхонанинг эски бошқариш, эски маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва замонавий чора тadbирлар дастурларини қўллашга ундайди.

Акциядорлик жамиятларида замонавий логистика менежментини жорий этиш хом -ашёларни тартибли бошқариш, турли логистик усуллардан фойдаланиш ва уларнинг савдо операцияларининг жадаллашишига олиб келади. Қолаверса маҳсулотларни сифатли ва барча меъёрларини сақлаш тартибларига риоя қилган ҳолда истеъмолчиларига етказиш таъминланади. Шунингдек халқаро майдонларда ўз ўрнига эга корхоналар билан молиявий муносабатларнинг яхшиланишига олиб келади, товар-моддий захираларининг айланиш тезлиги таъминланади, натижада акциядорлик жамиятларида халқаро бозорларга чиқиш имконияти пайдо бўлади.

Бундай имкониятлар акциядорлик жамиятлари маҳсулотларининг турли туманлигига ва корхонанинг оладиган иқтисодий самаранинг ошиши ва дунёнинг турли жойларида корхона билан пул муносабатларини амалга оширадиган ҳамкорларнинг юзага келишини таъминлаб, корхонанинг активларининг ҳажмини ошишига ва унинг иқтисодий рентабеллигини таъминланишига олиб келади.

2.3. Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларнинг айланувчанлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Акциядорлик жамиятларининг замонавий бошқарув бўғинларида товар-моддий захиралари меъёрларини қонуний тартибга солиб бориш мақсадга мувофиқдир. Корхонанинг турли фаолиятига турли омилларнинг таъсири бўлганидек, товар-моддий захираларнинг шаклланишига ва ишлатилишига, шунинг унинг айланувчанлигига ҳам таъсир этувчи омиллар мавжуд. Унинг самарадорлигини оширишга қўйидаги омиллар таъсир этади;

-акциядорлик жамиятларига корхоналар молиясини шакллантириш ва уларни тўғри тақсимотини амалга оширадиган мутахассисларнинг мавжудлиги;

-ходимларнинг халқаро молиявий билимлар асосида бошқариш қобилиятига эга бўлиши ва таҳлилий усулларни амалга ошириш орқали тўғри молиявий қарорларни қабул қилиш ва халқаро майдонларда молиявий операцияларни олиб боришда солиқ ва солиққа тортиш, молиявий бошқарув ҳолатларини тўғри амалга оширадиган молиявий менежерларнинг мавжудлиги;

-акциядорлик жамиятларида ахборотларни таҳлил қиладиган, молиявий кўрсаткичларни тартибга солиб борадиган молиявий таҳлилчилар департаменти мавжуд бўлиб, улар ишлаб чиқаришда товар-моддий захираларнинг ҳажми, сифати, ҳисоб-китобини амалга ошириш бўйича тармоқ корхоналари учун бир хилдаги механизмни таклиф қилиши лозим.

Товар-моддий захираларга таъсир кўрсатадиган омиллар корхонанинг фаолиятига боғлиқ бўлган ички ва боғлиқ бўлмаган ташқи ҳолатлари билан белгиланади. компания фаолиятидан мустақил бўлган ички бўлинади.

Товар-моддий захираларнинг айланувчанлигига қўйидагилар таъсир қилиши мумкин:

- сотиб олинган транспорт воситаларига юклаш харажатлари, солиқлар ставкалари, божхона тўловлари;

-товар-моддий захираларини қайта ишлаш ва сотувга тайёрлаш, бир маромда ишлаб чиқариш харажатлари кириши мумкин.

Қўйидаги расмда товар айланмаси ва захиралар ҳажмига таъсир қилувчи асосий омиллар кўрсатилган.



Расм 13. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларнинг айланувчанлигини таъминловчи омилларни гуруҳлаш³⁷

Расмдан кўриб турганимиздек, ушбу омиллар таъсирини гуруҳлашнинг асосий мақсади шундан иборатки, товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқариш учун керакли бўлган ҳажмини аниқлаш ва уни шакллантиришга сарфланадиган харажатларни тизимлаштиришдан иборат. Шунингдек, товар-моддий захираларни сақлаш ва уларнинг қолдиқларини самарали бошқариш учун улар билан боғлиқ омилларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

³⁷ Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ушбу гуруҳлаш асосида товар-моддий захираларга негатив таъсир қиладиган омилларни аниқлаш ва корхона молиявий инқирозга юз тутмасдан олдин унинг олдини олиш чораларини кўриш ётади. Таъсир қилувчи омилларни олдиндан аниқлаш акциядорлик жамиятларига товар-моддий захираларнинг турлари, уларни олиб келиш масофаси, қандай шароитда олиб келиниши (музлатгич ёки бошқа ускуналардан фойдаланиш), манзили, суғурталаш ҳажмини тўғри режалаштириш имконини беради.

Қолаверса режалаштирилган товар-моддий захиралар ҳажмидан кам қабул қилиш ёки меъеридан ошиб кетиши ҳолатларини ҳам тартибга солиб боради. Товар-моддий захираларнинг ўртача қийматини билиш, ҳар бир даврда олиб келинадиган унинг ҳажмини, турларини автоматлаштириб қуйиш мақсадга мувофиқдир.

Товар-моддий захиралар керакли миқдорини аниқлашда қуйидаги мезонларга қаралади:

- кафолатланган ресурслар ёки бир маромда етказиб берилган товар-моддий захиралари, айирбошлаш ва мижозлар талаби ўзгаришлари туфайли юзага келганида;

- маҳсулотларни сотиш учун қабул қилиш, текшириш ва тайёрлаш вақти;

- товарларни сотишга тайёр маҳсулоти шаклида бўлиши.

Қуйидаги товар баланси формуласи билан ифодаланадиган ушбу қийматлар ўртасида муайян муносабатлар мавжудлигини қуйидаги формуладан кўришимиз мумкин.

$$TMZ_{\text{йб}} + M = TMZ_c + M_{\text{хч}} + TMZ_{\text{йо}}, \quad (10)$$

Бу ерда $TMZ_{\text{йб}}$ — товар-моддий захираларнинг молия йил бошидаги ҳажми; M — маҳсулотларнинг мавжудлиги; TMZ_c — товар-моддий захирасининг сотилиши; $M_{\text{хч}}$ — бошқа товарларнинг қайддан чиқиб кетиши яъни маҳсулотнинг қайтариллиши, ишлатилиш муддати ўтганлиги учун

ҳисобдан чиқарилиши ва ҳоказолар; $TMZ_{й\o}$ — молия йили тугашидаги товар-моддий захираларнинг миқдори.

Қуйидаги формула ёрдамида товар баланси кўрсаткичларининг товар-моддий захиралар айланишига ва унинг ривожланишига таъсирини аниқлаш мумкин. Товар-моддий захираларнинг айланиши ўзгаришига ҳисобот йили бошидаги товар-моддий захиралар ва товарларнинг сотилиши ижобий таъсир кўрсатади, ҳисобот йили охирида ортиқча товар-моддий захиралар ва бошқа маҳсулотларнинг кўпайиши эса салбий таъсир кўрсатади. Аввало айтиб ўтганимиздек, товар-моддий захираларни занжирли усули билан унинг айланмасига таъсир этувчи омилни аниқлаш имконияти мавжуд.

$$TMZ_c = TMZ_{й\o} + M - TMZ_{хч} - TMZ_{й\o}, \quad (11)$$

Товар айланмасининг ўзгаришига давр бошида товар-моддий захиралари ва маҳсулотлар сотилгани ижобий таъсир кўрсатади, молия йили охирида ортиқча товар-моддий захиралар ва бошқа мол-мулкларнинг кўпайиши салбий таъсир кўрсатади. Занжирни алмаштириш усули билан товар-моддий захиралари айланмаси ҳажмига у ёки бу омилнинг таъсирини ўлчаш мумкин бўлади.

Акциядорлик жамиятларининг йил бошига товар-моддий захираларини, маҳсулотларни сотиш ва уларни реализация қилинишини, маҳсулотларнинг ҳисобдан чиқарилишини ҳисоблаб олишимиз лозим.

Товар-моддий захираларининг акциядорлик жамиятлари товар айланишига йил бошидаги ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз.

$$\Delta TMZ_c (TMZ_{й\o}) = TMZ_{й\o}^1 + M - M_{ўд} - TMZ_{й\o} = \Delta TMZ_c (TMZ_{й\o}) - TMZ_c^0 \quad (12)$$

ушбу формула орқали товар-моддий захираларнинг кириб келишининг товар айланмасига таъсирини ўрганиш мумкин.

$$\Delta TMZ_c (M) = TMZ_{й\o} + M^1 + TMZ_{хч} + TMZ_{й\o} = \Delta TMZ_c (M) - \Delta TMZ_c (TMZ_{й\o}), \quad (13)$$

Биз товар ёки бошқаларнинг балансдан чиқиб кетишининг маҳсулот айланишига таъсирини аниқлаш учун фойдаланамиз.

$$TMZ_{йб} + M = TMZ_c + TMZ_{хч} + TMZ_{йо}, \quad (14)$$

Ишлаб чиқариш жараёни охирида товар-моддий захираларининг маҳсулот айланишига қай даражада таъсир этишини белгилайди.

$$\Delta TMZ_c(TMZ_{йб}) = TMZ_{йб}^1 + M^1 - M_{ич} - TMX_{йо} = \Delta TMZ_c(M_{ич}) - \Delta TMZ_c(M_{ич}), \quad (15)$$

Бу ерда $M_{ич}$ - ўтган даврда маҳсулотларнинг чиқарилиши.

Акциядорлик жамиятларининг жорий активларининг таркибидаги товар-моддий захиралари айланишига иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омилларнинг таъсирини қуйидагича аниқлаш мумкин.

$$\Delta M_{ўй} = \Delta M_{ўй}(TMZ_{йб}) \pm \Delta M_{ўй}(M_{ич}) \pm \Delta M_{ўй}(M_{ич}) \pm \Delta M_{ўй}(TMZ_{йо}) \quad (16)$$

Корхоналарда ходимлар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги ҳам маълум бир омилларга боғлиқ бўлади. Уларга;

- корхонада ишловчи ходимларнинг ўртача сони;

— ишчилар меҳнатининг қанча соат меҳнат қилиши ва ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлиги.

Занжирлаш ёки мутлақ фарқларни аниқлаш усули билан савдодаги ишчилари сонининг ўзгариши ва уларнинг меҳнат унумдорлиги товар айланмаси ҳажмига қандай таъсир қилганини ҳисоблаш мумкин.

$$T = N \times P \quad (17)$$

Бу ерда, T — маҳсулот айланиши, сум.; N — савдодаги ишчиларнинг ўртача сони; P — битта ишчига тўғри келадиган ўртача айланма ҳажми (маҳсулот). Ходимларнинг ўртача сони айланма ҳажми ва уларнинг ишлаб чиқариш унумдорлигига таъсирини аниқлаш учун занжир усулидан фойдаланамиз.

Масалан, корхонада ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги чакана савдо майдони ҳажмига ҳам боғлиқ бўлади. Ишчиларнинг самарадорлигининг

кўрсаткичи савдо объектининг майдани бўйича ҳисобланади. Корхона томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг сотилиши савдо объектларига бевосита боғлиқ бўлади ва улардан фойдаланиш имкониятининг ошиши билан ҳам ифодаланади. Савдо майдони билан боғлиқ самарадорликни қўйида келтирилган формула орқали аниқлаймиз.

$$M=C_m \times CM_{ma} \quad , \quad (18)$$

Бу ерда M — маҳсулот айланиши, сўм.;

C_m — m^2 савдо майдони;

CM_{ma} — на 1 m^2 савдо майдонидаги маҳсулот айланмаси.

II Боб бўйича хулоса

Акциядорлик жамиятларида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятли жиҳати улардаги активлар таркибида жорий активлар ва хусусан, товар моддий захираларга бўлган эҳтиёжга таъсир этади.

Акциядорлик жамиятларининг жорий активларини таркибида товар-моддий захиралар ҳам мавжуд бўлиб, уларни бошқариш учун самарали механизмини танлаш лозим бўлади. Ўз навбатида уларни таркибини мувозанатлаштириб бориш корхонанинг фойда олиш стратегиясига тўғри келади. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишда жорий активларнинг таркибини мувозанатлашган ҳолда шакллантириш тавсия этилади.

Акциядорлик жамиятларида жорий активларни бошқаришда барқарор тизим мавжуд бўлиб, ушбу тизим бўғинларида ҳам айрим ҳолатларда узилишлар сезилади. Акциядорлик жамиятларига хом ашёларни етказиб беришда логистик тизимлар орқали амалга оширилиб, одатда ушбу тизимдаги юк ташувчиларнинг фаолияти суғурталаб қўйилиши талаб қилинади. Юкларнинг етиб келишини суғурталаш буюртмачиларга молиявий хотиржамлик бағишлайди, чунки юк ташувчи компанияларнинг жавобгарлиги

ошади ва хом-ашёларни олиб ишлаб чиқарувчи акциядорлик жамиятларга тарқатиш жараёни тезлашади.

Амалиётда акциядорлик жамиятларда захиралар таркибини бошқаришнинг молиявий моделларни қўллаш орқали амалга оширилади. Корхоналарда товар-моддий захиралар бўйича мавжуд харажатларни йилдан-йилга камайтириб бориш лозим. Шунинг билан унинг қисқартириш меъёри 25-45% ни ташкил этиш лозим. Агарда корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бир хилдаги маҳсулот бўлса, унда харажатларни 30-50% га қисқартириш маъқул ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларида замонавий логистика менежментини жорий этиш хом -ашёларни тартибли бошқариш, турли логистик усуллардан фойдаланиш ва уларнинг савдо операцияларининг жадаллашишига олиб келади. Қолаверса маҳсулотларни сифатли ва барча меъёрларини сақлаш тартибларига риоя қилган ҳолда истъемолчиларига етказиш таъминланади. Шунингдек халқаро майдонларда ўз ўрнига эга корхоналар билан молиявий муносабатларнинг яхшиланишига олиб келади, товар-моддий захираларининг айланиш тезлиги таъминланади, натижада акциядорлик жамиятларида халқаро бозорларга чиқиш имконияти пайдо бўлади.

Корхоналарда товар-моддий захираларининг мавжудлигини баҳолаш учун материаллар қайси манзилдан етказилганлигини яъни унинг масофа, ташиш давомийлиги ва транспорт турлари, етказиб бериладиган маҳсулотнинг қиймати ва олиб келиш орасидаги интервал, корхона қандай суғурта захирасига эгалиги кабиларни ўрганиш керак.

Ишда товар-моддий захираларга талабларни прогнозлаш бўйича замонавий модели қўллашни таклиф этилган. Товарларни сотиш жараёнининг узлуксизлиги суғурта захирасининг мавжудлиги орқали таъминланади, ушбу захира турли хил йўқотишларнинг олдини олиш учун мўлжалланган. Бундан ташқари етказиб бериш орасидаги интерваллар доимий даврга эга эмас ва бу интерваллар орасида талабга нисбатан ҳам маълум тебранишлар юз беради.

Бундай захираларнинг шаклланиши истеъмолнинг узлуксизлиги ва етишмовчилигининг олдини олиш учун кафолат бўлади.

Товар-моддий захиралар керакли миқдорини аниқлашда қуйидаги мезонлари яъни, кафолатланган ресурслар ёки бир маромда етказиб берилган товар-моддий захиралари, айирбошлаш ва миждозлар талаби ўзгаришларига, маҳсулотларни сотиш учун қабул қилиш, текшириш ва тайёрлаш вақтига, товарларни сотишга тайёр маҳсулоти шакли муҳим ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларнинг айланувчанлигини таъминловчи омилларни гуруҳлаш амалга оширилган. Ушбу гуруҳлаш асосида товар-моддий захираларга негатив таъсир қиладиган омилларни аниқлаш ва корхона молиявий инқирозга юз тутмасдан олдин унинг олдини олиш чораларини кўриш ётади. Режалаштирилган товар-моддий захираларнинг тебраниши яъни ҳажмидан кам қабул қилиш ёки меъеридан ошиб кетиши ҳолатларини ҳам тартибга солиб боради. Товар-моддий захираларнинг ўртача қийматини билиш, ҳар бир даврда олиб келинадиган унинг ҳажмини, турларини автоматлаштириб қуйиш мақсадга мувофиқдир.

III-BOB. АКЦИЯДОРЛИК ЖАГМИЯТЛАРИ ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Товар-моддий захираларини молиявий бошқаришнинг хорижий тажрибаси

Товар-моддий захираларнинг таркибида ўзгариши акциядорлик жамиятлари молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки пул маблағларини ишлаб чиқариш жараёнидан бўшатади ва охир оқибатда, жамиятлари молиявий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади.

Даромад қанчалик юқори ва жорий активларнинг ўртача қиймати қанчалик паст бўлса, жорий активлар учун умумий айланма коэффициенти шунчалик юқори бўлади. Товар-моддий захираларнинг айланиш даврининг ўзгариши бир кунни ташкил этса, уни бир кунлик таннархига кўпайтирганда, иқтисодий самарани пул кўринишидаги ҳолатини ҳисоблаш мумкин. Акциядорлик жамиятида муайян суммани муомаладан озод қилиш орқали тежаш имконияти яратилади. Шунингдек, товар-моддий захиралари айланмаси нисбати бевосита савдо ҳажмига таъсир этади. Савдо ҳажми қанча кўп бўлса, товар айланмаси нисбати шунча юқори бўлади ва товар-моддий захиралар айланиш жадаллашади, нақд пуллар муомаладан чиқарилади ва корхона фойдаси даражаси ошади.

Маҳсулотларини сотиш бўйича талаб юқори бўлган маҳсулотларнинг доимий мавжудлиги туфайли мижозларнинг эҳтиёжларини янада тўлиқ қондириш имконияти юзага келади. Бу, биринчи навбатда, талаб юқори бўлган товарларнинг танқислиги туфайли мавжуд эҳтиёжни таъминлаш ҳолатларини учратишимиз мумкин. Ўртача ҳисоб-китобларга кўра, акциядорлик жамияти маҳсулотлари сотувда қолмаганлиги сабабли унинг фойда ҳажми камаяди. Натижада, йилига соф фойда ошиши мумкин эди, лекин тақлиф мавжуд товарнинг тайер эмаслиги ҳолатлари бунга салбий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, акциядорлик жамиятининг мижозлар олдидаги имижига бевосита таъсир қилади. Эҳтиёжни иложи борича қондира оладиган

акциядорлик жамиятлари керакли материалларни ўз вақтида сотиб олишнинг иложи бўлмаган корхонага қараганда анча жозибали кўринади. Маҳсулотларнинг вақтида ишлаб чиқарилишининг ижобий томони шундан иборатки акциядорлик жамиятлари томонидан амалга оширилаётган сиёсат эвазига ҳам, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хилма-хиллиги ҳам истъемолчиларга тақдим этилаётган товарлар ва хизматлар улар маъқул келишди. Ҳар бир акциядорлик жамиятнинг фаолияти мижозларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Истъемолчи талабларини қондириш қанчалик юқори бўлса, товарларни сотиш харажатлари шунчалик юқори бўлади. Бинобарин, соф фойда ўсиб боради ва ўз навбатида товар-моддий захиралар айланмаси тезлашади ва товарлар эса акциядорлик жамиятлари омборларида сақланмайди.

Товар-моддий захираларни оқилона ва самарали бошқариш акциядорлик жамиятларига ўз молиявий натижаларини яхшилаш учун имконият ҳисобланади, бу корxonанинг ишончли ривожланиш йўлини бораётганлигидан далолат беради ва акциядорлик жамиятини инвесторлар учун жозибадорлигини оширади ва унинг бозордаги рақобатбардошлигини таъминлайди.

Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларининг якуний натижалари молия бўлимида аниқланади ва товар-моддий захиралари ҳажми ва у бўйича натижаларини кузатилади. Ушбу жараён маълум бир муддат ичида амалга оширилиши керак, ушбу муддат давомида ҳар бир товар ва контейнерлар учун ҳужжатлар, нархлар, маҳсулот миқдори ва умумий суммалари текширилади. Бунинг учун логистика ва молия бўлимлари маълумотлари бўйича товарлар ва маҳсулотларнинг ҳақиқий мавжудлиги билан таққосланади. Номувофикликлар аниқланган ҳолатда товар-моддий захиралари бўйича таққослаш баённомаси тузилади. Ушбу баённомада маҳсулот номи, номенклатура рақами, миқдори ва таннархи, товарларнинг тақчиллиги ёки ортиқчалиги кўрсатилади. Товар-моддий захиралари нинг

аниқланган камчиликлари ва бошқа ҳолатлари бўйича моддий жавобгар шахс тушунтиришлар беради.

Товар-моддий захиралари бўйича ҳар бир контейнер тури учун ҳисоблаш алоҳида оборилади. Акциядорлик жамиятлари молиявий менежер моддий жавобгар шахсларни баённомадаги йиғмажилдлар варақаси билан таништириш ўтади. Моддий жавобгар шахсларнинг баённомалари ва тушунтиришлари кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун доимий комиссиясига топширилади. Комиссия етишмовчиликни бартараф этиш усулини, товар-моддий захираларни қайта саралашда белгиланган миқдордан ошганлигини қайд этиб фарқларни ҳисобдан чиқариш ва табиий йўқотишларни аниқланади. Моддий жавобгар шахслар корхона раҳбариятига ва акциядорларга товар-моддий захираларни бошқариш тўғрисида батафсил тушунтиришлар беришади. Маҳсулотларни етказиб бериш бўйича якуний қарор акциядорлик жамиятлари раҳбари томонидан қабул қилинади. Агар ортиқча қайта ҳисоблашдан кейин шаклланган бўлса, унда улар ҳисобга олинади ва агар етишмаётган товарларнинг қиймати ортиқча қийматдан юқори бўлса, ундаги фарқлар миқдори айбдор шахслар ҳисобидан қопланади.

Бугунги кунда акциядорлик жамиятларида товар-моддий захиралар айланишида бир қанча муаммолар вужудга келган. Уларнинг айланмасини тезлаштириш бўйича қўйидаги чора-тадбирларни қўллаш лозим бўлади:

-иш жойларини автоматлаштириш: технолог, ишлаб чиқариш менежери, омборчи, турли бухгалтерия йўналишлари бўйича молия менежер фаолиятини назорат қилиш;

-акциядорлик жамиятларида республикада қабул қилинган умумий ҳисоботларни тайёрлаш тартибига бўйсунган ҳолда молиявий ҳисобот юритилади. Ушбу ҳисоботлар давлат органларига ҳар чорак, ярим йилда ва молия йили тугагандан сўнг тақдим этилади. Акциядорлик жамиятларининг ахборот базасидан бошқарув органлари, инвесторлар, акциядорлар ва бошқаларнинг фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;

-чет эл валютасида ва миллий пул бирликларда хўжалик операциялари ҳисобини юритиш, қўшимча харажатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ;

-молиявий ҳужжатларни ва солиқ тўловлари учун товар-моддий захираларни назорат қилиш;

- товар-моддий захиралар ҳолати ва унинг миқдорини доимий назорат қилиш лозим.

Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларидан оқилона фойдаланиш маҳсулот рентабеллигининг асосий манбаи ҳисобланиб sanoat корхоналарида харажатлар ыйматини аниқлашнинг асосини ташкил этади.

Шунинг учун товар-моддий захираларидан фойдаланиш даражасига акциядорлик жамиятлари раҳбарияти, унинг барча бўлинмаларида доимий эътибор қаратиш керак. Товар-моддий захиралардан фойдаланишни ҳисобга олиш корхонанинг бўлинмаларида ахборот таъминотининг масалаларидан бири ҳисобланади. Бу моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бугунги кунда корхона рентабеллиги ошишининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш самарасини ишлаб чиқариш харажатлар ёки ресурслар билан таққослаш орқали корхонанинг молиявий натижасини аниқлаш мумкин. Мамлакатдаги иқтисодий вазият ва корхоналарнинг тегишли бизнес шароитлари унинг активлари айланмасига кам таъсир кўрсатмайди. Мамлакатимизда кечаётган инфляциян жараёнлар, акциядорлик жамиятларида таъминотчилар ва харидорлар билан ўрнатилган алоқаларнинг сустиги товар-моддий захираларнинг мажбурий тўпланишига олиб келади, бу эса маблағларнинг айланиш жараёнини сезиларли даражада секинлаштиради.

Товар-моддий ресурслар билан таъминлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади:

-моддий ресурслар ва ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш бўйича статистик маълумотлар, товар-моддий захиралар бўйича

унинг меъёрдан ошиши ёки унинг қолдиғи бўйича аналитик ҳисоб маълумотларини амалга ошириш лозим;

-акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқариш режаларини амалга ошириш бўйича даврий графикларни шакллантириш, маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини қидириш, маҳсулот рентабелликни ошириш нуқтаи назардан сифатли хом ашё ва материалларидан фойдаланган ҳолда мижозларга ўз вақтида маҳсулот етказиб беришни таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Товар-моддий захираларни тўғри шакллантириш лозим, сабаби улардан оқилона фойдаланиш корхона рентабеллигининг асосий манбаи ҳисобланади. Товар-моддий захиралар ҳисобини тўғри ва оқилона шакллантириш учун қуйидагилар зарур:

- товар-моддий захираларни бошқаришнинг аниқ механизмини ташкил этиш ва уларни рўйхатга олиш ва ҳисобдан чиқариш бўйича операциялар тартибини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

- мунтазам товар-моддий захиралар таркиби, ҳажми устидан назорат ўтказиш;

- товар-моддий захираларни бошқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш;


Бироқ, моддий оқимлардан фарқли ўлароқ, товар-моддий захиралар ўзининг тузилиши ва даражасига қараб оқимига таъсир қилувчи омилларнинг хилма-хиллигига бўйича доимий равишда ўзгариб туради. Шунинг учун биз уйлаймизки, товар оқимларини оқилона бошқариш логистика тизимидаги муҳим қуйи тизимлардан бири ҳисобланади, шунингдек товар-моддий захиралар ҳажмини, уларнинг айланиш тезлигига таъсир этади ва акциядорлик жамиятлари молиявий натижаларига ижобий таъсир кўрсатиши орқали, унинг молиявий барқарорлигини таъминлайди.

Захиралар логистикаси ҳам бир акциядорлик жамиятнинг, умуман иқтисодийнинг логистика тизимида асосий ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини керакли миқдордаги ва маълум

сифатли захиралар билан таъминлашнинг ягона ва узлуксиз жараёнини таъминлаш корхоналар ва умумий иқтисодиётининг самарали ишлашининг муҳим кафолати ҳисобланади. Буни қуйидаги келтирилган расмда кўришимиз мумкин.

Логистиканинг ривожланиши акциядорлик жамиятларнинг бозор шароитларига тезкор реакцияси зарурати билан рағбатлантирилади, ўзгарувчан вазиятларга қисқа вақт ичида мослашиши лозим бўлади. Юк ташиш пайтида умумий вазият ҳам ўзгариши мумкин, бу ташилаётган юкнинг сифати ёки шартномада кўрсатилган етказиб бериш шартлари бўйича амалга оширилади. Шунинг учун логистика ёндашувларини қўллашда турли хил хатарни олдини олиш чоралари ишлаб чиқилади, улар мумкин бўлган муваффақиятсизлик ҳолатларини ҳисобга олиш талаб этилади. Улар олдиндан ёки ташиш жараёнининг бевосита ижрочисига ёки ушбу жараёнини бошқарувчиси жавобгар бўлган диспетчерга хабар қилиниши керак.

Товарларни ишлаб чиқарувчи ва унинг истеъмолчиси ўртасидаги муносабатлар турли транспорт тизими орқали ўрнатилади, у юк эгаларининг барча шартларини бажариши керак, шу билан бирга харажатлар муддатларни ҳисобга олган ҳолда минималлаштиради.



Расм 14. Акциядорлик жамиятлари логистика тизимида захираларни молиявий бошқариш механизми³⁸

Юқоридаги расмда тасвирланганидек, акциядорлик жамиятлари логистика тизимида захираларни молиявий бошқариш механизми жорий этиш орқали акциядорлик жамиятларига хом ашёларни етказиб беришда транспорт тизими умумий мақсаднинг бирлиги билан моддий оқимлар ва ахборот алмашинуви ёрдамида техник, технологик, ҳудудий, ташкилий ва бошқарув хусусиятлари билан боғланган элементлар тўпламидан фойдаланиш тавсия этилади. Товар-моддий захираларни бошқаришга Японча ёндашув бу ишлаб чиқаришни ўз вақтида амалга оширишдир. Материаллар, эҳтиёт қисмлар ва маҳсулотлар аниқ зарур бўлган пайтда олиб келинади. Японияда қўлланиладиган товар-моддий захираларни бошқариш усуллари моддий эҳтиёжларни режалаштириш усулидан бир оз фарқ қилса-да, бу ҳолда қўзланган мақсадлар асосан бир хил бўлиб қолади. Моддий эҳтиёжларни режалаштиришнинг Америка тизими кўп жиҳатдан классик Япон тизимларидан устундир.

Кўпгина акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш хорижий стандартлар, назариялар ва принциплар ва усулларга мувофиқ амалга оширила бошлади, аммо товар-моддий захираларни бошқариш сиёсати биринчи навбатда истеъмолчига, уларнинг афзалликларига, сотиб олиш қобилиятига, шунингдек мамлакатдаги иқтисодий вазиятга қаратилиши керак.

Биринчидан, улар америкаликларга нисбатан моддий-техник захираларни минималлаштиришда қатъий сиёсат олиб боради. Иккинчидан, улар ушбу тизимлардан янада муваффақиятли ва самарали фойдаланиш мақсадида товар-моддий захираларни бошқариш тизимларини бизнес стратегияси билан бирлаштирди, сифат менежменти ва автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни бошқариш тизимларини жорий этди.

Японияда 50-йилларда «Toyota» автомобил заводларида "канбан" тамойилига асосланган бўлиб ишлаб чиқаришни бошқаришда узоқ вақтдан бери қўлланилиб келинмоқда. Ушбу концепция 80-йилларнинг бошидан бери

Германияда ҳам қўлланила бошланди. Бу қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади;

1. Акциядорлик жамиятларида транспорт бўғинидаги логистик тизимдан фойдаланган ҳолда маҳсулотларни манзилдан олиш ва уларни белгиланган жойга етказишни таъминлайди. Акциядорлик жамиятлари ўзи белгилаган тузилма орқали бошқарилади. Ушбу корхоналарда давлат улуши мавжуд бўлса, давлат ўз йўлаклари орқали етказиб беради яъни бу темир ва автомобиль йўллари бўлиши мумкин. Етказилиб берилаётган хом ашёлар билан бир қаторда унинг кимга тегишли эканлигини, қайси манзилга оборилишини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлари бўлиши шарт. Хом-ашёлар етказиб берилгандан сўнг ҳужжатлар расмийлаштирилади.

2. Акциядорлик жамиятларининг ишлаб чиқариши учун зарур бўлган хом-ашёларни етказиб бериш олдиндан маълум бўлган объектдан бошланади, юкларни жўнатиш ва манзилга етказиш турли хил шартлар асосида амалга оширилади. Транспорт оқимлари турлари ҳам турли хил бўлиши мумкин. Одатда хом-ашёларни жўнатиш ва уларни манзилига етказиш автоматик тизимлардан фойдаланилган ҳолда бошқарилади.

3. Японияда акциядорлик компаниялари хом-ашёлари ёки тайёр маҳсулотларини етказиш халқаро стандартлар асосида жиҳозланган вагонлар билан ташилади. Вагонларни ҳаракати 2 томонлама тақдим этилган йўллар харитаси орқали кузатиб борилади. Ҳар бир тўхтов жойида материаллар вазни текширилади ва кейинги манзилга йўл олади. Шу хариталар орқали хом-ашё ёки тайер маҳсулотларни сотувгача бўлган ҳолати назорат қилиниб борилади. Ҳозирда Япония мамлакатада ушбу логистик тизимда бир нечта ходим назоратни олиб боради. Ҳар бир ходимларга ишлаб чиқариш корхоналарига ўзига тегишли вазифалари бўйича мажбуриятни бажариб боради ва уни буюртмачиларга ҳисобот шаклида етказиб туради.

Россиядаги замонавий иқтисодий шароитда корхоналар молиявий фаолиятининг асосий муаммоларидан бири бу нархнинг ўсиши ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган моддий ресурслар нархининг

сезиларли ўсиши салбий таъсир қилади корхонанинг фаолияти, ишлаб чиқариш жараёнининг ёпилишига қадар таъминотнинг узилишига олиб келади. Акциядорлик жамиятларини маҳсулот ишлаб чиқариши учун керакли хом-ашёларнинг нархи қизиқтиради. Нархларнинг юқори бўлиши корхона иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатади. Уларнинг одатда харид қилинадиган нархидан ошиб кетиши эса компанияларда ишлаб чиқаришнинг узилишига сабаб бўлиги эҳтимоли ҳам бор. Айрим ҳолатда эса бунга макро даражадаги омиллар таъсири ҳам кузатилади.

Акциядорлик жамиятларининг ишлаб чиқариш ва захираларини бошқаришда баъзида ўнлаб қарорлар қабул қилиш лозим бўлади. Шу билан бирга, захираларнинг турли хил элементлари ҳар хил эътиборга лойиқдир. Ишлаб чиқариш фаолиятининг маълум бир натижасига ҳисса қўшиш нуқтаи назаридан улар даражаси бир бирига тенг эмас.

Юқоридагиларни хулоса қилиб шуни таъкидлаймизки, Европа ва Россия корхоналарида бундай тизимлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, агарда инфляцион ва макроиқтисодий нобарқарлик мавжуд бўлса бундан усуллардан фойдаланиш самара олиб келмаслиги мумкин.

Масалан Россия корхоналарида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган товар-моддий захираларни бошқариш тизимларини янгидан яратиш зарурлигини англатади.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларнинг тебранишлари корхона фаолиятида содир бўлаётган ишлаб чиқариш жараёнига, инвестицион фаоллигига, молиявий бозорлардаги иштирокига ҳам бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Корхоналарда хом-ашёларнинг тебранишлари юзага келганида уларда доимо альтернатив вариантнинг мавжудлиги ижобий ҳолат ҳисобланиб, муаммони тез орада бартараф этишга ёрдам беради. Лекин ушбу молиявий қарорларни қабул қилиш учун инвестиция бозорида иштирокини доимий жадаллаштириб бориш тавсия этилади, ушбу ҳолатларда акциядорлик компанияларга қўшимча молиявий ресурсларга эҳтиёж сезилади ва корхона

ушбу манбалардан яъни инвестиция бозорининг иштирокчилари молиявий ресурслардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади.

Корхонада захираларни сақлаш ва унинг тезкор айланмасини таъминлаш унинг асосий мақсадларидан бири бўлиб, уни жадаллаштириш бўйича корхонанинг ҳар бир бўлими фаол қатнашиши шарт. Агарда корхоналарда логистик тизими ёрдамида товар-моддий захираларни олиб келиш ва тақсимлаш амалга оширилса, бу ҳаракатлар унинг молиявий барқарор бўлишига олиб келади.

Ушбу тизимдан фойдаланиш учун корхоналарда барча инфратузилма объектлари бўлиши шарт ҳисобланади. Чунки мижозлар товар ишлаб чиқарилгандан сўнг ҳам ундан фойдаланиш хизматлари талаб даражасида бўлиши керак. Бу эса, корхонанинг ликвидлилигини таъминлашга таъсир этади.

Акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолатини барқарорлаштиришда корхонанинг барча фаолияти ҳисобга олинади. Барча фаолият турлари бўйича молиявий кўрсаткичлари ижобий бўлса, корхонанинг иқтисодий самарадорлиги таъминланади.


Қўйидаги молиявий барқарорлигини таъминловчи кўрсаткичлари акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини тасдиқлайди;

- корхонанинг молиявий мустақиллиги;
- корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши;
- корхонанинг ликвидлилик коэффициенти;
- мижозлар сони;
- корхоналарнинг бозордаги ўрни;
- корхонанинг рақобатбардошлик кўрсаткичлари.

Ушбу кўрсаткичлардан ташқари мамлакатдаги иқтисодий ҳолат ҳам корхоналар фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Унинг учун мамлакат миқёсида инфляцияни самарали бошқариш, солиқ сиёсатини тўлақонли амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Қўйидаги расмда корхона барқарорлиги кўрсаткичларини

тизимлаштириб ўтишга муваффақ бўлдик. Унга кўра, акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқариш фаолияти, инвестицион жозибадорлик, кредит лаёқатлилиги, корхонанинг бозор қиймати ва унинг йилдан-йилга ошириш, корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича бозордаги салоҳияти, корхона ходимларининг салоҳияти, меҳнат самарадорлигини, корхонанинг бозордаги мавқе кабилардир.



Расм 15. Акциядорлик жамиятлари кўрсаткичларининг гуруҳланиши³⁹

Акциядорлик жамиятлари молиявий барқарорлигини таъминлашда корхоналарга жалб қилинган молиявий ресурсларнинг ишлаб чиқариш учун етарлилик даражаси, жалб этиш қилинган капиталнинг ўртача нархлари, корхонада ресурсларнинг мақсадли ишлатилиши муҳим аҳамият касб этади. Молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг таркибидаги ликвидлилик коэффициенти корхонанинг жорий йилдаги, кварталлар бўйича кредиторлар, бюджет олдидаги мажбуриятларини бажаришга қодирлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичлар белгиланган меъёрларда бўлса корхонанинг инвесторлари унга узоқ муддатли кредит ва инвестицион маблағларни тақдим этиш эҳтимоли юқори ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида корхона ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига, ўз фаолиятини кенгайтириш имкониятларини беради.

³⁹ Муаллиф томонидан тузилган

Юқорида келтирилган молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таркибидаги товар-моддий захираларининг айланиши кўрсаткичи акциядорлар учун муҳим бўлиб, унинг айланиш тезлиги корхоналарнинг ички ва ташқи имкониятларининг ошишига олиб келади. Чунончи, жорий активларнинг таркибидаги товар-моддий захираларни етказиб беришдаги ёки ишлаб чиқаришда фойдаланишдаги муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадга мувофиқдир.

Товар-моддий захиралар айланишини тезлаштириш корхона учун молиявий барқарорлик олиб келади ва корхонанинг бошқа субъектлар билан молиявий муносабатларнинг яхшиланишини таъминлайди. Корхоналарда товар-моддий захираларнинг ҳаракатсиз қолмаслигини назоратга олиш лозим, чунки жорий активларнинг ҳар қандай элементи ишламаса яъни даромад олиб келмаса бу ўз навбатида корхонанинг самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни иккита гуруҳга бўлиб ўрганиш тавсия этилади: биринчиси узоқ муддат ишлатиладиган иккинчиси қисқа муддатда ишлатиладиган захиралардир. Одатда узоқ муддатда ишлатиладиган захиралар ишлаб чиқариш захиралари ҳисобланади.

Узоқ давр ишлатиладиган захираларнинг муддати 3 йилдан ошиқни ташкил этади. Ушбу захираларнинг нархи юқори бўлиб аксарият ҳолларда ўз истъеъмолчиларини узоқ вақт кутади. Агарда узоқ муддатда ишлатиладиган товар-моддий захиралар корхоналарда сақланса бу ҳам корхонанинг йирик маблағларини захираларда ушлаб туриши унинг ижобий шароитга эга эканлигини яъни молиявий барқарорлигини англатади. Ушбу кўрсаткичлар акциядорлар ва инвесторлар учун муҳим саналади. Хорижий мамлакатлар компаниялари товар-моддий захираларни молиявий бошқариш бўйича чоратадбирларни амалга оширишни тезкор амалга оширишда қўйидагиларга эътибор қаратади;

- Компаниялар бошқа турдаги маҳсулотларни кичик миқдорда ишлаб чиқаришга тезда мослашуви;

- Товар-моддий захиралар билан боғлиқ харажатларни назорат қилиш тартиби;
- Истъемолчи бозоридаги сотув дўконлари, ҳамкорлари, мол етказиб берувчилари билан товар-моддий захиралари мавжудлиги ёки уни харид қилиш лозимлиги бўйича ахборотлар билан таъминланишини амалга ошириш;
- Товар-моддий захиралари ҳажмининг ортиқчалиги ёки камайишини аниқлаш усуллариغا эга бўлиши.



Расм 16. Товар-моддий захираларни молиявий бошқаришнинг замонавий модели ⁴⁰

⁴⁰ Муаллиф томонидан шакллантирилди.

Шунингдек, хорижий компанияларнинг ижобий томонлари кўйидагилардан иборат;

-молиявий менежерлар томонидан товар-моддий захираларининг ҳажми бўйича ҳисоб-китоблар олиб борилади;

-захираларни ташувчи мол етказиб берувчилар билан доимий алоқада бўлиши кузатилади;

-улгуржи дўконлар билан захираларни етказиб бериш бўйича унинг ҳажми ва нархи юзасидан музокараларни доимий равишда йўлга қўйилади.

Юқоридаги хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида биз Ўзбекистонда ҳам товар-моддий захираларни молиявий бошқаришнинг қўйидаги замонавий моделини таклиф этамиз.

16-расмда кўрсатилганидек, товар-моддий захираларни бошқаришда нафақат унинг молиявий шартлари мавжуд бўлади, захираларнинг техник томонларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Чунки техник томондан зарар етказилган хом ашёлар нархи ҳам пасайиши мумкин.

Товар-моддий захираларни қабул қилишнинг ҳам иккита жиҳати мавжуд: биринчиси хом-ашёнинг ҳажми, сифати ва етказиб бериш шартларининг бажарилиши; иккинчиси хом ашёнинг сақлаш бўйича кўрсатмалар асосида етказиб берилиши муҳим. Бу қоидалар хом-ашёларни қабул қилиш ва жўнатиш вақтида назоратга олинади. Одатда маҳсулотларнинг автомобил транспорт ёки темир йўл орқали етказиш ҳисоб-фактуралари бўлиши шарт. Ушбу молиявий ҳужжатларда хом-ашёнинг ҳажми, мол етказиб берувчиларга топширганлиги, уларнинг натурал қиймати, хом-ашёнинг қисқача хусусиятлари, солиқларнинг ҳисобга олиниши кўрсатилади. Ушбу молиявий ҳужжатларда жавобгар шахсларнинг имзоси ва корхонанинг мулкчилик шакли кўрсатилган муҳрлари бўлиши шарт.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқаришда еки уларни оптималлаштиришда турли хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Яъни товар-моддий захираларнинг бугунги кундаги

ишлаб чиқариш учун зарурлиги ва унинг ҳажми муҳим ҳисобланиб, уларнинг ҳолатини ўрганишда ёрдам беради

Товар-моддий захираларни молиявий бошқариш тизимида қўйидагиларга эътибор бериш лозим;

-корхонада товар-моддий захираларни сақлашнинг минимум ҳажмини белгилаб қўйиш керак;

-товар-моддий захираларни харид қилишда унинг оптимал ҳажмини аниқлаб қўйиш тавсия этилади;

- товар-моддий захираларни харид қилиш даврини аниқлаш;

- товар-моддий захиралар харидини амалга оширишда турли хил вариантларнинг мавжудлиги бўлиши лозим.

Акциядорлик жамиятларининг узликсиз фаолият олиб бориши учун ушбу мезонларга риоя қилиш унинг самарали фаолият кўрсатишига олиб келади.

Агарда товар-моддий захиралар тартибсиз, белгиланган чегарала асосида бошқарилмаса корхонанинг молиявий ҳолатининг ёмонлашувига олиб келади. Ўз- ўзидан ишлаб чиқариш салоҳияти пасаяди, даромадлилик камаяди ва сотувда бир қанча муаммолар юзага келади. Товар-моддий захираларнинг меъёридан кўпайиши корхонада яъни ишлаб чиқаришда жараёнида, тайёр маҳсулотларни сақлашда харажатларининг ошишига олиб келади. Ушбу жиҳатларнинг мувозанатини сақлаш корхонанинг иқтисодий самарадорлигини таъминлайди.

Корхоналар юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида нархи арзон хом ашё ва сифатли материаллардан фойдаланиш керак. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини кузатиб бориш ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида амалга оширилади

Товарлар ва материалларни сотиб олиш жараёни корхоналар ишлаб чиқаришида кўпинча енг муаммоли босқич бўлиб қолмоқда. Корхонани товар-моддий ресурслар билан таъминлаш, уларни ҳажмини камайтириш мақсадида товарлар ва материалларни сақлаш харажатлари ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Одатда, акциядорлик жамиятларида товарлар ва материалларни сотиб олиш босқичлари кетма-кет амалга оширилади. Лекин уларнинг элементларини харид қилишда турли хил муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун материалларни етказиб беришда доимий янги усулларни излаш керак бўлади.

Товар-моддий захираларни молиявий бошқаришда хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида хулоса қилиш жоизки, биринчидан келажакда ишлаб чиқариладиган маҳсулотга талаблар даражасини тўғри аниқлаш мақсадга мувофиқ; иккинчидан молиявий муносабатларни амалга оширадиган ҳамкорлар билан олди-сотди, хом ашёларни етказиб бериш масалаларини олдиндан режалаштириш керак. Хом ашёларни олиб келиш ва маҳсулот сифатида етказиб бериш инфратузилма харажатларини тўғри режалаштириш молиявий менежерлар ва бошқа бошқарув органлари алоҳида эътибор қаратиш керак.

3.2. Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларни молиявий бошқариш самарадорлигини ошириш

Акциядорлик жамиятларида замонавий бозор муносабатлари амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, шиддат билан ривожланиб бораётган рақобат, ишлаб чиқаришдаги технологик ўзгаришлар, корхоналарнинг иқтисодий ахборотларини қайта ишлашни компютер тизими орқали амалга ошириш, солиқ қонунчилигидаги доимий янгиликлар, давом этаётган инфляция ҳолатида фоиз ставкалари ва валюта курсларининг ўзгариши каби омилларнинг таъсири юқори бўлади.

Акциядорлик жамиятларининг замонавий стратегия ва тактикаси келгусида "барқарорлик" учун ўз фаолиятни оқилона ташкил этиш, молиявий ресурсларни шакллантириш ва бошқариш самарадорлигини ошириш, жамиятнинг барқарор молиявий ҳолатини таъминлайдиган иқтисодий кўрсаткичларини режалаштириш муҳим ҳисобланади.

Аксарият акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқаришда тизимли ёндашув мавжуд эмас. Яъни реал ҳолатда бошқарув тизимини йўлга қўйишдан олди расмиятчилик, юқоридан буйруқни кутиш ҳолатлари товар-моддий захиралар бўйича харажатларнинг кўпайишига олиб келади ва белгиланган чегарадан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Товар-моддий захираларнинг сақлаш қоидаларини, уларни режалаштириш асосида бошқарувни амалга оширишни, ҳақиқатдан шундай билимларга эга бўлган мутахассислардан воз кечиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Шунинг учун хом-ашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотлар ўртасидаги мувозанатлар бузилишига йўл қўйилмоқда. Аксарият ҳолатларда шу жамоанинг бошқарилиши нотўғри бўлганлиги сабабли ишлаб чиқариш жараёнлари суст кетмоқда. Товар-моддий захираларнинг белгиланган стандартларга жавоб бермаслиги, сақлаш, ташиш қоидалари бузилишлари кабилар ва уларнинг харажатлари ошиши таъсири остида маҳсулотлар таннархи ҳам юқори бўлмоқда.

Кўпчилик корхоналарда логистик тизимлари билан боғланиш улар билан бирга фаолият олиб бориш бўйича тажриба мавжуд эмас. Ушбу тизимнинг тартиблари, кўрсатмалари ва бошқа шароитларидан акциядорлик жамиятлари беҳабар. Улар ўртасида ўз-ара боғлиқликлар мавжуд эмас. Лекин бугунда корхоналар жаҳон бозорлари чиқиши мамлакатимиз Президенти томонидан талаб қилинмоқда. Улар ўз фаолиятини диверсификация қиш даври келганлиги ҳақида бонг ўрилмоқда. Ҳаммамизга сир эмаски аксарият акциядорлик жамиятларида асосий воситаларнинг аҳволи яхши даражада эмас ва уларни модернизациялаш ишлаб чиқариш фаолиятидан олаётган даромадлари етмайди. Молиявий менежерлар бошқарув органларида буйруқбозлик асосида фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимларга товар-моддий захираларни бошқаришда инновацион усуллардан фойдаланиш вақти келганларини тушунтириш лозим бўлади.

Агарда хом ашёларни етказиб беришда, уларнинг тақсимооти тўғри амалга оширишда интеграцияни яхши йўлга қўйиш орқали амалга оширилса,

корхоналарнинг молиявий маблағлари даражаси ошиб, корхоналарнинг фаолияти даражаси кенгайиб ва пул оқимларини тушиши ортади. Натижада эса инвестицион жозибадорлиги ошиб молиявий маблағларни жалб этиш осонлашади ва халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қодир бўлади.

Жорий активлар компания учун мавжуд бўлган маблағларнинг катта қисмини ташкил қилади. Ишнинг муваффақиятли натижаси уларни жойлаштиришнинг рационалиги ва фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Жорий активларнинг таркиби маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш барқарорлигига ҳам боғлиқ. Жорий активларнинг алоҳида моддалари таркибидаги ўзгаришларнинг сабаблари ва оқибатлари турли хил омилларга боғлиқ. Товар-моддий захиралари ҳажмининг ошиши уларнинг ноликвидлилиги, хом ашё билан таъминлашдаги узилишлар билан тўқнашиши мумкин.

Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларини бошқаришнинг самарали бошқариш механизмини жорий этиш орқали, товар-моддий захираларини тўплаш, тақсимлаш, фойдаланишни режалаштиришнинг турли усулларини амалга ошириш имкониятини берадиган минимал талаблари мавжуд. Товар-моддий захираларни белгиланган муддатда етказиб бериш ва сақлаш харажатларини камайтиришга бевосита таъсир қилади. Ушбу талаблар операцияларнинг зарур занжирини шакллантириш ва унинг ҳисобини амалга оширишда зарур ҳисобланади. Шу муносабат билан акциядорлик жамиятларида товар-моддий захиралари самарадорлигини оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- товар-моддий захираларнинг ҳажми, хусусиятлари, уларни сақлаш харажатларини аниқлаш;
- товар-моддий захиралар ҳолати мониторингини амалга ошириш;
- буюртмаларни бажаришнинг ҳақиқий таннархи ва вақти аниқлаштириш, буюртмаларни бажариш ҳисоби ва уларни белгиланган жойга етиб боришини назорат қилиш лозим.

Товар-моддий захиралар мониторинги тартибга солиш параметрларини ҳақиқий кўрсаткичлар билан доимий таққослашни таъминлаши керак, яъни. "кузатув тизими" йўлга қўйиш лозим. Захираларнинг ҳажмини, фазовий ва вақтинчалик параметрларини аниқлаш товар-моддий захираларни омборга жойлаштиришни оптималлаштиришга ва натижада харажатларни минималлаштиришга ёрдам беради. Товар-моддий захираларнинг меъёрларини ҳисоботини тўғри амалга ошириш уларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни оптималлаштиришга имкон беради. Буюртманинг ҳажмини аниқлаш тартибларини ишлаб чиқиш, захираларни тўлдиришда устуворликларни аниқлаш буюртма кўрсаткичларини тартибга солишга имкон беради. Товар-моддий захираларни бошқаришнинг яна бир муҳим жиҳати буюртмаларни ҳаракатини кузатиб бориш, акциядорлик жамиятларида буюртмаларни муддатида бажариш тўғрисида қарор қабул қилиш лозим.

Кўпгина акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларини етказиб бериш тизимида узилишлар мавжуд бўлиб, улар етказиб бериш жараёнининг деярли барча босқичларида пул маблағларини йўқотиш rischi мавжуд бўлади. Акциядорлик жамиятларида олиб борилаётган жараёнлар шунини тасдиқлайдики, товар-моддий захиралар билан таъминлашни самарасиз бошқариш натижасида етказилган йўқотишлар барча харажатларга нисбатан 30-40 фоизни ташкил этади.

Тажриба шунини кўрсатадики, акциядорлик жамиятлари иқтисодий ўсиши билан уларда товар-моддий захиралар таъминоти занжири янада мураккаб ва чалкаш бўлиб бораверади, шунинг учун ушбу ҳолатлар жиддий йўқотишларга олиб келади. Шу сабабли, товар-моддий захираларни самарали бошқариш дастурини ишлаб чиқариш зарурати бўлиб, у ёрдамида товар-моддий захираларни етказиб беришни режалаштиришни такомиллаштириш, эҳтиёжларни қондириш механизмларини яратиш, уларнинг ҳаракатининг барча босқичларида моддий-техник ресурслар оқимини бошқаришни оптималлаштириш, акциядорлик жамиятлари омборларини бошқаришга ёрдам беради.

Йирик корхоналар товар-моддий захираларини тўғридан-тўғри истеъмолчиларга эмас, балки тарқатиш тармоқлари орқали бщлимларга етказиб беради. Юқори сифатли ва самарали ўзаро етказиб бериш жараёнини ўрнатиш учун акциядорлик жамиятлари ҳам ахборот ҳисоб-китобларини, шу жумладан ҳар бир омбор ҳудудида алоҳида маҳсулотларнинг мавжудлиги бўйича маълумотга эга бўлиши керак. Маълумотлар асосида акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларнинг ортиқчалиги ва етишмовчилиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиб, келажакдаги буюртмаларни ва уларнинг ҳажми бўйича ўз фаолиятини режалаштириши лозим.

Аксарият корхоналар чекланган ресурс ҳисобланган капиталидан мақсадсиз фойдаланади. Улар жуда кенг ассортиментни таъминлаш мақсадида пул маблағларини сарфлайди ёки кўплаб товарларни сотиб олишади. Бундан ташқари капитал маҳсулот турларига нотўғри сарфланган инвестиция бўлиб, товар-моддий захираларнинг эскирган турларига, нотўғри ҳажм ёки рангга йўналтирилади.

Тоар-моддий захираларни бошқариш тизимини ҳар хил йўллар билан кузатиш мумкин, масалан, акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш дастурий таъминот тизимлари асосида ёки оддий тахминий ҳисоблар орқали таҳлил қилиниши мумкин. Агар корхона ассортиментида 10-20 та товар маҳсулоти бўлса, унда кўз билан тахминий ҳисоблаш фойдалироқ бўлиши мумкин, аммо корхона кенг ассортимент билан ишлаётган бўлса, унда ҳар бир товар қолдиғи ва ҳажмини кузатиб бориш қийин кечади.

Товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш жараёнининг ишончилигини таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади ва уларнинг айланишини тезлашиши акциядорлик жамиятга фойда келтиради. Акциядорлик жамиятларида захираларни яратишда иқтисодий, ташкилий, технологик ва ижтимоий омиллар ётади.

Акциядорлик жамиятлари учун муҳим бўлган яна бир муҳим жиҳати шундаки, истеъмолчига таклиф қилиниши мумкин бўлган баъзи бир товарлар

захираси мавжуд бўлса, сотиш орқали фойдани кўпайтириш мумкин. Товар-моддий захирасини шакллантириш зарурати, кўплаб товарларни сотиб олишда улгуржи нархни пасайтириш орқали кўшимча фойда олиш имконияти билан изоҳланади. Шунинг учун товар-моддий захиралар шундай имкониятлардан фойдаланиш учун шакллантирилади.

Товар-моддий захираларга бўлган эҳтиёж, юкларни ташиш шароитларига ҳам боғлиқ, баъзи товарларни кам миқдорда ташиш самарали эмас, шунинг учун улар катта миқдорларда етказиб берилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, товар-моддий захиралар уни етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги регулятор ҳисобланади. улар турли ритмларда ва регулятор сифатида амалга оширилади, товар-моддий захираларни бошқаришнинг тасодикий ёки кутилмаган томонлари, масалан, истеъмол талабининг ўзгариши, товар айланишининг узлуксизлиги кафолати бўлиб хизмат қилади. Бироқ, регулятор ролини амалга ошириш зарур бўлган миқдордан ортиқча товар-моддий захираларга эга бўлиш йўқотишлар манбаси ҳам бўлиши мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқарилишида моддий маблағларни тежаб ишлатиш, маҳсулотларнинг таннархининг пасайишини таъминлайди, шунингдек акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолатининг барқарорлашувига олиб келади.

Ишлаб чиқариш харажатларини тежаш мақсадида техника ва технологияларни харид қилишда унинг ишлаб чиқариш кучига, ҳажмига, тезлигига, молиявий муносабатларнинг босқичмп-босқич ташкил этилганига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Харид қилинган технологиялар қанча хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши, ёқилғи тежалиши, ишлаб чиқаришда кўп миқдорда қолдиқлар қолмаслиги, маҳсулотнинг сифатли ишлаб чиқариш хусусиятлари билан баҳоланиши лозим.

Хом-ашёдан тортиб тайёр маҳсулотга етишга қадар бўлган харажатларни режалаштириш, форс мажор ҳолатларда кўшимча

харажатларнинг юзага келишини олдиндан режалаштириш мақсадга мувофиқ.

Акциядорлик жамиятларида молиявий маблағларни мақсадли ишлатиш ишлаб чиқариш учун харид қилинадиган жиҳозлар, малакали мутахассисларнинг ишлаш фаолияти, ташкилий ишларни кам харажат билан ташкиллаштириш усуллари, тайёр маҳсулотларни сотиш учун кам харажатли стратегияларни қўллашга боғлиқдир. Акциядорлик жамиятларидаги ишлар чиқариш жараёнидаги мақсадсиз сарфларни қисқартириш, ишлаб чиқаришдаги маблағларни тежаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини камайтириш орқали корхонанинг бозордаги мавқени ошириш мумкин. Бундан ташқари корхоналар банк, суғурта, солиқ ташкилотлари фаолиятидаги тамойилларга ҳам бўйсунган ҳолда кредит фоизлари, бюджет олдидаги мажбуриятларини, акциядорларга дивидендларни шартномаларда ёки бошқа молиявий ҳужжатларда белгилаб қўйилган муддатларда бажарилиши талаб қилинади.

Акциядорлик жамиятларидаги товар-моддий захиралар ишлаб чиқаришда иштирок этмаса яъни омборхонада сақланса унинг нархи ошиб бораверади. Нархларнинг ошиши эса қарзга олинган маблағларни ишлатишда муаммо келтириб чиқариши мумкин, чунки аксарият корхоналар жалб қилинган капитал эвазига ишлайди. Корхонада товар-моддий захираларнинг қолдиғи қолмаслиги ва уларнинг вақтида ишлатилиши масаласига молиявий менежерлар жавоб беради. Хом -ашёларни, ьовар-моддий захираларни ва тайер маҳсулотларини белгиланган режа асосида ҳаракатланишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Акциядорлик жамиятлари ноликвид товарларига қўйидагиларни киритамиз:

- 40% ошиқ товар-моддий захираларининг ишлаб чиқаришда ишламайдиган қисм;
- 1 йил муддатда ишлаб чиқаришда қатнашмаган захиралар;
- ўз яроқлилигини йўқотган товарлардан иборат.

Ноликвид захиралардан қутилиш мақсадида молиявий менежерлар уларни молиявий ҳужжатларда ҳар ойда асослаб қўяди.

Мол етказишни таъминловчи бўлимлар раҳбарлари ва молиявий менежерлар билан биргаликда меъёрий ҳужжатлар асосида, тегишли кўрсатмаларга кўра Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти «Товар-моддий захиралар»ни тасдиқлаш бўйича расмий ҳужжатида маҳсулотни реализация қилишдан олдин товар-моддий захиралар қийматини баҳолаш ва уларни ишлаб чиқаришдан бўшаганлигидаги ахборотларни молиявий ҳужжатларда акс эттириш лозимлиги кўрсатилган.

Товар-моддий захираларни бошқа корхоналарга ўтказиш уларни қабул қиладиган корхоналар ўртасида тузиладиган ҳужжатларда нархи акс эттирилган ҳолда кўрсатилади. Ҳужжатларнинг асосийси маҳсулотни юборган корхонада нусхаси эса мол етказиб берувчига берилади. Шу тартиб асосида корхоналардан товар-моддий захираларнинг чиқиб кетиши расмийлаштирилади.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларнинг кирими ва чиқими, уларнинг омборда сақланиши Excel жадвалларига маълумот киритиш орқали кузатилади. Ушбу ахборотларнинг киритилиши ҳужжатларни йўқотиш хавфини олдини олса, товар-моддий захираларнинг ҳисобини юритиш автоматик усули уларни тезлаштирилган ҳолда операцияларни бажаришни амалга оширишга ёрдам беради.

Акцидорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқаришнинг амалга оширишда автоматлаштирилган усули инсон омиллари алоқадорлигидан воз кечиши олиб келади.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захиралари ҳаракатини кузатиб ва тасдиқлаб турувчи шахслар яъни таъминотчилар мавжуд бўлиб, ҳисоб-китоб ва ишончномаларни расмийлаштириб боради. Бундан ташқари товарлар маркаси, захираларнинг корхоналарга кириши ва чиқishi,

захираларни сотиб олинган тўғрисидаги чеклар, факт асосида захираларнинг қиймати акс этган маҳсулот чеки кабилар молиявий муносабатларни амалга оширишда зарурдир. Корхоналарда мол етказиб берувчиларнинг ва истеъмолчиларнинг ҳам фикрлари эшитилади ва қўллаб қувватланади. Чунки мол етказиб бериш жараёнида ҳам муаммолар юзага келиши мумкин, одатда захираларнинг йўқолиши ёки бошқа форс мажор ҳолатлар юзага келиши мумкин. Эътирозлар китоби юритилиб унда барча ҳолатларга изоҳлар бериб борилади.

Акциядорлик жамиятларининг молиявий менежерларининг тажрибаси юқори бўлса, жамиятнинг ишлаб чиқариш, савдони оператив равишда амалга оширса, товар-моддий захиралари бўйича мўлжални тўғри амалга оширса, унинг айланиш тезлигига эътиборни қаратилса мақсадга мувофиқ бўлади. Товар-моддий захираларни самарали молиявий бошқаришда экспертларнинг фикрлари муҳим ҳисобланади, шунинг учун одатда компаниялар кузатув кенгаши таркибига мустақил экспертларни ҳам жалб этади.

Халқаро тажрибага кўра, товар-моддий захираларнинг ҳажми маҳсулот айланиши билан яқин бўлиши лозим. Ушбу ҳолатда эсатовар-моддий захираларининг айланишини бир маромга келтириш имконияти пайдо бўлади.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш тизимида захираларни буюртма бериш вақти ва буюртма миқдори бўйича молиявий кўрсатмалар ушбу товарларга бўлган талаб турига қараб белгиланади. Товар-моддий захиралар белгиланган меъёрлардан ҳажм нуқтаи назардан камайса молиявий менежерлар томонидан захираларни кўпайтириш бўйича молиявий қарор қабул қилинади.

Жорий активлар таркибидаги товар-моддий захираларнинг ҳолатини таҳлил қилиш доираси кенг ҳисобланиб ҳисобот қилиш асосида амалга оширилади. Жорий таҳлил тезкор таҳлил натижаларини ўз ичига олган захиралар ва айланмаларнинг енг тўлиқ таҳлили. Бундай таҳлил ни амалга оширишда аниқланган захираларнинг самарадорлигини ошириш учун янги инновацион имкониятларни топиш лозим бўлади.

Товар-моддий захиралари айланмасининг ўзгариши корхона молиявий натижаларга таъсирини баҳолашда аниқланади. Уларнинг таъсири айланма маблағларининг самарадорлигига ва корхона оладиган фойдасига ва харажатларга нисбатан ўрганилади. Сифат ассортиментини кенгайтириш ва акциядорлик жамиятларининг янги қиёфасини яратиш мақсадида жаҳоннинг етакчи брендларидаги маҳсулотларини ривожланган давлатларда ишлаб чиқарувчилари билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг савдо операциялари айланма маблағларининг ҳажмига ва уларнинг айланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Товар-моддий захираларни шакллантиришга айланма маблағлардан фойдаланилади ва захираларга сарфланган молиявий капиталнинг айланувчанлигининг юқори даражада амалга оширилиши акциядорлик жамиятларида тўлов қобилияти кўрсаткичини меъёр даражасида сақлаб туришга олиб келади.

Таҳлил натижасида олинган кўрсаткичлар товар -моддий захираларнинг айланиш тезлигини шунингдек уларга сарфланган молиявий ресурсларнинг айланишини ошириш натижасида кутилаётган иқтисодий самарани аниқлаш имкониятини беради. Товар-моддий захираларнинг бошқаришнинг натижаси сифатида унинг харажатларга бўлган таъсирини ўрганиш талаб этади.

Бундай таъсирнинг кўп йўналишли табиати айланманинг умуман айланиш харажатлари даражасига таъсирини ҳисоблашни талаб қилади. Корхоналарда товар-моддий захираларни самарали молиявий бошқаришда жорий активларнинг ўзаро боғлиқ жараёнларини ҳар томонлама тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш лозим ва у асносида уларнинг ҳолатини назорат қилиш имкониятини аниқлаш мумкин. Товар-моддий захираларнинг таркибини тўлдириш, уларнинг ҳажмини керакли миқдорда ушлаб туриш, товар-моддий захираларнинг ҳаракатланишини самара бошқаришнинг асосий мезонлари бўлиб ҳисобланади.

Хорижий компаниялар фаолиятида товар-моддий захираларни бошқаришда контроллинг тизимидан фойдаланилади ва ушбу тизим орқали унинг муаммолари

ўрганилиб молиявий бошқарилади. Одатда ушбу масалаларда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларни қўллаш орқали юритиш, логистика тизимининг юқори даражада ташкил этилиши, харажатларни турли бўғинларга тўғри тақсимлаш масаласи муҳим ўринни эгаллайди.

Бу улгуржи савдо корхоналари товар-моддий захираларини бошқаришда янги усуллардан фойдаланиш маъқул бўлиб, уларни янги андозалар орқали амалга ошириш кўзда тутилади. Ўз навбатида ишлаб чиқишни жадаллашуви ва рентабелликнинг ошиши корхона рақобатбардошлигини оширишга имкон беради. Шу каби механизмни қўллаш асосида товар-моддий захираларнинг айланиш муддатини қисқартириш, захираларнинг сақлаш билан боғлиқ харажатларини камайтириш, маҳсулот сотиб олувчи истеъмолчиларининг эҳтиёжини қондириш ва етарлича юқори фойда олиш имкониятини келтириб чиқаради. Охириги йилларда корхоналарда захираларни етказиб беришда логистика тизимидан кенг фойдаланилмоқда.

Акциядорлик жамиятларида мол мулклари сотиб олинганда ёки сотилганда, ижарага берилганда ёки мулкчилик шакли ўзгартирилганда, ҳар ойда пул маблағлари, товар-моддий захиралар тармоқларга бўйича назоратга олинади. Асосий воситалар, товар-моддий захиралар инвентаризация қилиниб борилади. Турли хил даражадаги офатлар ва фалокатлар, ёки ғайритабиий шароитлар юзага келтирган бошқа фавқулодда вазиятлар юз берганда ёки ўғирликлар содир бўлганида, корхоналар тугатилганида, молиявий ресурслар суистеъмол қилинган шароитларда инвентаризация амалга оширилади.

Бундай ҳолатлар юзага келганида корхоналарда инвентаризациялашни ўтказиш комиссия таркибида кузатув кенгаши раиси, ички аудиторлар, акциядорлар, техник ва бухгалтерия ходимлари, молиявий менежерлар бўлиши лозим. Ушбу шахслардан биронтаси баҳолашда қатнаша олмаса ушбу жараён бекор қилинади.

Халқаро стандартлар ва миллий стандартлар ўртасида товар-моддий захираларни бошқаришда ҳам фарқлар мавжуд. Халқаро стандартда товар-моддий захираларни жорий актив сифатида тан олинадиган таннархини ва

келгусида ўтказиладиган суммасини аниқлик киритиш лозим бўлса, миллий стандартда эса мулк ҳуқуқида тегишли бўлган товар-моддий захираларнинг ҳисоби молиявий ҳисоботда акс эттирилиши шарт ҳисобланади. Миллий стандартимиздаги камчиликлардан бири бугунги кунда сотилган маҳсулотлар ва омборда сақланаётган захираларнинг таннархини аниқлаш асосий мақсад ҳисобланади. Миллий стандартда товар-моддий захираларга берилган бўлиб асосан маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни ҳам амалга оширади дейилган, бу узоқ муддатли активларга нисбатан ишлатилади.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишни амалга ошириб, товар-моддий захираларга нисбатан аниқ меъёрлар белгиланиши жоиздир. Қолаверса корхоналарни ва мол етказиб берувчилар билан яқинлаштириш мақсадида турли хил ярмаркалар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Савдо корхоналари билан алоқаларни жадаллаштиришда моддий ва хомашё улгуржи савдосини кенгайтириш масаласини кўриб чиқиб, юк ортиш ва тушириш механизмини комплекс қайта кўриб чиқиш тақазо этилади.

Товар-моддий захиралар айланиши жадаллаштиришда янги аср технологиялардан фойдаланиш лозим, чунки уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш маҳсулотлар қолдиқларсиз ишлаб чиқаришини таъминлайди, харажатларни минималлаштиради.

Акциядорлик жамиятларида айланма маблағларни тўғри шакллантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш масаласи муҳим бўлиб, қарз маблағларидан фойдаланишни қисқартириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Акциядорлик жамиятлари томонидан олинган қарз маблағлари кредит тамойиллари асосида белгиланган муддатда белгиланган фоизлар асосида қайтарилиши лозим. Кредит маблағлари одатда ишлаб чиқаришнинг узликсизлигини таъминлаш ва товар-моддий захираларни керакли миқдорда етказиш учун жалб этилади.

Ҳар бир ишлаб чиқиш циклидан сўнг бўшаган маблағлар муддатига қараб банкка қайтарилиши таъминланади. Албатта банк ҳам жалб қилинган

маблағлари ва акциядорлик жамиятлари хўжалик фаолияти устидан назорат олиб боради. Банклар корхоналарга товар-моддий бойликларни харид қилиш, уларни керакли микдорда шакллантириш, сақлаш харажатларини қоплаш мақсадида ўз маблағларини тақдим этади. Корхоналар томонидан кредит тамойилларига риоя қилмаслик унинг қайтарилишида муаммо келтириб чиқаради.

Акциядорлик жамиятлари рақобатбардош ва бозорда ўз ўрнига эга бўлиши учун истъемолчилар талабини қондириши ва улар талаб қилган сифат стандартларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш тақазо этилади. Корхоналар товар-моддий захираларни сақлашда унинг сифатига алоҳида эътибор қаратиб акциядорлик жамиятлари бозордаги мавқесини оширишга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтиришга, истъемолчи томонидан амалга оширилган тезкор буюртмани ўз вақтида бажаришга, фойда ҳажмини сақлаб қолишга, товар-моддий захираларни сақлаш билан боғлиқ зарарларни камайтириш, ишлаб чиқариш учун материаллар тақчиллигининг олдини олиш чора-тадбирларни ишлаб чиқариши лозим бўлади.

Акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқаришни амалга ошириш мақсадида товар-моддий захираларнинг етарлилик даражасини минимум таъминланиши мақсадга мувофиқ бўлиб, асосий воситаларнинг ишдан чиқиши буюртмаларнинг кечикишига олиб келади, вақт камлиги сабабли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати пасайиши мумкин. Корхоналар молиявий режасидаги тебранишлар туфайли чиқариш жараёни узилишлар юзага келиб, маҳсулотларни сақлаш харажатлари ва товар-моддий захираларни сотиб олиш ўртасида таффовутлар юзага келиши кузатилади. Шундай вазиятларда ҳам омборни сақлаш харажатларини камайтириш ва акциядорлик жамиятларида товар-моддий захиралари ҳажми ўртасидаги иқтисодий нисбатни сақлаш яъни молиявий назоратини қатъий олиб бориш лозим бўлади.

Акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқаришининг йилдан-йилга ошиши, унинг молиявий кўрсаткичларининг барқарорлашуви, олиб борилаётган

молиявий бошқарув сиёсатининг оқилона амалга оширилиши бизнес майдонидаги рақобат жараёнида иқтисодий бардошлигини таъминлайди.

Акциядорлик жамиятларини ривожлантиришда мураккаб амалга ошириш бўлган кенгайтиришни, молиявий бошқарув усулларини мунтазам равишда янги дастаклар орқали амалга оширишни талаб қилади. Корхоналарнинг асосий воситаларини такомиллаштириш, узоқ муддатга мўлжалланган мувозанатланган сиёсатни олиб бориш, акциядорлик жамиятларининг иқтисодий рентабеллигини таъминлаш учун бозор талабларига бўйсунтириш ва унда ўз ўрнини топиш лозим бўлади. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг янги ишлаб чиқариш сифатини яхшилашга қаратилган механизмдан кенг фойдаланиши лозим.

Корхоналарда узоқ муддатли мақсадларни тўғри амалга ошириш ва унинг "олга суриш" механизмига аниқлик киритиш, шунингдек асосий молиявий дастаклардан самарали фойдаланиш имкониятларини ўрганишни тақазо этади. Корхоналар фаолиятидаги "бюрократизм" ни бартараф этиб, молиявий ҳужжатларда белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда хўжалик фаолиятини олиб бориши лозим.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни сотиб олишни режалаштириш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш захираларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлайди. Товар-моддий захиралари ҳаракатланиш даври билан маҳсулотларни ишлаб чиқариш даврида меъёрий мезонлар бўлиши мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқаришда муаммолари мавжуд бўлиб, улар асосан товар-моддий захираларнинг ҳажми ва етказиб бериш билан боғлиқ. Товар-моддий захираларнинг турли туманлиги уларни бошқаришни қийинлаштиради, хато башорат қилинган кўрсаткичлар, таклифлар, шартномалар, суғурта захиралари ҳажми нотўғри аниқлаш, буюртмаларнинг узоқ даврда тайёрланиши шу жумладандир.

Корхоналар ишлаб чиқариш жараёнида кўзда тутилмаган харажатларга дуч келмаслиги учун товар-моддий захираларни сақлаш ёки уни етказиб

беришдаги узилишларни эътиборга олиш лозим. Лекин етарли даражада товар-моддий захираларнинг етишмаслиги тайёр маҳсулотларни ўз вақтида ишлаб чиқаришини сусайтиради. Ортиқча харажатларнинг олдини олишда корхоналар тайёр маҳсулотни тўғридан тўғри омборхонадан сотилиши мумкин.

Бундай оқилона сиёсатни юритиш корхоналарда пул оқимлари тақчиллигининг ҳам олдини олади. Товар-моддий захираларни ишлатилишининг босқичма-босқичлигини таъминлаш, молиявий ресурсларни мақсадли тақсимлаш, корхона бюджетини асосий устувор вазифаларни бажаришга сафарбар этиш ишлаб чиқариш жараёнидан ташқари кўшимча маҳсулотларини ишлаб чиқаришга имконият беради. Товар-моддий захираларни

III боб бўйича хулоса

Товар-моддий захираларни оқилона ва самарали бошқариш акциядорлик жамиятларига ўз молиявий натижаларини яхшилаш учун имконият ҳисобланади, бу корхонанинг ишончли ривожланиш йўлини бораётганлигидан далолат беради ва акциядорлик жамиятини инвесторлар учун жозибadorлигини оширади ва унинг бозордаги рақобатбардошлигини таъминлайди.

Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш хорижий стандартлар, назариялар ва принциплар ва усулларга мувофиқ амалга оширила бошлади, аммо товар-моддий захираларни бошқариш сиёсати биринчи навбатда истеъмолчига, уларнинг афзалликларига, сотиб олиш қобилиятига, шунингдек мамлакатдаги иқтисодий вазиятга қаратилиши керак.

Товар-моддий захираларни қабул қилишнинг ҳам иккита жиҳати мавжуд: биринчиси хом-ашёнинг ҳажми, сифати ва етказиб бериш шартларининг бажарилиши; иккинчиси хом ашёнинг сақлаш бўйича кўрсатмалар асосида етказиб берилиши муҳим. Бу қоидалар хом-ашёларни қабул қилиш ва жўнатиш вақтида назоратга олинади. Одатда маҳсулотларнинг автомобил транспорт ёки темир йўл орқали етказиш ҳисоб-фактуралари

бўлиши шарт. Ушбу молиявий ҳужжатларда хом-ашёнинг ҳажми, мол етказиб берувчиларга топширганлиги, уларнинг натурал қиймати, хом-ашенинг қисқача хусусиятлари, солиқларнинг ҳисобга олиниши кўрсатилади. Ушбу молиявий ҳужжатларда жавобгар шахсларнинг имзоси ва корxonанинг мулкчилик шакли кўрсатилган муҳрлари бўлиши шарт.

Акциядорлик жамиятларида молиявий маблағларни мақсадли ишлатиш ишлаб чиқариш учун харид қилинадиган жиҳозлар, малакали мутахассисларнинг ишлаш фаолияти, ташкилий ишларни кам харажат билан ташкиллаштириш усуллари, тайёр маҳсулотларни сотиш учун кам харажатли стратегияларни қўллашга боғлиқдир. Акциядорлик жамиятларидаги ишлар чиқариш жараёнидаги мақсадсиз сарфларни қисқартириш, ишлаб чиқаришдаги маблағларни тежаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини камайтириш орқали корxonанинг бозордаги мавқени ошириш мумкин. Бундан ташқари корxonалар банк, суғурта, солиқ ташкилотлари фаолиятидаги тамойилларга ҳам бўйсунган ҳолда кредит фоизлари, бюджет олдидаги мажбуриятларини, акциядорларга дивидендларни шартномаларда ёки бошқа молиявий ҳужжатларда белгилаб қўйилган муддатларда бажарилиши талаб қилинади.

Акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқаришни амалга ошириш мақсадида товар-моддий захираларнинг етарлилик даражасини минимум таъминланиши мақсадга мувофиқ бўлиб, асосий воситаларнинг ишдан чиқиши буюртмаларнинг кечикишига олиб келади, вақт камлиги сабабли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати пасайиши мумкин. Корxonалар молиявий режасидаги тебранишлар туфайли чиқариш жараёни узилишлар юзага келиб, маҳсулотларни сақлаш харажатлари ва товар-моддий захираларни сотиб олиш ўртасида таффовутлар юзага келиши кузатилади. Шундай вазиятларда ҳам омборни сақлаш харажатларини камайтириш ва акциядорлик жамиятларида товар-моддий захиралари ҳажми ўртасидаги иқтисодий нисбатни сақлаш яъни молиявий назоратини қатъий олиб бориш лозим бўлади.

Хулоса

Акциядорлик жамиятларида инновацион ривожланишни, ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини ва ўзгарувчан эҳтиёжларни қондиришни таъминлашга қаратилган молиявий сиёсатининг энг муҳим воситаси бу товар-моддий захираларидан фойдаланишнинг самарали бошқарув тизимини қуришдан иборат. Товар-моддий захираларни самарали бошқаришга корхонанинг реал активлари ва мажбуриятларидан максимал даражада фойдаланиш, шу билан таркибий ёндашувларни амалга ошириш, молиявий кўрсаткичлар тизимини асослаш ва захиралардан фойдаланишни молиявий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва режалаштириш воситаларини такомиллаштириш асосида айланма маблағларни тўғри бошқариш вазифасини бажариш орқали эришилади.

Товар-моддий захираларни бошқаришнинг асосий вазифаси бизнеснинг стратегик мақсадларига эришиш учун сармоя киритишни жадаллаштириш саналади. Бозор муносабатларини ривожлантиришда акциядорлик жамиятининг таъминот ва сотиш хизматлари менежерлари, режалаштириш ва молиявий хизматлар ходимлари, корхона раҳбарияти товар-моддий захиралар ҳаракатини самарали бошқаришга қаратилиши керак. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этишнинг узлуксизлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун моддий ресурсларнинг ортиқча захираларини аниқлаш билан таҳдид қиладиган корхонада товар-моддий захиралар бўйича танқидий ёндашувларни қўллаш зарур.

1. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқаришнинг назарий ва методологик асосларни ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида товар-моддий захиралар билан боғлиқ муаммолар аниқлади ва талабни ҳисобга олиш натижасида уларни самарали бошқаришнинг замонавий усулларида фойдаланилади.

2. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни молиявий бошқариш ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди ва товар-

моддий захиралар билан боғлиқ харажатларни камайтиришга оид харажатларни камайтиришга, уларни сақлаш жойларини халқаро стандартларга мослаштиришга, ликвид пул маблағларини товар-моддий захиралардан бўшатишга, шу билан бир қаторда молиявий ресурсларни ишлаб чиқаришнинг бошқа элементларига сафарбар этиш лозим бўлади. Корхоналарда молиявий сиёсатни амалга ошириш жараёнида товар-моддий захираларини тартибга солишда махсус инновацион механизмни ишлаб чиқиш лозим.

3. Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захиралари устидан назорати олиб бориш унинг режадаги меъёрларидан оғишларни бартараф этиш бўйича тезкор чораларни кўриш учун корхоналарда товар-моддий захиралари даражасини ўрганиш ва тартибга солишга ёрдам беради. Товар-моддий захиралар ҳолатини кузатиб бориш зарурати уларнинг корхона стратегиясида назарда тутилган чегаралардан ошиб кетмаслигини таъминлайди.

4. Талабга нисбатан талабчанлик, буюртма ҳажми, суғурта захираси каби жиҳатларга эътиборни қаратиб, режалаштиришнинг барча кўрсаткичлари ҳолатини диққат билан кузатиб бориб, товар-моддий захираларга ҳақиқий эҳтиёжларни аниқлаш муҳим ҳисобланади. Кичик ҳажмдаги товар-моддий захиралари уларни сақлаш билан боғлиқ тўғридан-тўғри ва яширин харажатларни камайтириш имконияти бериши мумкин.

5. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларнинг режалари бажарилмай қолиш билан боғлиқ, қониқарсиз талабнинг вужудга келиши ва натижада акциядорлик жамиятларининг фойда олиш имкониятини йўқолишига, шунингдек маҳсулот истеъмолчилари ёки салоҳиятли харидорларининг йўқолишига олиб келиши мумкин.

6. Ортиқча товар-моддий захираларнинг тўпланиши акциядорлик жамиятларининг айланма маблағлари айланишини сусайтиради ва алтернатив фойдаланиш имкониятини камайтиради. Бу эса акциядорлик жамиятларининг молиявий натижаларига ва умумий ишлаб чиқариш харажатлари миқдорига

таъсир қилади. Иқтисодий зарар товар-моддий захираларнинг сезиларли даражада мавжудлиги ёки уларнинг етарли эмаслиги туфайли юзага келади.

Товар-моддий захираларни бошқариш молиявий менежмент нуктаи назаридан жорий активларнинг элементи сифатида иккита мақсад ўртасида мувозанатлашишдир: захираларни сақлаш ва ишлаб чиқариш жараёнининг максимал ишончлилигини таъминлаш учун умумий харажатларни камайтиришдан иборат.

7. Акциядорлик жамиятларида товар-моддий захираларни бошқариш жараёнини таҳлил қилиш натижаси амалдаги товар-моддий захираларни бошқариш стратегиясининг бозор тамойилларига мос келмаслигини таъкидлашга имкон беради. Товар-моддий захираларни шакллантириш ва уларни сақлаш бўйича аниқ мақсадли ёндашув мавжуд эмас. Акциядорлик жамиятлари рақобатбардошликни ошириш учун ушбу омилдан етарлича фойдаланмайди, фақат захираларнинг етишмаслиги ёки ортиқча миқдорини билдириш билан чекланади. Товар-моддий захираси даражасининг акциядорлик жамият фаолиятининг якуний натижасига таъсирини аниқлаш учун маълумот мавжуд эмас. унинг учун унинг аниқ механизмини ишлаб чиқариш зарурати мавжуд.

8. Акциядорлик жамиятларида иқтисодий самарадорликни таъминлаш мақсадида товар-моддий захираларнинг ортиқча ҳажмини сотиб олмаслик ва уларнинг ишлаб чиқарида узликсизлигини таъминлаш кам харажат сарфланиши орқали амалга ошириш корхоналарнинг тўлов қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади. Аксинча ишлаб чиқариш жараёнида товар-моддий захиралар танқислиги вужудга келса корхонанинг маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муаммолар юзага келади, корхона истъемолчи ва миждозларини йўқотиши мумкин. Товар-моддий захираларнинг етишмаслиги ишлаб чиқаришда узилишларга сабаб бўлиб, унинг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатади ва унинг асносида корхоналарнинг рентабеллиги кўрсаткичларига жиддий таъсир кўрсатади.

9. Акциядорлик жамиятларда товар-моддий захираларни сотиб олишдаги шартномалар, етказиб беришлар юзасидан дуч келинадиган муаммоларга эътибор қаратилиб, ортиқча товар-моддий захиралар туфайли уларни сақлашда омбор майдонларининг етишмаслиги, айланма маблағларнинг айланиши секинлашиши рўй беради. Ҳаддан ташқари товар-моддий захираларининг сотиб олиниши ва уларнинг сақланиш узок бўлганлиги сабабли эскириши содир бўлади ва маҳсулот сифатини йўқотади. Товар-моддий захиралар хажми юқори бўлиши, узок муддатда уларнинг сақланиши корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нархининг ҳам сезиларли даражада оширилишига олиб келади.

10. Товар-моддий захираларни шакллантиришда корхона қарз маблағларидан фойдаланган бўлса, уларнинг фоизларини тўлашда, олинган умумий суммани ўз вақтида қайтаришда ҳам муаммо туғдириши мумкин. Агарда товар-моддий захираларни инвестицион маблағлар эвазига харид қилинган бўлса, корхонанинг инвестицион фаоллигига ўзининг салбий таъсири кўрсатиши мумкин. Яъни корхоналарнинг инвестицион сиёсатини амалга оширишда тўсиқларни келтириб чиқариши мумкин.

Харид қилиш жараёнини соддалаштиришнинг кўплаб усуллари мавжуд ва улар асосида турли хил дастурий ечимлар яратилмоқда. Бу босқичларни автоматлаштириш орқали харид қилиш жараёнини сезиларли даражада соддалаштиради.

Замонавий технологияларидан фойдаланиш фазовий ҳисобга олишга имкон беради. Мижоз ва мол етказиб берувчининг узоқлиги ва энг тўғри маълумотларни олиш товарлар ва материалларни етказиб бериш вақти ва усуллари аниқ кўрсатилади. Шундай қилиб, энг мақбул вариантни аниқлаш яъни мол етказиб берувчилар, мол етказиб берувчининг молиявий ишончлилиги ҳисобга олиниб товарлар нархи ва сифати нафақат қатъий мезонлар асосида балки мол етказиб бериш муддати ва мол етказиб берувчининг узоқ масофадалиги, товарлар сифатини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Акциядорлик жамиятлари товар-моддий захираларини бошқаришнинг самарали бошқариш механизмини жорий этиш орқали, товар-моддий захираларини тўплаш, тақсимлаш, фойдаланишни режалаштиришнинг турли усулларини амалга ошириш имкониятини берадиган минимал талаблари мавжуд. Товар-моддий захираларни белгиланган муддатда етказиб бериш ва сақлаш харажатларини камайтиришга бевосита таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар.

1.1. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ–370-сон Қонуни.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги ЎРҚ-319-сон Қонуни. 2012 й. №1

1.3. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2015 йил 3 июнаги ЎРҚ-387-сон

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 1998. №1 (668), 2-модда.

1.5. Ўзбекистон Республикаси “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, 1991 йил 19 ноябрь

1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги 2012 йил 24 сентябрдаги №ЎРҚ-336-сонли Қонуни. 2012 йил. №39, 446-модда.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» // Тошкент:, Халқ сўзи, 2017 йил, 8 феврал.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.- Тошкент ш., 2017 йил 18 апрел.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2017 йилдаги ПФ-4933-сонли «Гадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада

соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.- Тошкент ш., 2017 йил, 17 январь,

1.10. «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ–4720-сон Фармони. 17-сон (673) 2015 йил 4 май (204-216 моддалар).

1.11. Ш.Ш. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”. -Тошкент, Халқ сўзи, 2017 йил. 8 феврал.

1.12. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. — Тошкент: Ўзбекистон», 2017. — 104 б.

1.13. Альбеков А.У., Митько О.А. Коммерческая логистика. Ростов н/Д: Феникс, 2002.

1.14. Аналитические технологии для прогнозирования и анализа данных. — Copyright © 1999-2005 НейроПроект. <http://www>

1.15. Аникин Б.А., Тяпухин А.П. Коммерческая логистика: Учебник. М.: Велби, 2005.

1.16. Андерсон Дж. Дискретная математика и комбинаторика. М.: Вильямс, 2003.

1.17. Бауэрсокс Д. Дж., Клосс Д. Дж. Логистика: Интегрированная цепь поставок. М.: Олимп-Бизнес, 2001.

1.18. Брагин Л. А., Стукалова И. Б., Шипилова С. С. и др. Организация коммерческой деятельности: Учеб. пособие для нач. проф. образования— М.: Изд. центр «Академия», 2013. — 176 с.

- 1.19. Бешелев С.Д., Гурвич Ф.Г. Математико-статистические методы экспертных оценок. М.: Статистика, 1980.
- 1.20. Бродецкий Г.Л. Управление запасами: Учеб. пособие М.: Эксмо, 2008. -352 с.
- 1.21. Бузукова Е.А. Закупки и поставщики. Курс управления ассортиментом в рознице. СПб.: Питер, 2009. — 432 с.
- 1.22. Букан Дж., Кенингсберг Э. Научное управление запасами / Пер. с англ. Коваленко Е.Г.; Под ред. Б.В. Гнеденко. М.: Наука, 1967. — 424 с.
- 1.23. Волгин В.В. Логистика хранения товаров. М.: Дашков и К0, 2008. — 368 с.
- 1.24. Бизнес: Оксфордский толковый слов. Англ.-рус: Свыше 4000 понятий / Пер.: С.В. Щедрин, Н.Н. Кричигина, Е.П. Островская; Общ. ред. И.М. Осадчая. М.: Прогресс-Академия: Изд-во Рос. Гос. Гуманит. ун-та, 1995.
- 125.. Большев Л.Н., Смирнов Н.В. Таблицы математической статистики. М.: Наука, 1983.
- 1.26. Белоусова Е.А., Валевиц Р.П., Давыдова Г.А., и др. Экономика предприятий торговли -Мн.: БГЭУ, 2007.
- 1.27. Байнев В.Ф. Экономика предприятия и организация производства: Учеб. пособие. -Мн.: БГУ, 2007.
- 1.28. Бродецкий Г.Л. Методические указания к изучению математических методов управления запасами. М.: МЦЛ0ГУ-ВШЭ, 2003.
- 1.29. Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов. — М.: ЗАО «Олимп- Бизнес», 2008. —1008 с.
- 1.30. Backhaus J. G., Wagner R. E. Handbook of public finance. — Massachusetts: Kluwer Academic Publishers, 2004.- p. 554.
- 1.31. Bossaerts P. L., Ødegaard B. A. Lectures on corporate finance. –London: World Scientific Publishing, 2001.- p.249.
- 1.32. Лукинский В.В., Лукинский В.С. Управление запасами в цепях поставок. / Учеб. пособие/под общ. и научн. ред. В.С. Лукинского. — СПб.: СПбГИЭУ, 2011. – 284 с.

- 1.33. Гаджинский А.М. Логистика: Учебник. 5-е изд., перераб. и доп. М.: Маркетинг, 2002.
- 1.34. Гиляровская Л. Т. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности. Изд. «Проспект», 2006.
- 1.35. Горфинкель В.Я., Швандар В.А. Экономика предприятия, ред. — ЮНИТИ, 2004.
- 1.36. Гаджинский А.М. Практикум по логистике. М.: Маркетинг, 1999.
- 1.37. Джонсон Дж. и др. Современная логистика. 7-е изд.: Пер. с англ. М.: Вильямс, 2002
- 1.38. Демчук И.Н. Управление складскими запасами: Дис. канд. экон. наук. -Новосибирск: СибУПК, 1994. -212 с.г
- 1.39. Dewing A.S. Corporation Finance, – N.Y.: Ronald Press, 1922.-p.540.
- 1.40. Eugene F. Brigham; Louis C. Gapenski; Phillip R. Daves (Author) Intermediate Financial Management, 8th Edition Paperback – International Edition, August 28, 2003.-p. 1127
- 1.41. Eugene F. Brigham, Michael C. Ehrhardt. Financial Management: Theory & Practice. Cengage Learning, 3 Mar 2014. -p.1200
- 1.42. Ерукаева В. Проектирование системы управления запасами на предприятии: Выпускная квалификационная работа / Под.рук. А.Н. Стерлиговой. М.: МЦЛ ГУ-ВШЭ, 2004.
- 1.43. Корпоративная логистика. 300 ответов на вопросы профессионалов / Под общ. ред. проф. В.И. Сергеева. М.: ИНФРА-М, 2004.
- 1.44. Кристофер М. Логистика и управление цепями поставок. СПб.: Питер, 2004.
- 1.45. Климов К.В. Управление запасами товаров народного потребления в розничных сетевых организациях: Автореф. дис. канд. экон. наук. М., 2007-25 с.
- 1.46. Ковалёв В.В., Основы теории финансового менеджмента. –М.: Проспект, 2008. -533 с.

- 1.47. Кузнецова О.А., Лившиц В.Н. Структура капитала. Анализ методов ее учета при оценке инвестиционных проектов. // Экономика и мат. методы. 1994, Т. 31, Вып. 4.
- 1.48. Лебедев В.Г. и др. Управление затратами на предприятии: Учеб. пособие. СПб.: Бизнес-пресса, 2003.
- 1.49. Лотоцкий В.А. Модели и методы управления запасами. – М.: Наука, 2006. – 354 с.
- 1.50. Линдерс М.Р., Харольд Е.Ф. Управление снабжением и запасами. Пер. с англ. СПб.: Полигон, 1999.
- 1.51. Любушин, Н.П., Анализ финансово-экономической деятельности предприятия: учеб. пособие для вузов / под ред. проф. Н. П. Любушина. / Н. П. Любушин, В. Б. Лещев, В. Г. Дьяконов — М.: ЮНИТИ-ДАИА, 2015. — 471с.;
- 1.52. Математическая статистика: Учебник для вузов / В.Б. Горяинов, И.В. Павлов, Г.М. Цветкова и др.; 2-е изд. М.: Изд-во МГТУ им. Н.Э. Баумана, 2002.
- 1.53. Миротин Л.Б., Ташбаев Ы.Э. Логистика для предпринимателей: основные понятия, положения и процедуры: Учеб. пособие. М.: ИНФРА-М, 2002.
- 1.54. Николайчук В.Е. Заготовительная и производственная логистика. СПб.: Питер, 2001.
- 1.55. Пилишенко А.Н. Логистика. Практикум. М.: МИЭТ, 1998.
- 1.56. Рыжиков Ю.И. Теория очередей и управление запасами. М.: Питер, 2001.
- 1.57. Ромашова, И.Б. Финансовый менеджмент. Основные темы. — М.: КНОРУС, 2007. -336 с.
- 1.58. Karlibaeva R.X. va boshqalar. Korporativ boshqaruv. Oquv qollanma. -T.: Cholpon. 2011.- 303 б.
- 1.59. Karlibaeva R.H. Korporatsiyalar moliyasi. Oquv qollanma. -T.: TDIU. - 127 б.
- 1.60. Kaplan R.S., Norton D.P. Using the Balanced Scorecard as a Strategic Management System // Harvard Business Review, 1996, January/February, p. 176.\

- 1.61. Карлибаева Р.Х. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш муаммолари // Иқтисодиёт ва таълим. -Т.: 2009.- №6.- 39-41 б. (08.00.07; №11)
- 1.62. Лисовская И.А., Основы финансового менеджмента. – М.: ТЕИС, 2006. – 120 с.
- 1.63. Ливсон М.В. Финансовый менеджмент. -М.: МГУП, 2012. — 152 с.
- 1.64. Ливсон М.В. Комплексная система управления эффективностью использования основного капитала полиграфических предприятий // Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -М, 2004. — 31с.
- 1.65. Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент. –М.: ЭКСМО, 2007. -768 с.
- 1.66. Mike Dempsey. The Modigliani and Miller Propositions: The History of a Failed Foundation for Corporate finance // A Journal of Accounting, Finance and Business Studies, №3, 2014.- pp. 279-295.
- 1.67. Сигел Э. Практическая бизнес-статистика. М.: Вильямс, 2002.
- 1.68. Стерлигова А.Н. Две точки зрения на запас // Менеджмент и менеджер, 2003. № 11-12.
- 1.69. Стерлигова А.Н. Процедуры оптимального распределения запаса в цепях поставок // Логистика сегодня, 2005. № 4.
- 1.70. Стерлигова А.Н. Роль управления запасами в организации успешного бизнеса //Логистика сегодня, 2004. № 1.
- 1.71. Стерлигова А.Н. Систематизация элементов моделей управления запасами в звеньях цепей поставок // Логистика и управление цепями поставок, 2005. № 4.
- 1.72. Стерлигова А.Н. Управление закупками: шаг первый — выбор // Конкурсные торги, 2000. Март. № 3.
- 1.73. Стерлигова А.Н. Управление запасами широкой номенклатуры: с чего начать? //Логинфо, 2003. № 12; 2004. № 1.
- 1.74. Стерлигова А.Н., Семенова И.В. Оптимальный размер заказа, или Загадочная формула Вильсона // Логистик & система, 2005. № 2, №3.

- 1.75. Стивенсон В. Дж. Управление производством. М.: Лаборатория базовых знаний, 1998.
- 1.76. Управление организацией: Энциклопедический словарь/ Под ред. А.Г. Поршнева, А.Я. Кибанова, В.Н. Гунина. М.: ИНФРА-М, 2001.
- 1.77. Управление производством: Учебник. / Под ред. А.Н. Саломатина. М.: ИНФРА-М, 2001.
- 1.78. Федоров С.С. Логистика. Управление запасами: Расширенные возможности модели EOQ. Новосибирск, 2002.
- 1.79. Хэндильт Д Р.Б., Николс-мл. Э.Л. Реорганизация цепей поставок. М.: Вильямс, 2003.
- 1.80. Шрайбфедер Дж. Эффективное управление запасами. М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.
- 1.81. Шилова Ж.П. Управление товарными запасами в торговле: Дис. канд. экон. наук. Новосибирск: СибУПК, 2001 -205 с.
- 1.82. Шарудина З. А. Анализ показателей оборачиваемости и рентабельности оборотных активов коммерческой организации — 2018. — № 6(24). — С. 5;
- 1.83. Стерлигова А.Н. Интеграция уровней деятельности при управлении запасами организации // Логистика и управление цепями поставок. 2007. -№ 4. — С. 75-84.
- 1.84. Cooper J., Bowr M., Peters N. Logistics Marketing Management and Strategy. Blackwell Business. USA, 1992.
- 1.85. Coyle J.J., Bardi E.J., Langley Jr. C.J. The Management of Business Logistics. Sixth Ed. West Publishing Company, 1996.
- 1.86. David G. de Roulet, Roger W. Kallock. Reengineering in the Logistics Enviroment //Annual Conference Proceedings. San Antonio. Texas. October 11-14, 1992.
- 1.87. Gattona J.L., Walters D.W. Managing the Supply Chain. A Strategic Perspective. Macmillan Business. G.B., 1996.

1.88. Integrates Distribution Management. Competing on Customer Service, time and Cost. Illinois: Business Irwin. Homewood, 1993.

1.89. Martin A.J. Distribution Recourse Planning. Distribution Management's Most Powerfull Tool. John Wiley&Sons, Inc., USA. 1995.

1.90. Monczka R. and Others. Purchasing and Supply Chain Management. South-Western College Publishing. USA, 1998.

1.91. Peter and Nigel Attwood. Logistics of a Distribution System. London: Gower, 1992.

1.92. Ташназаров С. Н. Товар-моддий захиралар таннархи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил.

1.93. Хамидуллин М.Б. Повышение инвестиционной привлекательности и активизация участия акциядорных обществ на рынках капитала // Новые тенденции в экономической науке и образованию- М.: Монография, 2014. — 46 б.

2. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. Антонов В.Г. и др. Корпоративное управление. Монография. – М.: ИНФРА-М, 2010. — 288 с.

2.2. Бегматова Д.Б. Совершенствование методологии и методов оценки эффективности корпоративного управления в акциядорных обществах. Монография. – Т. Fan va texnologiyalar. 2014. – 198 с.

2.3. Бегматова Д.Б. Особенности моделей корпоративного управления зарубежных стран и Узбекистана // Сборник тезисов докладов республиканской научно-практической конференции «Корпоратив бошқарув: самарадорлик ва ривожланиш истиқболлари». – Т.: 2015 г.

2.4. Бородина Е.И. Финансовый анализ в системе менеджмента организации // Экономический анализ: теория и практика. 2008, №22 (127) ноябрь.

2.5. Durnev A., Kim E. H. The interplay of firm-specific factors and legal regimes in corporate governance and firm valuation // Working paper / University of Michigan. - 2002.

2.6. Данилькевич М.А. Малый бизнес: критерии и налоговые льготы// Финансовый журнал. — М.: Изд. АБНК, 2010. - №10 — С.123-134.

2.7. Danis D. K., McConnell J. J. International corporate governance // Workingpaper // Purdue University. 2002.

2.8. Dalton D. R., Daily C. M., Ellstrand A. E., Johnson J. L. Meta-analytic reviews of board composition, leadership structure, and financial performance // Strategic Management Journal. 1998. Vol. 19, No 3. — P. 269-290.

2.9. Иминов О.К. и др. Организация системы контроля в акционерных обществах- важный фактор повышения эффективности корпоративного управления // “Корпоратив бошқарув ва рақобатни ривожлантириш муаммолари” мавзусидаги республика илмий анжумани. -Т.: Иқтисодиёт, 2017 й. 12 май- 78 б.

3. Фойдаланилган бошқа адабиётлар ва манбалар

3.1. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень.: Т.: ЎЗР Статистика қўмитаси, 2013 — 140 б.

3.5. “Максам-Чирчиқ” АЖ йиллик молиявий ҳисоботлари.

3.6. Global Economic Prospects, Weak Investment in Uncertain Times / World Bank, Washington, DC 20433 1818 H Street NW, January, 2017.

3.7. Узбекская экономическая энциклопедия. -Т.: Фан, 2008. – с.314.

3.8. <http://www.gov.uz>- (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати расмий сайти).

3.9. <http://www.Lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

3.10. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти).

3.11. <http://www.soliq.uz> (Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси расмий сати).

3.12. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти).

3.13. <http://www.cb.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти).

3.14. <http://www.uzkimyosanoat.uz> («Ўзкимёсаноат» АЖ расмий сайти).

3.15. <http://www.navoiyazot.uz/> («Навоийазот» АЖ расмий сайти).

3.16. <http://www.fargonazot.uz/> («Навоийазот» АЖ расмий сайти).

3.17. <http://www.oecd.org> (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти)